

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ

КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА
ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ

Қўл ёзма ҳуқуқида

УДК 687.1.001.5(575.1)

РАУПОВА ДИЛОРОМ ДИЛМУРОД ҚИЗИ

XIX аср охири XX аср бошлари ўзбек миллий либослари минтақавий типлари

5A150203- Санъат назарияси ва тарихи

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар:
Қурбонов С.

Мазкур тадқиқот иши “Тасвирий санъат назарияси ва тарихи” кафедрасида бажарилган. Ушбу кафедранинг 2018 йил _____ даги _____ - сонли мажлисида ҳамда Санъатшунослик факультетининг 20_____ йил _____ даги _____ сонли факультет кенгашида муҳокама этилган ва ҳимояга тавсия этилган.

Такризчилар: Ички такризчи:

Ташқи такризчи:

Магистратура бўлими бошлиғи:

**Тасвирий санъат назарияси ва тарихи
кафедраси мудири:**

С.Қурбонов

**Диссертация
илмий раҳбари**

С.Қурбонов

Ҳимоя 2018 йил _____ соат да Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти залида ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мироншоҳ кўчаси, 123-уй.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ
МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ

Санъатшунослик факультети

Магистратура талабаси: Раупова

Дилором Дилмурод кизи

Тасвирий санъат назарияси ва

Илмий раҳбар: С.Курбонов

тарихи кафедраси

2017-2018 ўқув йили

Мутахассислиги – 5A150203-

Санъат назарияси ва тарихи

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ

Мавзунинг долзарблиги. XIX аср охири XX аср бошлари ўзбек миллий либослари минтақавий типларининг шаклланиши, тарихи ва ривожланиши, ўзига хос ва фарқли хусусиятларини ўрганиш бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга мавзу ҳисобланади.

Мавзунинг мақсад ва вазифалари. XIX аср охири XX аср бошлари ўзбек миллий либослари минтақавий типлари ўзига хосликларини ўрганиш ишнинг мақсади саналса, минтақавий типларнинг қандай вужудга келишини тадқиқ этиш ишнинг вазифаси ҳисобланади.

Тадқиқот объекти ва предмети. XIX аср охири XX аср бошлари ўзбек миллий либослари ишнинг объекти бўлиб, мазкур либосларни минтақавий типларини таҳлил қилиш ишнинг предмети саналади.

Тадқиқот услубияти ва услублари. . Диссертация мавзусидан келиб чиққан ҳолда кузатиш, таққослаш, таҳлил қилиш каби услублардан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси.
Ўзбек миллий либосларининг минтақавий типларини, фарқли ва ўхшаш томонларини шаклланиши ва ривожланишига таъсир кўрсатган омилларни аниқланганлиги ишнинг илмий янгилигидир.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва татбиқи.
Тадқиқот натижалари илмий изланишларда, ҳудудий типларга оид кўرғазмалар яратишда асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Иш тузилиши ва таркиби. Магистрлик диссертацияси кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва илова каби қисмлардан иборат.

Бажарилган ишнинг асосий натижалари. XIX аср охири XX аср бошлари ўзбек миллий либослари мисолида минтақавий типларнинг шаклланиши ва ўзига хос хусусиятлари тадқиқ қилинди.

Хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси.
XIX аср охири – XX бошларига оид ўзбек миллий либосларининг минтақавий типлари ҳудудий, сиёсий, тарихий, диний, иқлим омили таъсирида шаклланган.

English version of annotation

Илмий раҳбар

(имзо)

Магистратура талабаси

(имзо)

М У Н Д А Р И Ж А

| | |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--|
| Кириш | |
| I XIX аср охири XX аср бошлари ўзбек миллий либосларининг ўзига боб. хос хусусиятлари | |
| 1. XIX аср охири XX аср бошлари ўзбек миллий либосларининг ўрганилиш тарихи. | |
| 2. Ўзбек миллий либосларининг шаклланиш тарихи | |
| 3. XIX аср охири XX аср бошларида ўзбек миллий либосларида қўлланилган матолар ва уларнинг хусусиятлари | |
| I боб бўйича хулоса | |
| II XIX аср охири XX аср бошларига оид ўзбек миллий либосларнинг боб. худудий ўзига хосликлари | |
| 1. Самарқанд-Бухоро миллий либослари | |
| 2. Тошкент-Фарғона миллий либослари. | |
| 3. Хоразм миллий либослари | |
| II боб бўйича хулоса | |
| III XIX аср охири XX аср бошларида минтақамизда сақланиб қолган боб. либосларнинг ўхшаш ва фарқли жихатлари | |
| 1. XIX аср охири XX аср бошларига оид ўзбек миллий либосларининг умумий хусусиятлари ва таснифи | |
| 2. Минтақамизда сақланиб қолган либосларнинг тарихий ва илмий аҳамияти. | |
| III боб бўйича хулоса | |
| Хулоса | |
| Адабиётлар рўйхати. | |
| Илова | |

К И Р И Ш

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Анъанавий кийимларимиз моддий маданиятимизнинг асосий кўринишларидан бирини ташкил этиши билан бирга унда халқимизнинг ўтмиши, миллий хусусиятлари ва маданий қадриятлари намоён бўлади. Айни пайтда миллий маданиятининг бошқа кўринишлари сингари унинг турмуш тарзи, эстетик диди ва миллий ўзлигининг кўзгусидир.

Миллий кийимларнинг замонавий кўриниши ёки бўлмаса замонавий кийимларга миллий рух беришда бир неча ўзига хос услублар мавжуд бўлиб, буларга – миллий бичимлардан фойдаланилган холда, ёки миллий амалий безак турларидан фойдаланган холда орнаментли либослар яратиш мумкин. Миллий орнаментларнинг либосларда безак сифатидаги ўрни муҳим бўлиб, уларнинг қўлланилиши тобора ривожланиб, кишилар дидининг муттасил ўсиб бориши ва халқлар орасидаги этномаданий алоқаларнинг кучайишига ҳам ўз тасирини кўрсатмоқда. Пировардида кийимлар тараққиётида жадал ўзгаришлар рўй беришига олиб келмоқда.

Кийим-кечакларда қўлланилган бадий безаклар ўзбек халқи тарихи билан узвий боғлиқ бўлиб, у моддий-маданий ёдгорликлар ичида халқларнинг миллий ўзига хослигини акс эттирувчи ва этник белгилари билан ажралиб турувчи ўзига хос мезондир. Уларда аждодларимиз тарихига бориб тақаладиган урф-одатлар, анъаналар, ижтимоий муносабатлар, маърифий, диний эътиқод, нафосат ва эстетик шаклларнинг айрим унсурлари ифодаланади. Жамият турмуши, иқтисодиёти ва сиёсатида ўзгаришлар бўлиб туриши билан бир вақтда либос шакллари ҳам ўзгариб боради, унда халқнинг моддий ахлоли, кишиларнинг диди, гўзаллик тўғрисидаги идеаллари, хўжалик юритишнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда оилавий турмушнинг баъзи томонлари ҳам кўзга яққол ташланади.

Ўзбек халқининг кийим кечаклари жуда хилма-хил, ранг-баранг ва жозибалидир. Миллий маросимларида алоҳида кийинилади. Никоҳ ёки хатна тўйида келин-куёвлар либослари, тўй боланинг кийими, дафн маросимида мархумни ёдлаш даврида кийиладиган либослар, яна байрам, тантаналарда, кундалик турмушда кийиладиган, коржомо каби турларга бўлинади.

Миллий либосларни ўрганишимиздан асосий мақсад-халқимизга миллий ўзлигини англатиш, ҳозирги даврда анъанавий, бетакрор кийимларнинг моҳиятини, ранглардаги уйғунлигини ва қандай услубларда қўлланилишини ўрганиш, тарғиб қилиш, амалда кўрсатиш, туман, қишлоқ ва шаҳарларда сақланиб келаётган фарқларни акс эттириш ҳамда уларни давомийлигини англатишдан иборат.

Миллий кийимларнинг замонавий кўриниши ва уларнинг истикболини аниқлаш учун тарихга мурожаат қилиниб, либоснинг ретроспектив таҳлили амалга оширилади. Анъанавий либослар узок тарихий тараққиёт натижасида яратилганлиги учун асрлар давомида уларнинг қисмлари ва айрим безакларида муайян ўзгаришлар юз берган. Конструктив-технологик ва композицион ечимларида, нақшларида маълум усуллар юзага келган. Айниқса, XIX асрнинг охири – XX аср бошлари жамият ҳаётида содир бўлган тарихий жараёнлар, ижтимоий-сиёсий, маданий соҳаларда юз берган улкан ўзгаришлар ҳамда енгил саноат, хусусан тўқимачилик ва тикувчилик саноатининг жадал ривожланиши, кишилар дидининг муттасил ўсиб бориши ва халқлар орасидаги этномаданий алоқаларнинг кучайиши кийимлар тараққиётида инқилобий ўзгаришлар рўй беришига олиб келди. Натижада халқимиз кийим кечаклари кийим эгасининг ўзига ва атрофидагиларга эстетик завқ бағишлайдиган санъат асари даражасида тараққий этди. Шу билан биргаликда ўзбек миллий либосларининг ҳар хил қирраларини очиб беришга ҳаракат қилинмоқда.

Ҳозирги кунга келиб, этнология ва санъатшунослик соҳаларида ўзбек миллий либосларини тадқиқ этиш бўйича маълум ижобий натижаларга

эришилганлигига қарамай, ҳалигача анъанавий либосларни ўрганишга доир муаммо тўлиқ ҳал қилинган деб айтиш қийин.

Тадқиқотнинг долзарблиги шундаки, ҳозирги кунга қадар XIX асрнинг охири XX аср бошлари ўзбек миллий либосларининг тарихи ва замонавий бадиий жараёнлари назарий жиҳатдан жиддий ўрганилмаган. Либослар билан боғлиқ кадриятларнинг айрим минтақаларга хос хусусиятлари маълум даражада ёритилганлигига қарамай, анъанавий кийимлар безаклар мажмуи бадиий маданият компоненти сифатида таҳлил этилмаган.

Масаланинг муҳимлиги қуйидаги назарий ва амалий омиллар билан изоҳланади:

Биринчидан, XIX асрнинг охири XX аср бошлари ўзбек миллий либосларда қўлланилган элементлари алоҳида таснифланиб тадқиқот объекти сифатида махсус ўрганилмаганлиги;

Иккинчидан, жаҳон цивилизациясида ўзбек миллий маданиятини намоён этишда миллий либосларларимизни асослаб минтақавий ўрганилиши ва уларни услубларини ўрганиш юзасидан жиддий тадқиқотларнинг йўқлиги;

Учинчидан, ўзбек миллий либосларини кишилар хулқ-атворларига зид бўлган турли таъсирлардан сақлаш, турли мантиқсиз тасвирлар туширилган замонавий либослар ўрнига ватанимиз иклими, географик шароити, тарихий анъаналари, бой маданиятини ҳисобга олган ҳолда, шакл ва мазмун жиҳатдан тарихий анъаналаримизга, шу билан бирга замонавийликка асосланган, халқимиз дидига мос либос намуналарини яратиш эҳтиёжининг мавжудлиги;

Тўртинчидан, Ўзбекистоннинг миллийлигини намоён этувчи миллий либослар кун сайин кўпайиб бормоқда. Аммо уларда акс этувчи нақш элементлари аксарият ҳолларда шакл ва мазмун жиҳатдан уйғунлаштирилмаган. Бадиий яхлитлик масалаларининг ўзига хос жиҳатларини илмий мушоҳада асосида ўрганишни замоннинг ўзи такозо этаётганлигидир.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Тадқиқот ишининг объектини XIX аср охири XX аср бошларига оид эркаклар ва аёллар кундалик, кишилик, мотам, тўй ва турли маросимларда кийиладиган либослар, ёшга доир ўзбек миллий либослари ташкил қилади.

Тадқиқот ишининг предметини эса XIX аср охири XX аср бошлари оид ўзбек миллий либосларининг минтақавий типлари ташкил этади. Ўзбекистон миллий либослари шакл жиҳатдан ҳозирга қадар илмий тавсиф этилмаган, бадиий қиймати санъатшунослик ва маданиятшунослик кесимида баҳоланмаганлиги тадқиқот предмети ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Минтақавий либос типлари ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари ва ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлаш, либос минтақавий типларини шаклланиш тарихини ўрганиш, минтақавий типларнинг қай ҳолда ривожланганини тадқиқ этиш тадқиқотнинг мақсади ҳисобланади.

Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда куйидаги вазифалар кўйилди:

- XIX аср охири XX аср бошлари ўзбек миллий либосларининг ўзига хос хусусиятларини ёритиш;
- XIX аср охири XX аср бошлари ўзбек миллий либосларининг ўрганилиш тарихини таҳлил қилиш;
- ўзбек миллий либосларининг шаклланиш тарихини тадқиқ қилиш;
- XIX аср охири XX аср бошларида ўзбек миллий либосларида қўлланилган матолар ва уларнинг хусусиятларини ўрганиш;
- XIX аср охири XX аср бошларига оид ўзбек миллий либосларнинг ҳудудий ўзига хосликларини жумладан, Самарқанд-Бухоро, Тошкент-Фарғона ва Хоразм миллий либослари мисолида таҳлил қилиш;
- XIX аср охири XX аср бошларида минтақамизда сақланиб қолган либосларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ўрганиш;

– минтақамизда сақланиб қолган либосларнинг тарихий ва илмий аҳамияти баён этиш ҳисобланади.

Илмий янгилиги. Тадқиқот ишининг илмий янгилиги шундаки, ўзбек миллий либосларида минтақавий типларнинг вужудга келишига сабаб бўлган омиллар, улардаги ўзига хос ва фарқли жиҳатларнинг шаклланиши ва ривожланиш масалалари қиёсий тарзда ўрганилганлигидадир. Илмий тадқиқот ишида илк бор миллий либосларнинг минтақавий типларини ўрганиш ва уларни таснифлаш масаласи алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилади. Мавзу юзасидан назарий асос яратилади, тегишли тавсиялар ва тақлифлар ишлаб чиқилади. Уларнинг барчасидан амалиётда фойдаланиш йўллари кўрсатиб берилади.

Диссертациянинг илмий янгилиги энг аввало мавкур масаланинг илк бор магистрлик диссертацияси даражасида ўрганилаётганлиги билан изоҳланади. Муаллиф мавзу юзасидан аниқ концепция ишлаб чиқиб, шу асосда маълумотлар илмий таҳлил этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тадқиқот ишининг асосий масаласи XIX аср охири – XX бошларига оид миллий либослар ёрдамида ўзбек миллий либосларининг минтақавий типларини шаклланиши ва уларнинг ўзига хосликларини аниқлаш саналади. Тадқиқотнинг этакчи масаласи ўзбек миллий либосларининг минтақавий типларини таснифлаш фарқли ва ўхшаш хусусиятларини шакллантириш ҳисобланади.

Тадқиқот ишининг фаразлари қуйидагилардан иборат:

– XIX аср охири – XX бошларига оид ўзбек миллий либосларининг минтақавий типлари шаклланиш илдизлари энг қадимги даврларга бориб тақалади;

– минтақавий типлар шаклланишида ҳудудий ва сиёсий омил катта таъсир кўрсатган;

- минтакавий типлар шаклланиши хонликлар даври ва худуди билан боғлиқ. Ҳар бир хонликка кўшни давлатлар маданиятининг таъсири катта бўлган;
- либос типларини шаклланишида тарихий омилнинг таъсири катта бўлган;
- барча минтакавий типлар диний эътиқод таъсиридаги умумийликка эга;
- либослари иқлим шароитига мосланган. Минтақа табиати либослардаги безакларда акс этган;

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи. Кийимларда кўланиладиган безак ва накшларни ўрганиш борасида ҳар бир даврга ўзига хос тарзда ёндошилиб, изланишлар олиб борилган. Мавжуд манбалар тадқиқотнинг назарий асосларини бойитишга хизмат қилди. Миллий либослар халқ миллий маданиятининг кўзгуси сифатида этногенез, этник тарих ва маданият тарихини ўрганишнинг муҳим манбаларидан биридир.

Ҳозирги кунгача фанда ўзбек миллий кийимлари борасида ўнлаб тадқиқотлар ва илмий ишлар бажарилган. Н.Содиқованинг “Ўзбек миллий кийимлари (XIX-XX асрлар)” номли тадқиқотида XIX аср охири ва XX асрда урф бўлган анъанавий кийимлар турли вилоятлар кесимида атрофлича ўрганилган. Мазкур тадқиқотда этнолог, ўлкашунос, археолог, санъатшунос мутахассислар томонидан Республикамизнинг турли минтақаларига хос кийимларнинг маҳаллий-локал хусусиятлари, тикилиши ва кийилишидаги ўзига хослик, шунингдек кийимлар эволюцияси турли манбалар материаллари асосида таҳлил этилган¹. Шу боис, биз бу ўринда ўзбек миллий либосларининг кўлланилиши ва синфланиши номли мавзунинг таркибий тузилиши ва унда кўриладиган масалалар моҳиятидан келиб чиқиб, мавзуга алоқадор бўлган адабиётларни таҳлил қилишда ўзбек миллий кийимларининг шаклланиш тарихи ва эволюциясига бағишланган барча тадқиқотлар ва илмий адабиётларни таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

¹ Содиқова Н. Ўзбек Миллий кийимлари (XIX-XX асрлар). –Т.:Шарқ,2003.

Мавжуд илмий адабиётлар таҳлилини бошлашдан аввал шуни такидлаб ўтиш керакки, энг қадимги ёзма меросимиз дурдонаси – “Авесто”² да, шунингдек, ўрта асрларда М.Қошғарий³, комусий олим А.Беруний⁴ ва давлат арбоби Захириддин Муҳаммад Бобур асарларида халқимизнинг қадимий кийимлари ҳақида қимматли маълумотлар берилган⁵. Ўзбекистон амалий-безак санъати алоҳида жанр ва кўринишларга бўлиб ўрганилган. Масалан, А.С.Морозованинг тадқиқотларида ижодларига катта эътибор берилади ва атрофлича шарҳ берилади. Бу билан бир қаторда уларнинг тасвирий хусусиятлари борасида ҳам айрим фикр-мулоҳазалар билдирилади. А.С.Морозованинг тадқиқотларида асосан асримизнинг 30-йилларига қадар йиғилган материаллар таҳлил этилгани учун ундаги либослардаги нақшларнинг маъноларига катта эътибор берилиб, 30-йиллардан то 80-йиллар оралиғида амалий-безак санъатига эндигина кириб келаётган ва кейинчалик кенг тарқалган тематик мавзулар эса қисман изоҳланади.

Бундан ташқари XIX аср охири – XX бошлари ўзбек миллий либослари этнографик нуқтайи назардан ўрганилган адабиётларга И. Жабборов⁶, Т.А.Абдуллаев, С.А.Хасанова⁷, О.А.Сухарева,⁸ Г.К. Зуннунова,⁹

Санъатшунослик, дизайн, музейлардаги кийим-кечак, либос коллекцияларини тадқиқ қилиш нуқтайи назаридан ўрганилган адабиёт ва илмий тадқиқотларга Г.А. Пугаченкова¹⁰, С.М.Маҳкамова¹¹, Н.Содиқова¹²,

² Авесто. Альбом-монография (Сўзбоши Т.Махмудовники). –Т.:Шарк., 2001.

³ Қошғарий М. Девони луғотит турк. Уч томлик (А.Муталибов таржимаси). –Т.: Фан, 1960-1963-йиллар. 3 томлик. 3-том. - 467 б.

⁴ Беруний А. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар.- Асарлар. 1 жилд. – Т.: Фан,1968. - 486 б.

⁵Бобур.З.М. Бобурнома. – Т.: Мехнат, 1990.

⁶ Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. – Т.: Ўқитувчи, 1994. -149 б.

⁷ Абдуллаев Т.А., Хасанова С.А. Одежда узбеков. –Т.: Фан, 1978. -115 с.

⁸ Сухарева О.А. История среднеазиатского костюма: Самарканд – М.: Наука, 1982. – 34 с.

⁹ Зуннунова Г.К. Махаллада яшовчи ўзбекларнинг анъанавий ва замонавий кийимлари//Тошкент махаллалари: анъаналар ва замонавийлик. Тошкент, 2002.

¹⁰ Пугаченкова Г.А. К истории паранджи // СЭ. 1962. № 3. С. 191-195.Пугаченкова Г.А. К истории костюма Средней Азии и ИранаXV – первой половины XVI вв. по данным миниатюр// Тр. САГУ. Т. XXXI, 1956.

¹¹ МаҳкамоваС.М. К история качества в средней Азии //Художественная культура Средней Азии. IX-XIII века: сборник статей. - Т.: Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма, 1983; МаҳкамоваС.М. Абровые ткани Узбекистана конца XIX-XX вв. Автореферат – кандидатлик диссертацияси. № 823.Санъатшунослик. Ташкент, 1970; МаҳкамоваС.М.Художественные ткани Узбекистана (полосатие и

З.И.Рахимова¹³, Р.Я. Рассудова¹⁴, Г. К. Юлдашева¹⁵, К. Жумаев¹⁶, А. Аширов¹⁷, Л. Левтеева¹⁸, И. Богославская¹⁹, К.Турсуналиев²⁰, Г. К. Хасанбаева²¹, Б.П.Торебаев²², Д. А. Фахретдинова²³ илмий изланишларини санаб ўтиш мумкин.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Диссертация мавзусидан келиб чиққан ҳолда кузатиш, таққослаш, таҳлил қилиш каби услублардан фойдаланилди. XIX аср охири XX аср бошларига доир ўзбек миллий либослари кузатиш услубидан фойдаланилган ҳолда ўрганилди. Кузатиш услуби орқали XIX аср охири XX аср бошларига оид ўзбек миллий либослари бичимлари, безаклари, матолари, синчиклаб кўздан кечирилди. Таққослаш методидан фойдаланилган ҳолда XIX аср охири XX аср бошларига оид Бухоро, Самарқанд, Фарғона водийси, Тошкент ва Хоразм миллий либосларининг ўхшаш ва фарқли томонлари қиёсий ўрганилди.

обровые) конца XIX- XX вв. номли илмий даражадаги санъатшунослик бўйича кандидатлик диссертацияси. Ташкент, 1969; Махкамова С.М. Узбекские абровые ткани. – Т.: Государственное издательство художественной литературы Узбекской ССР, 1963. Махкамова С.М. К проблеме атрибуции абровых тканей // Икаты Туркистана из коллекции Таира Ф. Таирова-I том. – М.: ООИД “Желтые страницы”, 2002; Махкамова С.М. Смелая эстетика разноцветья полос // Старинные костюмы Узбекистана осенившие европейский модернизм из коллекции Таира Ф. Таирова-II том. – М.: Восход(ПБОЮЛ Фролов С.Д), 2010.

¹² Содикова Н. Ўзбек миллий либослари, Т.: 2003 й.

¹³ Рахимова З.И. К истории костюма народов Узбекистана: Костюм Бухары и Самарканда XVI-XVII веков (по данным средневековой миниатюрной живописи. Санъат. 2005; Рахимова З.И. XIX охири - XX аср боши Фарғона аёллари анъанавий либоси. Санъат. № 3. 2015; Рахимова З.И. Среднеазиатский костюм на миниатюрах Мавераннахра XVI-XVII вв. // Культура Среднего Востока. –Изобразительное и прикладное искусство. Т.: Фан, 1990. - С. 135-151.

¹⁴ Рассудова Р.Я. К истории женской одежды Ферганы и Ташкента (XIX – начало XX вв.) // ПИИЭ, 1979. – М.: 1983. – С. 164–178; Рассудова Р.Я. К истории одежды оседлого населения Ферганского, Ташкентского и Зеравшанского регионов // СМАЭ. – 1978. – Т. – С. 154–174.

¹⁵ Юлдашева Г.К. Нурота воҳаси аёлларининг анъанавий кийим ва тақинчоқлари. Номзодлик иши. – Т.: 1995.

¹⁶ Жумаев К. Традиционная Бухарская одежда конца XIX – начала XX века // Узбекистонда ижтимоий фанлар. 2002. № 5.

¹⁷ Аширов А. Анъанавий дунёқарашда ранглар рамзи// Фарғона водийси этнографияси ва этник тарихининг долзарб муаммолари. Наманган, 2003.

¹⁸ Левтеева Л. Бухоро зардўзлиги // Санъат. – Тошкент, 2003. – № 4. – Б. 31-33.

¹⁹ Богославская И., Левтеева Л. Пойабзал тадрижи (Ўзбекистон Давлат тарих музейи пойабзал коллекциясидан) // Санъат. – Тошкент, 2011. – № 4. – Б. 10-14; Богославская И., Левтева Л.Г. Тубетейки Узбекистана XIX-XX веков. Альбом. –Т.: mega BASIM, 2006.

²⁰ Турсуналиев К. Все цвета радуги. (Тубетейки и головные уборы узбеков XIX –XX вв.). –Т.: Фан, 1991.

²¹ Хасанбаева Г.К. Тўқимачилик дизайн тарихи. – Т.: Ўзбекистон, 2006.

²² Торебаев Б.П. Основы дизайна текстильных изделий. – Т.: Tafakkur qanoti, 2013.

²³ Фахретдинова Д.А. Ювелирное искусство Узбекистана. – Ташкент, 1988.

Илмий тадқиқот жараёнида олинган натижалар таҳлил қилиш ва тавсифлаш методларидан фойдаланилган ҳолда баён этилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Мазкур магистрлик диссертациясидан олинган натижалар, илмий-назарий хулосалар XIX аср охири XX аср бошларига оид ўзбек миллий либослари илмий ўрганилганлиги жиҳатидан либос, дизайн, санъат тарихига оид қўлланмалар, илмий рисоалар, ўрта-махсус ва олий таълим ўқув юртлари учун мўлжалланган дарсликлар, ўқув қўлланмалари яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот юзасидан олинган илмий хулосалар бу борада яратиладиган кейинги диссертациялар учун назарий асос вазифасини ўташи мумкин.

Иш тузилмасининг тавсифи. Магистрлик диссертацияси кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва илова каби қисмлардан иборат. Илмий тадқиқот ишининг биринчи боби XIX аср охири XX аср бошлари ўзбек миллий либосларининг ўзига хос хусусиятларига бағишланган бўлиб, мазкур боб ўз ичига уч бўлимни қамраб олади. Биринчи бўлим XIX аср охири XX аср бошлари ўзбек миллий либосларининг ўрганилиш тарихига, иккинчи бўлим ўзбек миллий либосларининг шаклланиш тарихига ва учинчи бўлим XIX аср охири XX аср бошларида ўзбек миллий либосларида қўлланилган матолар ва уларнинг хусусиятларига бағишланган. Магистрлик диссертациясининг иккинчи бобида XIX аср охири XX аср бошларига оид ўзбек миллий либосларнинг ҳудудий ўзига хосликлари таҳлил қилинган бўлиб, бу боб ҳам уч бўлимни ўз ичига қамраб олади. Иккинчи бобнинг биринчи қисми Самарқанд-Бухоро либосларига, иккинчи қисми Тошкент-Фарғона либосларининг ўзига хос хусусиятлари таҳлилига, учинчи қисм Хоразм либосларига бағишланган. Тадқиқот ишининг учинчи боби XIX аср охири XX аср бошларида минтакамизда сақланиб қолган либосларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари деб номланади. Ушбу боб икки бўлимдан иборат бўлиб, биринчи қисмда XIX аср охири XX аср бошларига оид ўзбек миллий либосларининг умумий хусусиятлари ва

таснифига, иккинчи бўлимда минтақамизда сақланиб қолган либосларнинг тарихий ва илмий аҳамияти баён этилган. Ҳар бир боб хулосалар билан яқунланган.

Хулоса қисмида эса тадқиқот натижалари умумлаштирилган ҳолда фикр ва мулоҳазалар билдирилган. Диссертациясининг илова қисмидан иллюстрациялар ўрин олган.

I боб. XIX аср охири XX аср бошлари ўзбек миллий либосларининг ўзига хос хусусиятлари

1.1. XIX аср охири XX аср бошлари ўзбек миллий либосларининг ўрганилиш тарихи

Ўзбек халқининг кийим-кечаклари кўп асрлик тарихга эга. Ҳар бир элат ва этник гуруҳларнинг ўзига хос хусусиятли бош-оёқ кийимлари бўлсада, юртимиз ҳудудида яшовчи халқларнинг умумий характеридаги сарпо мавжудлиги, уларнинг тарихий тақдири, маданияти узоқ давр ўзаро яқин бўлганлигидан далолат беради. Археологик қазилмалардан топилган қадимий катта деворий тасвирлар (жумладан, Сурхондарё вилоятидаги Кампиртепа ёдгорлиги, Афросиёб ва Варахша деворий суратлари), ўрта асрлардаги миниатюра санъати намуналари аجدодларимизнинг ўтмишдаги либослари ҳақида бой маълумотлар беради.

Ўрта асрларга оид миниатюралар ўзбек миллий либосларининг типни шаклланди ва ушбу либослар яратилиши қонунияти кейинги даврларгача сақланиб, мунтазам шаклланиб борганлигини намойиш қилади²⁴.

Европалик муаллифлар томонидан Марказий Осиё халқлари кийим-кечакларига оид дастлабки материаллар ўрта асрлардан, яъни: мазкур минтақага европаликлар томонидан илк сафарлар уюштирилган даврдан бошлаб йиғила бошланган. Хусусан, XIII асрда Муғулистонга сафар қилиш

²⁴ Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. – Т.: Ўқитувчи, 1994. -149 б.

асносида мазкур минтақада бўлган итальян сайёхлари Марко Поло ва Пано Карпини ҳам Марказий Осиё халқларининг ўша даврлардаги кийим-кечаклари тўғрисида қимматли маълумотларни ёзиб қолдирган²⁵. XV аср бошида Амир Темур саройига элчи бўлиб келган испаниялик Руи де Гонзалес Клавихо Самарқандда икки йил яшаган ва маҳаллий аҳолининг ўша даврдаги кийимлари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлиб, у ўз эсдаликларида кўпроқ ўша даврнинг аслзода аёллари, жумладан темурий маликаларнинг турли элчилар ва чет эллик меҳмонларни қабул қилиш маросимларида кийган кийимлари тўғрисидаги маълумотлар бериб ўтган²⁶.

XVI асрда Марказий Осиёга ташриф буюрган инглиз савдогари А.Женкинсон эса ушбу минтақада ипшаб чиқарилган маҳаллий матолар тўғрисида қизиқарли маълумотлар бериб ўтган, лекин афсуски, муаллиф маҳаллий аҳолининг кийим-кечаклари борасида маълумотлар бермаган. Бухорода тайёрланган матолар тўғрисида венгер олими Х.Вамбери ҳам батафсил маълумотлар бериб ўтган.

XIX асрнинг биринчи ярмига келиб Марказий Осиёга ташриф буюрган кўплаб сайёхлар, элчилар, ҳарбийларнинг йўлномалари ҳамда турли мақсадларда уюштирилган экспедиция иштирокчиларининг сафарномаларида минтақа тўғрисидаги дастлабки этнографик маълумотларни учратиш мумкин. Бироқ, улар маҳаллий аҳолининг антропологик тавсифига, кўпроқ қиёфасига тўхталиб ўтганлар ва айрим ўринлардагина кийим-бошлари тўғрисида маълумотлар беради. Жумладан, Е.Мейендорф бухоро аёллари ўзларининг таналарини буткул беркитиб турувчи кенг кийим кийганликларини қайд этса, инглиз сайёҳи А.Борис ўзбек миллий кийимлари мажмуига кирувчи узун пошналар этиклар ва аёлларнинг катта оқ саллалари маҳаллий аёлларнинг аҳоли кийим-бошлари деб ёзган. Шунингдек бу даврда Туркистонда бўлган П.Небольсин ҳам бухороликлар, хиваликлар ва қўқонликларнинг миллий кийимлари ҳамда

²⁵ Абдуллаев Т.А., Хасанова С.А. Одежда узбеков. –Т.: Фан, 1978. -115 с.

²⁶ Сухарева О.А. История среднеазиатского костюма: Самарканд – М.: Наука, 1982. – 34 с.

махаллий матолар тўғрисида жуда қисқа, лекин ўта қимматли маълумотларни келтириб ўтади²⁷.

Россия империяси Ўрта Осиёни босиб олганидан сўнг уни ўз мақсадлари йўлида ўрганишга киришиб, ўлка бўйлаб қатор илмий экспедициялар уюштирди. Натижада ўша пайтда фаолият юргизган бир қатор илмий жамиятлар томонидан Туркистон тарихи ҳамда маҳаллий аҳолининг моддий ва маънавий маданиятига бағишланган қатор илмий асарлар чоп этирилди.

Умуман олганда, юқорида номлари қайд этилган муаллифларнинг асарларида Марказий Осиё халқларининг ўрта асрлар ва Россия мустамлакаси арафасидаги кийимлари, кийиниш маданияти ҳамда моддий маданиятининг либос билан боғлиқ, жиҳатлари ҳақида умумий этнографик маълумотлар берилганлиги боис ўзбек халқининг анъанавий кийимлари тарихини ўрганишда маълум маънода асос бўлиб хизмат қилади деб айтиш мумкин.

Қолаверса, мазкур даврда ўзбек халқининг анъанавий либослари борасида дастлабки илмий материаллар йиғила бошланган бўлсада, лекин ушбу қайдномалар кўпинча мутахассис тадқиқотчилар томонидан йиғилмаганлиги боис, анъанавий кийимларнинг ўзига хос хусусиятлари ва тарихи борасида батафсил маълумот бера олмайдиган тавсифий характердаги ёки узук-юлуқ маълумотлар мажмуидангина иборат бўлиб қолган.

XX асрнинг 20-40 йилларида В.Г.Григорьев, О.А.Сухарева каби этнограф ва шарқшунос олимлар томонидан илмий маълумотлар ва дала тадқиқотлари асосида ўзбек миллий либосларига оид қатор янги асарлар ва мақолалар эълон қилинди. Айниқса, бу борада ўзбек этнограф олима М.Бикжонованинг Тошкент шаҳри ўзбекларининг анъанавий кийимларини ўрганишга доир қатор илмий изланишлари алоҳида эътиборга моликдир.

²⁷ Абду-ур-Рауф. Рассказы индийского путешественника (Бухара как она есть). – Самарканд: 1913.- 60 с.

XX асрнинг 50-60-йилларига келиб ўзбек миллий либосларини ўрганиш борасида янги давр бошланди. Бу даврда турли тарихий-этнографик минтақаларда яшовчи ўзбекларнинг анъанавий кийимларини ўрганиш борасида янги-янги тадқиқотлар юзага келди. Бу борада машхур этнограф олима О.А.Сурхарева дала тадқиқотлари ва турли тарихий материаллар асосида ўзбекларнинг анъанавий кийимларига оид қатор фундаментал асарлар яратди. Олиманинг Ўзбекистон худудида яшовчи халқлар кийимларини ўрганиш муаммоларига оид илмий ишларида минтақада яшовчи халқлар кийимларининг ўрганилиш тарихи ва келгусида мавзу доирасида тадқиқ қилиниши лозим бўлган муаммолар борасида қатор эътиборга молик фикр-мулоҳазалар баён қилинган²⁸.

Айниқса, бу даврда Марказий Осиё халқларининг анъанавий кийимларига бағишлаб эълон қилинган ишлар ичида Миклухо-Маклай номидаги Этнография институти томонидан нашр қилишган “Ўрта Осиё халқлари кийимлари” номли фундаментал асар алоҳида ўрин тутди. Мазкур асар Марказий Осиё халқлари кийимлари шарқшунос ва этнограф мутахассислар томонидан археология, деворий расмлар, ёзма манбалар ва дала этнографик материаллари асосида жиддий тадқиқ қилинган асарлардан бири ҳисобланади.

Замонавий кийимларига бағишланган рисоласида анъанавий ўзбек кийимлари, уларни тайёрлашда ишлатиладиган мато турлари, тайёрлаш усуллари ва тарқалиши, бичими, тақинчоқлари, кийим-кечак безакларининг турлари тўғрисида батафсил маълумотлар берган. Бундан ташқари, таниқли этнограф олим, академик Қ.Шониёзов билан Ҳ.Исмоиловнинг ҳам муаллифликда ёзган “Ўзбеклар моддий маданиятидан этнографик лавҳалар” номли асарида ҳам ўзбек миллий либослари таҳлилига алоҳида боб бағиланган бўлиб, эркак ва аёллар кийимлари, уларнинг ўзаро фарқлари, тайёрланиши ва кийилиши хусусида қизиқарли мулоҳазалар баён қилинган.

²⁸Сурхарева О.А. История среднеазиатского костюма: Самарканд – М.: Наука, 1982.- 476.

Бош кийимлари ҳам миллий либосларнинг асосий қисмларидан бирини ташкил қилади. Қадимги даврлардаёқ бош кийимига қараб ўзбекларнинг этник ва локал гуруҳларини фарқлаш мумкин бўлган.

Зеро, ўзбек аёлларининг анъанавий бош кийимлари санъатшунос ва этнограф олимлар томонидан жиддий тадқиқ этилган. Умуман олганда, кўплаб муаллифлар аёллар юзини ёпинчиқ тарзида тўсиб турувчи махсус либосларнинг келиб чиқиши исломдан аввалги анъаналар билан боғлиқ, деган хулосага келган. Таниқли музейшунос мутахассислар Т. Абдуллаев ва С.А.Хусановаларнинг “Ўзбеклар кийими” номли асарида Ўзбекистон тарихи давлат музейида сақланаётган кийим-кечакларнинг ноёб нусхалари асосида XIX асрхири - XX аср бошларидаги Бухоро, Самарканд, Фарғона, Тошкент ва Хоразм минтақаларига хос эркаклар, аёллар, болалар ҳамда турли табақа вакиллари кийимлари таҳлил қилинган²⁹. Мазкур китобда кийимларнинг маҳаллий хусусиятларига доир жиҳатлари акс эттирилмаган. Шу боис, Ўзбекистоннинг барча минтақаларига хос бўлган хилма-хиллик анъанавий бичиш усуллари батафсил ёритилмаган. Лекин шунга қарамай, бу асар ўзбек кийимлари мавзуида кенг кўламли тадқиқотлар олиб бориш ҳамда кийиниш маданиятининг ўрганилмаган тарафларини чуқур ёритишга ёрдам беради.

Ўзбек миллий либосларининг этнографик таҳлили тарихига назар ташлаганда, 90-йилларга келиб Москвадаги Этнография институти илмий жамоаси томонидан нашр этилган “Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг анъанавий кийимлари” номли асарни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Марказий Осиё ва Қозоғистон халқларининг анъанавий кийимларига оид сўнгги тадқиқотлар натижасини ўзида мужассамлаштирган бу асарда Хоразм аёллари ва Фарғона-Тошкент эркакларининг анъанавий кийимлари қиёсий-тарихий жиҳатдан таҳлил қилинганлиги муҳим илмий аҳамият касб этади.

²⁹ Абдуллаев Т., Хусанова С. Ўзбеклар кийими. – Т.: Фан, 1970. - 66 б.

Собиқ иттифок даврида Марказий Осиё халқларининг уй шароитида ип-газлама, ипакли ва ярим ипакли (нимшойи) ҳамда жун ва теридан мато тайёрлаш жараёни ҳам айрим тадқиқотчилар томонидан ўрганилган бўлиб, матоларни тўқиб, турли-туман рангларга бўяш усуллари ва ушбу жараёнларда иштирок этувчи ҳунармандларнинг вазифалари тавсифланган. Лекин, афсуски, бу ўзига хос ва қизиқарли мавзу Республикамизнинг миллий анъаналари ҳамда ўзига хос локал хусусиятлари билан ажралиб турувчи тарихий-этнографик минтақалари ҳисобланувчи Қашқадарё воҳаси, Жиззах ва Самарқанд вилоятлари мисолида ҳозиргача ўрганилмаган.

Миллий либосларга хос тақинчоқ ва безаклар яқин даврларгача одат бўлиб келган. Кийим-кечаклардаги янгилашни ва унинг трансформацияси тақинчоқларнинг айрим хиллари истеъмолдан чиқиб кетишига сабаб бўлган. Бу даврда анъанавий кийимларнинг ажралмас қисми бўлган тақинчоқларнинг турлари, тарихи ва улар билан боғлиқ тасаввурлар ҳам маълум даражада ўрганилган.³⁰

Шу ўринда, Ўзбекистон халқ устаси Ф.Дадамўхамедов томонидан мустақиллик йилларида архелогик қазилмалар натижасида топилган ва деворий тасвирларда, ёзма манбаларда тасвирланган тақинчоқларни тиклаш борасида амалга оширган фаолияти таҳсинга сазовор. Унинг ижодида такрорланмас безак намуналарининг фойдаланилиши, Россия ва бошқа мамлакатлар музейларида сақланаётган кўплаб заргарлик буюмлари, қадимий тақинчоқларнинг юксак санъат билан яратилган нусхалари миллий тарихимиз моддийгини бойитишда муҳим ўрин тутаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Айниқса, ҳозирги кунда йўқолиб кетган айрим тақинчоқлар турлари, айрим безаклар ва тошларнинг моҳирона яратилиши ўзбек миллий либосларининг ажралмас қисми бўлган тақинчоқлар ва безакларнинг тарихий жиҳатини оширишда бекиёс ўрин тутмоқда.

³⁰ Фахретдинова Д.А. Ювелирное искусство Узбекистана. – Ташкент, 1988.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Тарих институти “Этнология” бўлимида ўзбек халқи этнографияси долзарб мавзуларининг янги талқинига бағишланган қатор тадқиқотлар яратилди деб айтиш мумкин. Жумладан, этнограф Г.Юлдашева Нурота воҳаси аёлларининг анъанавий кийимлари мавзусида ёклаган номзодлик диссертациясида воҳа аёлларининг кундалик байрам кийимлари ҳамда қизлар ва келинларнинг либослари хақида бой этнографик маълумотлар келтирилган³¹.

Тадқиқотчи Г.Зуннунова Тошкент шаҳри ўзбек аёллари кийимларининг ривожланиш босқичлари ва трансформациясини ўрганган бўлса³², Қ.Жумаев Бухоро миллий либосларининг ўзига хос томонларини этнографик материаллар асосида таҳлил қилган³³. Ёш истеъдодли этнолог олим А.А.Аширов томонидан ўзбек халқи оилавий маросимларида кийим-кечакларнинг рамзий тутган ўрни янги талқини нуктаи назардан тадқиқ қилинган бўлиб, туғилиш, никоҳ ва мотам маросимларида кийиладиган кийимларидаги умумийликлар борасида қатор эътиборга сазовор мулоҳазалар билдирилган³⁴.

Сўнгги йилларда ўзбек миллий кийимларини илмий асосли тарзда ўрганишда санъатшунос олима Н.Содиқованинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Ушбу муаллиф XIX-XX асрлардаги ўзбек миллий кийимларини Республикамиз ва хорижий мамлакатлардаги йирик музейларнинг фондларида сақланаётган материаллар асосида турли ҳудудлар, жумладан, Тошкент, Фарғона, Хоразм, Бухоро, Самарқанд вилоятлари бўйича илмий тадқиқ қилганлигини айтиб ўтиш ўринлидир³⁵.

³¹ Юлдашева Г.К. Нурота воҳаси аёлларининг анъанавий кийим ва тақинчоқлари. Номзодлик иши. – Т.: 1995.

³² Зуннунова Г.К. Маҳаллада яшовчи ўзбекларнинг анъанавий ва замонавий кийимлари//Тошкент маҳаллалари: анъаналар ва замонавийлик. Тошкент, 2002.

³³ Жумаев К. Традиционная Бухарская одежда конца XIX – начала XX века // Узбекистонда ижтимоий фанлар. 2002. № 5.

³⁴ Аширов А. Анъанавий дунёқарашда ранглар рамзи// Фарғона водийси этнографияси ва этник тарихининг долзарб муаммолари. Наманган, 2003.

³⁵ Содиқова Н. Ўзбек миллий либослари, Т.: 2003 й.

Бундан ташкари Ўзбекистон музейларида сақланаётган либослар коллекциялари кўплаб тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Жумладан, Л.Левтееванинг “Бухоро зардўзлиги”³⁶ номли мақоласида Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Ўзбекистон амалий санъат музейи, Темурийлар тарихи давлат музейи, А.Икромов номидаги Самарканд тарих ва маданият музейи, Бухоро давлат бадиий меъморчилик музей кўрикхонаси экспозицияларидан ўрин олган XIX –XX асрга оид зардўзлик намуналари сақланиши ҳақида тўхталиб ўтилиб, Бухоро зардўзлик санъати, либосларни тайёрлаш жараёни, безаклари, зардўзликнинг аёллар, эркаклар ва болалар кийимида қўлланилиши, бош кийим, устки кийим ҳамда оёқ кийимларни безашда ишлатилиши ёритилган.

Л. Левтееванинг И. Богословская билан ҳаммуаллифликда ёзилган, “Пойабзал тадрижи (Ўзбекистон Давлат тарих музейи пойабзал коллекциясидан)”³⁷ номли мақоласида Ўзбекистон ҳудудида истеъмолда бўлган оёқ кийимлар, эркаклар, аёллар ва болалар оёқ кийими, ҳар бир ҳудудга хос бўлган оёқ кийимлар музей коллекцияси намуналари асосида коллекция намуналарининг инвентар рақамлари акс эттирилган тарзда тадқиқ қилингани билан аҳамиятлидир.

Мавзуга доир ўзбек анаъанавий миллий либос турлари тарихи, миллий матолар, тўқимачилик саноати, XX асрдан бошлаб ўрганиб келинмоқда. Бу борадаги илмий изланишлар асосан фольклор-этнографик нуқтаи назаридан, яъни либосларнинг тури бўйича уларни қандай маросимларда кийилиши кетма-кетлиги ҳамда хусусиятлари ёритилиб, миллий либосларимизнинг келиб чиқиши тарихи, матоларининг ўзига хослиги, ҳудудий ва мавсумий хусусиятлари, ранглари ва безак элементларининг маънолари, либосларнинг ажралмас қисми бўлган такинчоклар, бош кийимлари ҳамда бошка аксессуарлар ҳақида илмий жиҳатдан ёндошиб ёзилган адабиётлар шарҳига кўра уч гуруҳга бўлиб

³⁶ Левтеева Л. Бухоро зардўзлиги // Санъат. – Тошкент, 2003. – № 4. – Б. 31-33.

³⁷ Богославская И., Левтеева Л. Пойабзал тадрижи (Ўзбекистон Давлат тарих музейи пойабзал коллекциясидан) // Санъат. – Тошкент, 2011. – № 4. – Б. 10-14.

таҳлил қилинди: яъни тарихий манбалар, этнографик ва санъатшуносларнинг изланишлари ва альбомлар.

Тарихий манбалар – бу борада кўзга кўринган ва қимматли маълумотларни ўз ичига олган асарлардан “Бобурнома”да Фарғона водийсининг тарихи, миллий матоларининг қўшни давлатлараро савдо-сотик муносабатлардаги ўрни келтириб ёритилган³⁸. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луғотит-турк” номли асарида миллий маточилик саноати, миллий матоларнинг турлари ва ўзига хослиги келтирилган³⁹.

Археологик топилмалар ва тарихчи, санъатшуносларнинг изланишлари буйича – ўтмиш асрлар кийим-кечаги, уларнинг шакллари, маҳаллий хусусиятлари ва матолари тўғрисида археологлар томонидан аниқланган. Қадимий деворий суратлар, тасвирлардан даврга оид тарихий либосларнинг турларини ўрганишда асосий восита ҳисобланади. Археологик изланишлар натижасида моддий ва маънавий барча ёдгорлик турлари билан биргаликда этнография материаллари, илк ўрта асрлар тасвирий санъат намуналарида Сўғдда турли даврларда урф бўлган либос турларининг хусусияти, уларнинг маҳаллий иқлим ва элатларнинг турмуш тарзига хослиги Г.М.Майидинова⁴⁰ китобида кенг ёритилган.

Н.П.Лобачеванинг илк ўрта аср Ўрта Осиё обидаларида сақланиб қолган деворий суратларни ўрганиш натижасида чиқарган хулосалари диққатга сазовор⁴¹. VI-VIII асрларга мансуб мазкур суратлар ўша даврларда яшаган аждодларимиз кийимларининг ташқи кўриниши тўғрисидаги тасаввурдан ташқари, улардаги бичим, аҳолининг турли маҳаллий ва этник гуруҳлари кийимларининг ўзига хос хусусиятлари ёритишда асос бўлиб хизмат қилади. Ўрта Осиё ва Эрон қадимий костюмлари тўғрисидаги илмий маълумотлар, археологик қазилмалар асосидаги тадқиқотлар

³⁸ Салъе М. Бобурнома. Перевод. – Т.: изд. АН УзССР, 1958.

³⁹ Кашкарый М. Дивану лугатат-турк. Наука, 1972.

⁴⁰ Майидинова Г.М. История Таджикского костюма. – Душанбе: ИОО РЦ ПФЗОЖ, 2007.

⁴¹ Лобачева Н.П. Среднеазиатский костюм раннесредневековой эпохи (по данным стенных росписей). Чикқан жойи ва нашриёти. – Б. 18.

Г.А.Пугаченкованинг илмий адабиётларида ёритиб берилган⁴². Ўзбек миллий анъанавий либосларни ўрганишда XV-XIX асрларда Ҳирот ва Бухоро мактабларига мансуб мусаввирлар яратган минатюра санъати жуда қимматбаҳо манба ҳисобланади. Миниатюраларда ўз ифодасини топган миллий либослар Ҳиротдан таркалиб, Бухоро, Самарқанд, Шохрухия (Тошкентнинг қадимий номланиши) ва бошқа шаҳарлардаги урфга айланганини тарихда кўриш мумкин⁴³. Бу асрларда эркаклар либослари ва маҳаллий уст-бош акс этган бўлиб, элементлари туркий кийим-кечакларнинг айрим хусусиятлари ҳамда Эрон, Месопотамия, мўғил этнографик либосларига хос хусусиятларни, элементларнинг ўхшашлигини кўрсатади⁴⁴.

Ўзбек миллий либослари тарихини ўрганиш борасида О.А.Сухареванинг олиб борган тадқиқотлари унинг бир қанча асарларида ўз аксини топган⁴⁵. Фарғона водийсининг тўқимачилик саноатининг келиб чиқиши, тўқимачилик маҳсулотлари бўлган матоларнинг яралиш тарихи бўйича археологик топилмалар Б.Матбабаев илмий мақоласида тўлиқ ёритилган⁴⁶.

Илмий изланишлар – ўзбек Миллий матоларининг тарихи⁴⁷, турлари, улардаги абр нақшларнинг сиймолий таснифи⁴⁸, тўқилиш техникаси, унинг бир неча хил усулларининг таҳлили⁴⁹ бўйича С.М.Маҳкамованинг куйидаги: “К история ткачества в средней Азии” – (илмий мақола - Художественная культура Средней Азии. IX-XIII века: [Сборник статей]-1983.); “Абровые ткани Узбекистана конца XIX- XX вв”-

⁴²Пугаченкова Г.А. К истории паранджи // СЭ. 1962. № 3. С. 191-195.Пугаченкова Г.А. К истории костюма Средней Азии и Ирана XV – первой половины XVI вв. по данным миниатюр// Тр. САГУ. Т. XXXI, 1956.

⁴³Рахимова З.И. К истории костюма народов Узбекистана: Костюм Бухары и Самарканда XVI-XVII веков (по данным средневековой миниатюрной живописи. Санъат. 2005.

⁴⁴Пугаченкова Г.А. к истории костюма Средней Азии и Ирана XV- перпой половины –XVI в.по данным миниатюр.//Труды САГУ. №31. Ташкент,1956.

⁴⁵Сухарева О.А. История среднеазиатского костюма: Самарканд вторая половина XIX века. – М.: Наука, 1982.

⁴⁶Матбабаев Б. Древние истоки ткачества Ферганы //Фан ватурмуш. №5-6. 2007. – С.19-21.

⁴⁷Маҳкамова С.М. К история ткачества в средней Азии //Художественная культура Средней Азии. IX-XIII века: сборник статей. - Т.: Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма, 1983.

⁴⁸ Маҳкамова С.М. Абровые ткани Узбекистана конца XIX-XX вв. Автореферат – кандидатлик диссертацияси. № 823. Санъатшунослик. Ташкент, 1970.

⁴⁹ Маҳкамова С.М. Художественные ткани Узбекистана (полосатие и обровые) конца XIX- XX вв. номли илмий даражадаги санъатшунослик бўйича кандидатлик диссертацияси. Ташкент, 1969.

(автореферат – кандидатлик диссертацияси. №823.Санъатшунослик. Тошкент-1970); “Художественные ткани Узбекистана (полосатие и обрвые) конца XIX- XX вв.” номли илмий даражадаги санъатшунослик бўйича кандидатлик диссертацияси ҳамда илмий изланишлари мавжуд.

Қадимиги давр, Ўрта асрларда Осиё ва Европа халқларининг тўқимачилик санъат ва дизайннинг тарихи, тўқимачилик буюмларнинг турлари ҳақида,газламаларнинг тўқилиш структураси,фактураси, тола таркиби,қўлланган бўёк турлари, бўяш ва ишлаш усуллари, матоларда тасвирланган нақш элементларининг хилма-хиллиги, уларда нақш рамзлари фалсафий аснифи, композицион тузилиши Г. К. Хасанбаев ⁵⁰ . Б.П.Торебаевнинг матолардаги нақшларнинг рамзлари ҳақида маълумот олинди⁵¹.

Фарғона миллий анъанавий либосларни республика музейлар мисолида З. И. Раҳимованинг нашрларида ⁵² , миниатюра тасвирларидаги миллий либослар таҳлили каби илмий изланишларида ўз аксини топган⁵³.

Альбомлар. XIX–XX асрларда ўзбек миллий анъанавий аёллар либосларида тасвирланган ноёб абр нақшлар таҳлили, ўзига хос хусусияти⁵⁴, рангларнинг ўзаро мутаносиблиги ⁵⁵, эркаклар миллий либослари турлари, чопон турлари, ҳалатларида қўлланилган матолар тури, улардаги ранглар, абр нақшларнинг сиймоли таснифи баён этилган⁵⁶. Мавзуни ёритишда Фарғона ўлкашунослик музей экспонатлари ўрганилди ⁵⁷ . Фарғона водийсининг XIX – аср бошлари XX асрларда аёллар миллий либослари

⁵⁰ Хасанбаева Г.К. Тўқимачилик дизайн тарихи. – Т.: Ўзбекистон, 2006.

⁵¹ Торебаев Б.П. Основы дизайна текстильных изделий. – Т.: Tafakkurqanoti, 2013.

⁵² Раҳимова З.И. XIX охири - XX аср боши Фарғона аёллари анъанавий либоси. Санъат. № 3. 2015.

⁵³ Раҳимова З.И. Среднеазиатский костюм на миниатюрах Мавераннахра XVI-XVII вв. // Культура Среднего Востока. –Изобразительное и прикладное искусство. Т.: Фан, 1990. - С. 135-151.

⁵⁴ Махкамова С.М. Узбекские обрвые ткани. – Т.: Государственное издательство художественной литературы Узбекской ССР, 1963.

⁵⁵ Махкамова С.М. К проблеме атребуции обрвых тканей // Икаты Туркистана из коллекции Таира Ф. Таирова-I том. – М.: ООИД “Желтые страницы”, 2002.

⁵⁶ Махкамова С.М. Смелая эстетика разноцветья полос // Старинные костюмы Узбекистана осенившие европейский модернизм из коллекции Таира Ф. Таирова-II том. – М.: Восход(ПБЮЛ Фролов С.Д), 2010.

⁵⁷ Фарғона ўлкашунослик музей фонди экспонатлари.

тарихи⁵⁸, улардаги фарқлар ва бичимлари⁵⁹ ҳамда аёллар миллий бош кийими саналган рўмол, дўппи турлари ўрганилган⁶⁰.

И.Богословскаянинг “Тюбетейки Узбекистана XIX-XX веков” альбом китобида XIX-XX асрлар даврига оид тарихий-бадий жараён, усталарнинг ижоди ва улар томонидан яратилган дўппидўзлик асарлари илмий жиҳатдан кенг ёритилган⁶¹.

Бугунги бадий жараёнда ўзбек миллий либослари ҳақидаги адабиётлар танқислиги яққол кўзга ташланади. Мавзуга доир ўзбек миллий либосларини ўрганиш масалаларига оид асарлар эса саноклидир. Бу борадаги илмий изланишлар асосан фольклор-этнографик нуқтаи назаридан, яъни либосларнинг тури бўйича уларни қандай маросимларда кийилиши хусусиятлари ёритилиб, миллий либосларимизнинг келиб чиқиши тарихи, матоларининг ўзига хослиги, ҳудудий ва мавсумий хусусиятлари, ранглари ва безакларининг маънолари, либосларнинг ажралмас қисми бўлган тақинчоқлар, бош кийимлар ва бошқа аксессуарлар ҳақида илмий жиҳатдан ёндошиб ёзилган адабиётлар мавжуд эмас.

1.2. Ўзбек миллий либосларининг шаклланиш тарихи

Ўзбекистон ҳудудида яшаган энг қадимги аجدодларимизнинг либослари ҳам дунёнинг бошқа минтақаларидаги қадимги кишилар кийимлари каби иқлим, турмуш шароити ва уруғ-қабиланга анъаналари асосида шаклланиб келган. Ўтмиш аждодларимизнинг кийим-кечаги, уларнинг шакллари ва тарихи ҳамда маҳаллий хусусиятлари тўғрисида республика ҳудудида топилган археологик ёдгорликлар, деворий расмлар, ҳайкалчалар, майда

⁵⁸Рассудова Р.Я. К истории женской одежды Ферганы и Ташкента (XIX – начало XX вв.) // ПИИЭ, 1979. – М.: 1983. – С. 164–178

⁵⁹ Рассудова Р.Я. К истории одежды оседлого населения Ферганского, Ташкентского и Зеравшанского регионов // СМАЭ. – 1978. – Т. – С. 154–174

⁶⁰Турсуналиев К. Все цвета радуги. (Тюбетейки и головные уборы узбеков XIX –XX вв.). –Т.:Фан,1991.

⁶¹Богословская И., Левтева Л.Г.Тюбетейки Узбекистана XIX-XX веков. Альбом. –Т.: mega BASIM, 2006.

накшлар, торевтика, ёзма манбалар, кўлёзма китобларга ишланган мўъжаз тасвирлар бир қадар тасаввур беради.⁶²

Энг қадимги даврлардан бошлаб одамлардан кийимга эҳтиёж туғилган. Дастлаб ибтидоий даврда яшаган одамлар учун овланган ҳайвонлар териси ёки дарахт пўстлоғи кийим вазифасини бажарган. Кейинроқ иқлим ўзгаришлари натижасида (ҳаво совуши ёки исиши) кийимларга талаб орта боради. Биринчи навбатда уни тикиш учун фойдаланилаётган материалга боғлиқ бўла бошлайди. Дастлаб энг оддий тўқима мато ёки ўсимлик пояларидан кўпол тўкилган содда мато кийим учун материал бўлиб хизмат қилган. Толалардан тўқиб мато ишлаш кишилик жамиятнинг энг буюк кашфиётларидан бири ҳисобланиб, бугунги кунга қадар баъзи ўзгаришлар билан бизагача етиб келди.

Либосларнинг дастлабки шакллари тўқимачиликнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлиб, археологик маълумотларга кўра, Ўрта Осиё ҳудудида тўқимачиликнинг вужудга келиши илк тош асри – илк неолитга бориб тақалади. Бу даврга мансуб тўқув дастгоҳларининг қолдиқлари Копетдоғ этаклари (Жайхун маданияти) аниқланган. Бу даврда минтақада чорвачилик ривожланган бўлиб, тўқимачиликда жундан тайёрланган кийим-кечаклар асосий ўрин тутган. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Ўрта Осиёдан алоҳида аҳамиятга эга бўлган қадимги тўқимачилик марказлари топилмаган бўлса-да, унга туташ тарихий-маданий минтақалардан топилган ашёлар энеолит давридан бошлаб, бу ҳудудда тўқимачиликка юксак даражада ривожланганлиги ҳақида тасаввур беради.

Шунингдек, эрамиздан аввалги икки минг йилликка оид кийим қолдиқлари Сополлитепадан ҳам топилган. Умуман, эрамиздан аввалги VI асрга келиб, кийим тайёрлашда жун матолари тери матоларини деярли сиқиб чиқарган.

Қадимги давр кийим-кечакларининг бичимлари ва қайси матодан қандай шаклда тикилганини тасаввур қилишда археолог олимларнинг

⁶² Давлатова С. Ўзбек халқи либослари тарихидан // Мозийдан садо. – Тошкент, 2006. – № 3-4. – Б. 6.

маълумотларидан, қадимги ер остида қолиб кетган қасрлар ва ёдгорликлардан – Афросиёб, Варахша, Панжикент, Болаликтепа, Холчаён, Айритом кабилардан топилган деворий расмлар, ҳайкаллар, мато парчалари, ўймакорлик намуналарида акс этган тасвирлардан билиб оламиз.⁶³

Кушон (I-III аср боши) ва кушон-сосонийлар даври либослари ҳақида археологик манбаларда ашёвий далиллар оз сақланиб қолган. I-III асрларда кўйлак устидан олди очик эркаклар чопони кийилган. Гоҳо улар қайтарма ёқа ва алоҳида бурма қилиб тикилган этак ҳам бўлган, улар кўкракка бир жуфт илмоқ билан доира ёки томчи шаклида тақиб қўйилган, баъзан чопон ихчам туриши учун белбоғ боғланган. Олди очик ва устида белбоғ боғланган чопон “Гарвард Буддаси” (II аср) ҳайкали супасидаги эҳромлар илоҳи эғнида ҳам бор, унинг четларига энсиз жияк тикилган ва ён чоки бўйлаб кенг йўл тортилган. Этаги тўртта кенг тик бўлақларга бўлинган бўлиб, бир қатор пистонли бурмалар ҳосил қилинган. Олтин тўқачалар чопон барлари ва этакларига зеб бериб турган. Енглари турли эн ва узунликда бўлган. Баъзан бутун юза олтин тўқачалар билан тўлдириб чиқилган. Бундай ҳолни Вима Такто ҳайкалида кузатиш мумкин. Хувишка чопонлари енгининг юқори қисмидаги бой безаклари билан ажралиб туради.

Чопонларга қараганда калта камзулларнинг енг учлари ҳашамдор безалган. Камзуллар чап томонга бар урилган ва қалин мато ёки чарм белбоғ билан боғланган. Камзуллар безакдор гоҳо сидирға оқ, сариқ, жигарранг тусдаги тиззагача тушиб турадиган бўлган. Камзулларнинг этаклари, кенг манжетлари, олдидаги тўғри йўллари, қайтарма ёқалари ва ён қийик (йирма)лари оч кўк, сариқ ва қизил рангдаги гулдор жияклар билан хошияланган. Белга энсиз белбоғ ўралиб, унинг чап томонига ҳанжар осилган.

Эркакларнинг олди ёпиқ кийимларининг одатда ёқаси ётиқ бўлган, гоҳо тик қирқимли ёқалар ҳам учраб турган, баъзида учбурчак ёқалар ҳам кўзга ташланган. Фаёзтепадаги зиёратчи йигитнинг уст кийими, афтидан чап

⁶³ Содикова Н. Ўзбек миллий либослари. – Т.: Шарқ, 2003. – Б.6.

томонида тик кирким бўлган ётик ёкага эга, унинг юқоридаги чеккаси елкадан калта қизил тасма боғич билан боғланган. Кийим, одатдагидек, тиззага тушиб турган, онда-сонда тақимга тушиб турувчи чопонлар ҳам учраб турган. Бундай кийимлар устки, баъзан ички кийим сифатида кийилган. Кўйлак кенг-ковул бўлиб, унинг устидан чопон кийилганда ҳам кўпинча белбоғ боғланган. Енглар калта ҳам, узун ҳам бўлган (калта енгларга одатда жуда ҳам кўп безак берилган).

Плашлар калта ва тор бўлган. Улар кўпинча елкадан битта тўғноғич ёрдамида қадаб қўйилган. Афтидан анча кенгроқ плашлар эса кўкракнинг юқори қисмига иккита тўғноғич билан қадалган (ҳар иккала плаш тури ҳам кўпроқ Кушон империясининг учинчи ҳукмдори Вима Кадфиз тангаларида учрайди). Канишка I плаш тагидан Кушон подшоҳлари учун ноёб саналган олди ёпиқ кийим кийган. Аёлларнинг кенг байрам ёпинчиқлари Фаёзтепалан топилган уч зиёратчи аёл ҳайкалчасида учрайди. Ёпинчиқлар тақимигача тушиб турган ва кўкракнинг юқори қисмида бир жуфт гардишсимон тасмали илгак билан маҳкамланган.⁶⁴

Эркаклар бош кийимлари ғоят хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Чўққисимон бош кийимларнинг кўплаб турлари кенг тарқалган. Улар кигиз ёки қалин матодан тикилган бўлиб, тепа қисми учли ёки бир оз олдинга эгилган. Уларнинг айримлари оққа бўялган. Ҳукмдорларнинг қулоҳлари асосан турли шаклдаги тўқачалар тик қаторлари билан безатилган, қаторларнинг ҳар бирида қўшимча гардишча ҳам бўлган. Гоҳо пастки томонга, яъни манглай устига думалоқ олтин балдоқ осиб қўйилган. Далварзинтепадан топилган шахзоданинг боши кўринишидаги ҳайкалча бўлагидаги учли бош кийим қимматбаҳо тошлар билан безатилган; бундай қалпоқлар турли тангалардаги ва Матхура (Шимолий Ҳиндистон) ҳайкалларидаги кушон шоҳлари, шунингдек, Дилбаржиндан топилган чавандоз лой ҳайкалчасида ҳамда “Канишка хазинаси” қалпоғида акс эттирилган холос. Қулоҳ яси чўққисимон, тепа ёки пастки чекка бўйлаб

⁶⁴ Орифжонов О. Кушон даври либослари // Мозийдан садо. – Тошкент, 2010. – № 2-3. – Б. 10.

букилган кайирмага эга. Кўчманчилар анъаналари яна ёни бўртиқ бош кийимларда ҳам намоён бўлади, улар даставвал кигиздан тикилган. Бундай кулоҳларни баъзида зодагонлар ҳам кийганлар.

Аёллар бош кийимлари у қадар ранг-баранг бўлмаган. Чўққисимон брш кийимларининг бир неча хиллигина маълум, улар юшмоқ матодан тикилган бўлиб, чўққиси олдинган ёки орқага осилиб турган. Пастга қараб йўғонлашиб борган конус ёки цилиндрсимон бош кийимлари ҳам учраб турган. Кулоқ ва энсани ёпиб турувчи ён томони чиқик қалпоқлардан ҳам кенг фойдаланилган. Эрли хотинлар киядиган бош кийимларнинг айрим турлари тагидан ихчамроқ ва энсизроқ ёпинчик ҳам ташлаб олинган. Узунроқ шойи рўмоллар онда-сонда учрайди. Тож кўринишидаги баланд ва бир мунча калинлашган бош кийимлари ва уч каватли ҳар бир каватида алмашиниб турувчи учтадан қизил, оқ ва сариқ ранглар юор тожлар ўзига хосдир. Матодан тикилган, саккизта уч япрокли майда гултўп қаторлари билан беазатилган мўъжаз беретлар ҳам маълум.⁶⁵

Эркаклар пешонабоғи – диадемаларни асосан ҳукмдорлар ва афсонавий асар персонажларида учратиш мумкин. Герайникига ўхшаш диадема Кужула Кадфиз ва Вима Такто томонидан ҳам фойдаланилган. Холчаёндан топилган эркак ҳамда йигитчанинг бошида ҳам Сампула (Хутандан жануби-шарқда Синьцзян) қабрлардан бирида топилган I асрга оид Бақтрия жун матосидан тайёрланган шундай пешонабоғ тасвирланган. Дилбержиндан топилган сопол ишланган эркак бошида, афтидан доира кўринишида ва ҳар томонидан “томчи”га ўхшаш ёйиқ қаторли безаклар бўлган олтин тож тасвирланган. Оқ матодан тикилган аёллар пешонабоғи баъзида гултўпли учта тўқа билан безатилган. Далварзинтепа шаҳарчасидан топилган аёл бошида ҳам пешонабоғи бор. Бу қадимги анъаналар Месопотамия, аникроғи, Шумерларга бориб тақалади.

Эркакларнинг хилма-хил камарлари аксари чармдан бўлиб, йўғон кайишларидан, оқ ёки қора рангдаги матолардан ўрилган. Бундай камарлар

⁶⁵ Орифжонов О. Кушон даври либослари // Мозийдан садо. – Тошкент, 2010. – № 2-3. – Б. 12.

муқаддас “Геракл тугуни” билан боғланган, уни олд ёки орқа томондан такса бўлаверади. Зодагонларнинг чарм камарлари учларига одатда гултўп ёки хайвон тасвири туширилган думалоқ шаклдаги бир жуфт олтин илгак маҳкамланган. Илгакларга найза учи шаклидаги темир шокила осиб кўйилган; бу унсур Канишка I ҳукмронлиги даврида бошланган. Кўпинча бундай камар чорси шаклидаги бир хил олтин тўқалар катори билан безатилган; тўқа ичи гултўп ёки тўртбурчак шакл билан тўлдирилган, тўртбурчак учлари томчисимон, баъзан думалоқ ва тўртбурчак тўқачалар билан алмашиб турган.

Аёллар камари матодан тўкилиб (баъзан учлари попукли бўлган) “Геракл тугуни” усулида боғланган. Шимолий Бактриядаги қабрлар талон-тарож этилиши натижасида аёллар тилла безакларини Гарбдаги номи махфий сақланаётган хусусий жамламада жуда бой тўплами пайдо бўлади. Улар орасида мато камарга маҳкамланган энсиз тилла илгак ҳам бўлиб, улар бири-бирига ошиқ-мошиқ билан уланган икки тўртбурчак жимжимадор пластинадан иборат. Ҳар иккалар пластина ўртасида ўсимлик бутоқларидан ясалган “8” шакли мавжуд.⁶⁶

Эркаклар оёқ кийими кўпинча учи думалоқ шаклидаги этикчалар бўлган. Улар кўнж томондан қайиш тасмача билан боғланган, тасмача ҳам кўнж каби олтин тўқачалар билан безатилган. Тиззагача етадиган этиклар бўлгани ҳам маълум. Зодагонлар гоҳо кушонларга хос тарзда юзаси бурмаланган учи ўткир ва узун этик кийишган. Чавандозлар баъзида матодан тикилган кенг ва жуда баланд (думбагача етадиган) этиклар кийишган, улар одатда иккита тасма билан камарга маҳкамланган. Фаёзтепа нақшу нигорларида эракалар юмшоқ этик кийган ҳолда тасвирланганлар, этик устидан шалварнамо шимлар туширилган бўлиб, тўпиққа сариқ, афтидан, тилла тўғноғич билан қистириб кўйилган.

Кўп ҳолларда енг қайтармасини дид билан безатилишига катта эътибор берганлар. Кушон эркаклар либосида Парфияникидан фарқли ўларок,

⁶⁶ Орифжонов О. Кушон даври либослари // Мозийдан садо. – Тошкент, 2010. – № 2-3. – Б. 13.

бир либос тўпламининг турли қисмларини безаш учун бир хилдаги гуллардан камдан-кам фойдаланилгани кузатилади. Бунда безак йўллари гўё “сирғалиб”, пастга, шимдан оёқ кийимига ўтиб кетади (мил. I аср Бактрия шим ва пойабзалларида, холос).

Шундай қилиб, Бактрия либосида эркақлар ва аёлларнинг чопонлари, олди ёпиқ, этаги бурмали ёки тўлқинли яқтаклар, ёқаси қийиқ очилиб, тасма билан боғланган кўйлақлар учрайди. Аёллар кўйлагининг ёқа омизи чуқур учбурчак шаклда бўлган, олди очик мўйнадан тикилган шуба қирқими ҳам жуда чуқур. Аёллар ва эркақлар устки либосида ҳам калта, эндор енгли ва узун енгли ички кийимлар чатишиб кетган. Эркақларнинг чопони кўпинча кўкрак устида тўқа билан маҳкамланган, этақлари эса хар томонга ёйилиб турган. Эркақ либосида “кўйлақ”ни матолар билан безаш расм бўлган, у учбурчак тўқалар қаторидан вужудга келган. Либосларнинг рангида кўпроқ оқ ва қизил устунлик қилган.⁶⁷

Ўрта асрларда яшаган аждодларимизнинг кийим-бошлари, унинг шакллари, маҳаллий хусусиятлари ҳамда бу даврга оид мато турлари илк ўрта асрларга оид деворий рангтасвирда акс этган. Жумладан, Болаликтепадан топилган суратларда эркақларнинг устида яқтаги борлигит аниқланган. VI-VIII асрларга оид Култегин ёдномасида авра-астарли қилиб тикилган тўн-чопон эркақларнинг устки кийими эканлиги эслатилган.⁶⁸

Олимларнинг илмий изланишлари натижасида шундай хулосага келиндикки, Ўрта Осиё кийим-кечакларининг узлуксиз ўзгариши ва ривожланиши фақат Ўрта Осиёнинг ижтимоий-сиёсий тарихи ва этник ҳолати билан боғлиқ бўлмай, бутун Марказий Осиё ҳаёти билан боғлиқ. Қадимги Суғд ва Тохаристон Марказий Осиё давлатлари билан доимий савдо ва маданий алоқада бўлиб, ҳаёт тарзлари ва кийимларида ўзаро таъсир кучли бўлган.⁶⁹

⁶⁷ Орифжонов О. Кушон даври либослари // Мозийдан садо. – Тошкент, 2010. – № 2-3. – Б. 13.

⁶⁸ Давлатова С. Ўзбек халқи либослари тарихидан // Мозийдан садо. – Тошкент, 2006. – № 3-4. – Б. 6.

⁶⁹ Содикова Н. Ўзбек миллий кийимлари: XIX-XX асрлар. – Т.: Шарқ, 2003. – Б.6.

Ҳозирда Афросиёб музейида намоиш этилаётган VII-VIII асрларга мансуб Самарқанд ҳукмдори Вархуман маҳобатли деворий рангтасвирлар жаҳон тасвирий санъати тарихида муҳим ўрин эгаллайди. Айниқса, мазкур рангтасвир Суғд маданиятининг юксак даражадаги ўзига хос ёрқин намунаси сифатида ўша давр либослари ва матолари, уларни кийган одамлар ва улар қайси табақага оид эканлиги ҳақида кенг маълумотлар беради. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, Афросиёб рангтасвирининг ғарбий деворида турли давлат элчиларининг қабул маросими кўрсатилган. Элчиларнинг либосларидаги безаклар бошқаларга қараганда ўзгача тусда тасвирланган.⁷⁰

Илк ўрта асрларда Самарқанд, Бухоро, Марв каби шаҳарлар машҳур шойи тўқиш марказлари ҳисобланган. Уларнинг маҳсулотлари Европа ва Осиё мамлакатларида жуда кенг тарқалган. Тарихий ашёвий далиллар Суғднинг “Занданачи” (Бухоро) шойи ишлаб чиқариш тўқимачилик саноати ва газламалари билан машҳур бўлганлигини тасдиқлайди.

Археологик топилмалар Суғд ҳудудида пахта, жун ва табиий ипакдан туғилган матолар қўл меҳнати орқали энг оддий тўқимачилик дастгоҳларида амалга оширилганини кўрсатади. Суғд матолари Буюк Ипак йўли орқали турли давлатларга экспорт қилинган, айниқса Хитойда у юқори баҳоланган.

Қадимда форслар ипак, шойи хом ашёсини Бухоро ва Самарқанддан олганлар. Кўплаб суғд мато бўлаклари Европа музейларида ҳозиргача асл ҳолида сақланиб келинаётгани ўша даврдаги ҳунарманд усталарнинг юксак маҳоратидан дарак беради. Мазкур матоларнинг бундай чидамлилигининг сир-асрори олимлар учун ҳали-ҳануз жумбоқ бўлиб қолмоқда.

Суғд ҳунармандлари бирон мартабали кишилар учун тикиладиган либос матоларига алоҳида аҳамият беришган. Мисол учун элчилар либоси қимматбаҳо, қалин ва пухта ишланган табиий ипак ва ипдан тайёрланган матодан тикилган. Унинг қалинлиги одам эгнига қулай ва кўркамлик бахш этиши ҳамда чакмон учун расмлар ва нақшли безакларнинг кетма-кетлиги

⁷⁰ Суёнова Д. Суғд элчилари либоси // Мозийдан садо. – Тошкент, 2012. – № 2. – Б. 7.

якқол кўриниши учун мосланган. Шунингдек, қалин чакмон узоқ вақтга чидамли, иссиқ ва совуқ об-ҳаво таъсиридан сақланиш учун мўлжалланган. Элчи эғнидаги чакмон юришга қулай бўлиши учун пастки қисмидан тиззагача икки ён томонидан қирқимлар ҳосил қилинган. Эркаклар басавлат ва кўркам кўриниши учун елка кенглиги кенгроқ қилиб бичилган. Бўйин қисми ва пастки қисми этагининг қирқимларига алоҳида хошия учун шу матодан бошқа бичим қилганлар. Баъзида элчи бош кийими ҳам эғнидаги чакмонга муносиб тарзда шу матодан тикилган. Элчиларнинг сардори бош кийими кашталанган қалпоқдан, бошқалариники эса оддий пешонабанд қилинган тасмалардан иборат бўлади.

Суғд рассомлари газламанинг расмли безакларига алоҳида аҳамият беришган. Суғд хунармандлари газлама безакларида шу ҳудуд афсоналарида тилга олинган афсонавий ҳайвонлар, паррандалар ва рамзий ифодалардан кенг фойдаланишган. Л.И.Альбаум, деворий рангтасвир суратларни ўрганаркан, мазкур элчилар чакмони мутлақо ўзгача, яъни ўзига хос безакларда тасвирланганини ва бу ҳашамлар бошқа деворий суратларда учрамаслигини таъкидлайди. Унинг фикрича, элчи чакмони алоҳида маҳсус қимматбаҳо либослар гўзаллигини намойиш этиш учун тайёрланган.⁷¹

Элчилар эғнидаги либослар нақшли кашта қилиб тикилган. Шунингдек кашталанган мато авра-астари билан тикилган. Бундай либослар текис ва чидамли бўлган. Элчилар қалин чакмон тагидан юпқароқ ички либослар кийишган. Элчи сардори чакмон устидан елкага ипак матоли ёпинчиқ ташлаб олган. Элчи чакмонининг бел қисми либосга мос қилиниб, камар билан боғланган. Пойабзаллар теридан тайёрланган қора рангли бўлиб, ҳозирги миллий кавуш-маҳсини эслатади.

Уларнинг кийиниш маданияти, муҳим дипломати аҳамиятга эга бўлиш билан бир қаторда, ўз халқининг миллий маданияти ва санъатини ҳам намойиш этган. Элчи либослари тасвирида доира ичига олинган турли ҳайвонлар кўриниши, ўсиимликсимон безаклар акс этган.

⁷¹ Суёнова Д. Суғд элчилари либоси // Мозийдан садо. – Тошкент, 2012. – № 2. – Б. 7.

Афсонавий семурғ кушлари, тустовукнинг қалампирмунчоксифат такинчоқни тишлаб тургани, итнинг бош қисми, қанотли отлар каби тасвирлар нақш услублари билан бир-бирини такрорлаган ҳолда либоснинг барча томонларини бегаб турган. Мато безакларининг кенг тарқалган турларидан бири, думалоқ кўринишдаги марваридлар шакли ўртасида жонли мавжудотлар тасвирининг такрорланишидир.

Либослар бегаги учун асосан, қизил, кўк, оқ ранглардан фойдаланилган. Либосларда қалампирмунчоксифат нақш услуби кенг қўлланилган. Ҳозирда мазкур услубдан ўзбек дўппиларида, каштачилигимизда, амалий санъатнинг турли кўринишларида қўлланилаётганини гувоҳи бўламиз.⁷²

Санъатшунос олима Г.Майтдинованинг таъкидлашича, илк ўрта асрларга оид тасвирий санъат намуналарида Сўғд ва Тоҳаристонда турли даврларда расм бўлган кийимларнинг барқарор турлари уларнинг жуда қадим замонлардан маҳаллий иқлим ва эл-элатлар турмушига мослашганидан далолат беради. Деворий супратлардан ва археологик материаллардан маълум бўладики, илк ўрта асрларда бой-бадавлат, ўзига тўқ тоҳарситонлик эркаклар ипакдан, камбағал кишилар эса оқ бўздан чакмон кийганлар. Ушбу маълумотларни ёзма манбалар ҳам тасдиқлайди. Жумладан, машҳур хитой сайёҳи Сюань-цзан Тоҳаристоннинг камбағал аҳолиси пахтали мато ва бадавлат одамлар жун матодан кийим кийишган, деб ёзади. Тоҳаристонлик зодагон аёллар қимматбаҳо тошлар билан безатилган кўркам ипак кўйлак кийишганини бошқа муаллифлар ҳам таъкидлаб ўтганлар. Бу даврдаги Тоҳаристон аҳолиси либоси елкаси ёпишиб турадиган ва этаги трапециясимон кўринишда бўлиб, маҳаллий аҳолининг кийимлари бичими асосан бир хил бўлган. Уст-бошларнинг ҳамма кўринишлари енгсиз, узун баъзи ҳолларда енги кенг қилиб бичилган. Кийимларнинг ён томонида, одатда, йирмоч-қийиқ жойи, ёнлама ёқаси бўлганки, бу Ўзбекистон халқларининг

⁷² Суёнова Д. Сўғд элчилари либоси // Мозийдан садо. – Тошкент, 2012. – № 2. – Б. 7.

ҳозирги кийимида ҳам мавжуд бўлиб, унинг илдизи чуқур тарихий анъанага бориб такалади.⁷³

Археологик казишмалар натижасида Мунчоктепадан топилган сағанадан ипак матолар ва либослар топилган. Сағанадан ҳозирча икки хил ипак ва ип матодан тикилган либослар қолдиғи топилган. Булар орасида ипак мато кўпроқ, ҳатто иккита қабрдан аёлларнинг бутунлигича сақланган ички кийими ҳам чиқди. Бу кўйлақларнинг тикилиши ва бичимига ҳар қандай машҳур чевар ҳавас қилади. Тўқимасига қараб уч-тўрт хил ипак матони ажратиш мумкин. Уларнинг ранги ҳам сақланган бўлиб, уч хил: тўқ-яшил, тўқ яшил ва тўқ-жигарранг, айникса, жигарранг мато кўп. Ип газлама, асосан, дағал ипдан тўқилган. Тўқув дастгоҳининг бир қисми деб қаралаётган, ёғочдан ясалган топилма ва ҳар хил ипак матоларнинг кўп учраши қадимги попликларда муайян даражада марказлаштирилган тўқимачилик устахоналари бўлганидан далолат беради. Ип йиғирув ишлари билан хотин-қизлар шуғулланишган. Бунда аёллар тобутида учраган урчуқ ва урчуқ тошлар мисол бўла олади. Бу топилмалар Ўрта Осиёдаги ипакчилик, пахтачилик ва тўқимачилик тарихидан янги саҳифа очиши муқаррар.⁷⁴

Илк ўрта асарлардаги аждодларимизнинг кийим-бошлари ҳақида гапирганда, Фарғона водийсидаги Мунчоктепадан илк ўрта асарларга оид қатор нодир кийим намуналари топилганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Ватанимиз археологлари мазкур ёдгорлик ҳудудидан олиб борган казишмалар жараёнида асосан эркак, аёл ва болалар уст-бошлари топилган. Археолог ва санъатшунослар ўрганган аёллар кўйлаги узун бўлиб, у ипакдан тайёрланган ва этаги тўпиғигача тушган. Этаги энг қуйи қисмидан икки ён томондан 10-15 см. Қирқиб кўйилган, белларига эса камар (белбоғ) бойлаб, зеб берилган. Кўкрак қисми, енгининг учи ва этаги махсус қадама гуллар билан безатилган. Ўнг қўл томонидан эса ўйма чўнтак (кисса) тикилган. Кийимга мунчоқ билан зеб берилган, енги ва кўкрак ржонли нақшқисмига

⁷³ Давлатова С. Ўзбек халқи либослари тарихидан // Мозийдан садо. – Тошкент, 2006. – № 3-4. – Б. 6.

⁷⁴ Юсупов И., Мирзаалиев Э. Мунчоктепа // Мозийдан садо. – Тошкент, 2011. – № 3. – Б. 24.

майда маржонли нақшлар тикилган бўлиб, белидан сал пастга тушиб турган. Кўйлак этагини бели атрофидан икки ён томондан 10-15 см қирқиб кўйганлар. Ёқалари тўғри ва белида махсус тасма-белбоғи бўлган.⁷⁵

Либослар тарихи ва тадрижи борасида сўз юритганда, аввало, кийимлар учун ишлатиладиган матолар, уларнинг маҳаллий кўринишларига эътибор қаратиш керак. Тарихдан маълумки, Муғ тоғидан сўғд ёзувидаги хужжатлар билан бирга, турли мато бўлаклари ҳам топилган бўлиб, тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, бу матолар VIII асрнинг биринчи чорагига тегишли. Муғ топидан топилган ашёлар ичида йўл-йўл тўн кийган хушбичим чавандоз тасвири акс этган қалқон мавжуд бўлиб, чавандоз тўнидаги ингичка қизил чизиклар сариқ тағ узра тушганини кўришимиз мумкин.

Дарвоқе Муғ тоғидан топилган мато парчалари ичида тўқ қизил ранг оқ ва яшил ранглар билан уйғунлашган жунли мато ҳам бор. Бу маълумотга таяниб мазкур даврда йўл-йўл мато камёб бўлган, деб хулоса чиқариш имконини беради.

Бу хусусда айрим ёзма манбаларда ҳам маълумотлар учрайди. Жумладан, машҳур араб тарихчиси Мақсидий Ўрта Осиёдан кўшни мамлакатларга сотиш учун чиқарилган моллар тўғрисида маълумот берар экан, X асрда Хоразмда йўл-йўл газламдан тикилган чопонлар бўлганлигини қайд қилади.

XI асрда яшаб ўтган машҳур тилшунос олим Кошғарийнинг “Девони луғотит-турк” асарида кийим ва улар учун ишлатиладиган 30 га яқин газлама номи берилган.

Ўрта асрда кийимлар маҳаллий иқлимга ва халқларнинг урф-одатига мосланган. Умумий хулоса қилиб айтганда кийимларда умумийлик, бир хиллик касб этади. Устки кийимлар асосан тўғри бичиқда ва “рум” бичиқда бўлган, ёқаси “яктак” ёқа, этагининг ёни йиртмоч қилинган.

⁷⁵ Давлатова С. Ўзбек халқи либослари тарихидан // Мозийдан садо. – Тошкент, 2006. – № 3-4. – Б. 6.

Ўрта асрлар либосларини таҳлил қилишда миниатюра асарлари бекиёс аҳамиятга эга. XII аср охири – XIII аср бошларида яратилган миниатюраларда тасвирланган эркак ва аёллар кийимлари этаги бир мунча кенг, ўзига хос бичимда, думалок шаклда бўлганлигини кўриш мумкин. Олд қисми кискароқ, орқаси узунроқ бу кўйлақларнинг астари кўпинча йўл-йўл матодан тикилган. Эркак ва аёллар кийимлари ташки кўринишидан ўхшаш бўлса-да, уларнинг бичимида кўпгина фарқли жихатлар ҳам бўлган. Аёллар кийимини енги пастга қараб кенгайиб борган, эркаклар кўйлаги эса билагига ёпишиб турган. Аёллар тўғри бичимли юбка ёки кенг лозим кийган. Эркаклар шолварининг пойчаси этикнинг узун қўнжигга этикка тикилган. Эркаклар бошига салла ўраган. Аскарлар эса кийим устидан совут кийган.

Мўғул босқини туфайли XIV аср биринчи чорагидан бошқа ҳудуд халқлари турмуш тарзига мўғул-хитой анъаналари зўр билан киритилган. Бу барча соҳалар қатори либосларда ҳам акс этган. Ҳукмдорлар, сарой ходимлари, давлат амалдорлари, шунингдек, маҳаллий аҳоли ҳам мўғул-хитой услубида кийиниш ва соч турмаклашни расм қилган.

Мазкур даврда кўкракнинг ўнг томондан боғлаб кўйиладиган диагонал бичимли, калта енгли, ён томондан бел баробар килиб очилган, кўкраклари кашта билан безатилган эркаклар либослари XIV аср либосларига хос хусусиятлар мужассамлашган деб айтиш мумкин. Бу даврда аёллар устки либослари олди очик, ниҳоятда узун, енги пастга қараб кенгайиб борадиган тарзда бўлган. Бош кийим уст қисмига бир тутам қуш пати ўрнатилган, бичими мураккаброқ қалпоқ шаклида бўлган.

XIV аср иккинчи чорагидан бошлаб, мўғул-хитой либос русуми сиқиб чиқарилган ва маҳаллий либосларнинг янги мажмуи шаклланган. Лекин эркаклар тўни, кийимларнинг кўкрак қисмини кашта тикиб безаш, либослар елкаси ва бел қисми, этакларни белгача ёки ундан узунроқ қилиш каби мўғул-хитой кийимларига хос хусусият сақланган.

XIV асрга келиб, темурийлар ҳукмронлиги даврида эркак ва аёлларнинг турли рангдаги ички ва ташқи қаватли, яъни турли рангдаги авра-

астарли икки узун либос кийиш одатга айланган. Темурийлар даврида Самарканд, Ҳирот, Шероз каби шаҳарларда башанг, ранг-баранг, содда ва жозибали маҳаллий бичимдаги либослар шаклланган. Шунингдек, турли минтака кишилари ўзларининг кийиниш услублари, ранг танлаши ва либосларидаги айрим безаклар билан фарқланиб туришган.

Темурийлар даврида жамиятдаги улкан ўзгаришлар маҳаллий аҳоли кийим-бошларига ҳам сезиларли таъсир қилган ва маҳаллий аҳоли кийимларида турли иноэтник аломатлар ҳамда безаклар пайдо бўлган. Айнан мазкур даврда Мовароуннаҳрда ва сўнгра бобурийлар даврида Ҳиндистонда алломалар, давлат амалдорлари, уламолар паранжи русумида либос кийганлар. “Паранжи” сўзи ҳам эркаклар, ҳам аёллар кийими маъносини англатган.

Шайбонийлар даврига келиб, паранжи-чопон олимларнинг кийими саналган. Кейинчалик мазкур кийимлар аёлларнинг ҳовлидан ташқарига чиққанда киядиган махсус устки кийимига айланган.

XVII-XVIII асрларда анъанавий бичимдаги кийимлар тараққий этган ҳолда, либосларнинг Бухоро, Самарканд, Хоразм, Фарғона, Тошкент, Қарши, Шахрисабз каби шаҳарлар ўлкаларга хос маҳаллий турлари шаклланиб борган. Кийимларда ўзига хос қисмларнинг вужудга келганлиги, янгича бичимдаги пойабзаллар, бош кийимлар кийила бошланганлиги, ҳар хил матолардан фойдаланганлиги шундан далолат беради.

XIX аср охири ва XX аср бошларида ўзбек миллий кийимлари мажмуи тўла шаклланган эди.

XIX асрнинг 80-йилларигача кийимлар тўғри бичимли шаклни сақлаган. Кийим шакллариининг йўл йўл, сидирға ва гули маҳаллий матолардан тайёрланган, олди, этаги, енг учи, ёқаси гули жияк билан хошияланган кўринишлари кенг урф бўлган. XIX асрнинг 20-30-йилларида кийим бичими ўзаро бир-бирига яқин бўлган икки йўналишда ўзгариб борди. XX асрнинг бошларидан бошлаб ўзбеклар ўртасида европача кийимларни кийиш урфга кирди. Миллий кийимга европаликлар кийими

хусусиятларининг киритилиши миллий кўйлакни шим билан аёллар кўйлакларини нимча билан кийилишига олиб келди. Бу тарихан ҳаёт шароитининг ўзгариши ва оммавий саноат ишлаб чиқаришининг хунармандчиликдан устунлиги туфайли содир бўлди. Миллий бичимдаги кийимлар қоматга қараб тикила бошланди, аёл кўйлаклари торайиб ва калталашиб борди, олдинроқ юзага келган кўкракбурма ва қайтарма ёкали кўйлаklar ҳаётга муқим кириб борди, енги калталашди.

XX асрнинг 50-60-йилларидан бошлаб эркаklar кийимини тўғри елкали қоматга мосланган пиджак, кенг шимлар, аёллар кўйлагини тўғри елкали эркин кесма лиф, этакка томон кенгайган юбка кийиш расм бўла бошлаган. Бироқ, ўзбеклар орасида европача кийимлар билан бирга миллий кийим ҳам урфдан қолмади. Унинг ўзига хослиги шаклида ва миллий мато колоритида намоён бўлди. Бу жиҳатдан аёлларнинг кенг ёзги кўйлаги ва эркаklar яктаги диққатга сазовор. Кекса одамлар орасида тўннинг кундалик кийим сифатида сақланиб қолиши анъанавий тус олди.

Кийимлар бичими асосан минтақалар бўйича шаклланган. Бичими бир хилда бўлсада, мато танлаш ва рангларни белгилашда регионлар биридан фарқ қилганлар.

Ўзбек халқининг кийим-кечаклари жуда хилма-хил, ранг-баранг ва жозибалидир. Ҳамма даврларда ҳам либосга қараб инсоннинг қайси ижтимоий тоифага мансублигини билиш мумкин бўлган.

Н.Содиқова ўзининг илмий тадқиқотларида либосларни ижтимоий қатламларга бўлиб таснифлайди. Жумладан, бойларнинг кийими: бой савдогар кийими, шаҳарлик саноат корхоналари эгалари, маҳаллий буржуазия вакилларининг кийимлари.

Хунарманд шаҳарликлар кийими – шойи тўқувчи, этикдўз, заргар кийими.

Қишлоқ меҳнаткашлари кийими – деҳқонлар, темирчилар, кулоллар, тўқувчилар кийими.

Маҳаллий зиёлилар кийими – жадидлар, муллалар, дин аҳилларидан: имом, сўфи, дарвеш, козикалонлар либоси.⁷⁶

Маълумки, ўзбек халқи ўзининг маросимларида ҳам алоҳида кийинади. Никоҳ тўйида келин-куёвлар, хатна тўйида тўй боланинг либослари, дафн маросимида, марҳумни ёдлаш маросимида кийиладиган либослар. Яна либослар байрам танатаналари, кундалик, коржома каби турларга бўлинади. Жинсига қараб: эракалар, аёллар ва болалар кийимлари, ёшига қараб: ёшлар, ўрта ёшлар ва кексалар кийимлари.

Ўзбек аёлларининг либослари ички ва устки кийимдан иборат бўлиб, бош кийим, пойабзал, безак-зийнатлардан иборат.

Эракаларнинг миллий либослари ҳам ички ва устки – елкага ташланадиган ва белга боғланадиган турлардан иборатдир.

Бош кийимлар дўппилар, саллалар, турли-туман телпаклар, чўғирмаларни ўз ичига олган.

Пойабзаллар чармдан тикилган ҳар хил этиклар, маҳсилар, чориклар, чарм ва ёғочдан ясалган кавушлар, зардўзи этиклардан иборат.

1.3. XIX аср охири XX аср бошларида ўзбек миллий либосларида қўлланилган матолар ва уларнинг хусусиятлари

XIX асрда ўзбек миллий кийимларини тикишда ишлатиладиган асосий матолар сирасига ип-газлама, ипак, нимшойи ва жун газламалар киради. Хом ашёнинг мўллиги ва арзонлиги Мовароуннаҳр шаҳарларида ипак тўқувчилик, бўз тўқувчилик, жун тўқувчилик ва бошқа хил матоларни тўқувчилик касб-ҳунарларни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит вужудга келтирди.

Тўқувчиликнинг асосан икки тури: ҳаммабоп ип-газлама тўқувчилиги ва нисбатан қимматроқ ипак тўқувчилиги кўпроқ тараққий этган. Ип-газлама

⁷⁶ Содиқова Н. Ўзбек миллий кийимлари: XIX-XX асрлар. – Т.: Шарқ, 2003. – Б.6.

матоларни тўқиш билан, асосан, аёллар, ипак ва нимшойи газламалар тўқиш билан эркаклар шуғулланишган.

Ўрта Осиёни Чор Россияси босиб олгандан кейин фабрикаларда ишлаб чиқарилган матолардан чит, сатин кенг тарқалганди. Аслзодалар кийимида Франция ва Россияда ишлаб чиқарилган нақшли шойи газмоллар – бахмаллар, кимхоблар, кундалар, фарангилар ва атласлар қўлланган. Улардан ташқари юнг матоси *мовут* ҳам эркаклар устки кийимида кенг қўлланган⁷⁷.

Ўзбек ипак матоларидаги ранглар бойлиги саҳий қуёш нурлари, ўлка табиати, халқнинг этник маданий анъаналари, унинг ажойиб мажоз ва истиорларга тўла поэтик ижодиёти билан боғлиқдир. Кишиларнинг ижтимоий ёш ва бойроқ аёлларга либос тикишда ёрқин кизил, яшил, тўқ кизил, кексароқ аёллар ва эркаклар учун эса ёрқин пушти, сарик, нимсафсар сингари рангли матолардан фойдаланилган⁷⁸. Ип-газлама матоларнинг турлари ва навлари жуда хилма-хил бўлган. Айниқса, оқ жигарранг, сарик тусли бўзлар кенг тарқалган бўлиб, улардан барча ёшдаги кишилар учун чопонлар, шунингдек, ички кийимлар, саллалар тикилган. Аёлларнинг рўмоллари, дакана ва лачакларини тикиш учун шаша дока ишлатилган. Эркакларнинг кўйлаклари хом суруп, сидирға чит, содда тўқилган – калами деб номланган ип газламадан тикилган. Йўл-йўл ип газлама мато-олачалар кўпроқ қишлоқ тўқувчилари томонидан тўқилиб, чопон тикишда ишлатилган.⁷⁹

Бухоро, Самарканд, Қўқон, Марғилон, Наманган ва бошқа шаҳарларда анъанавий ўзбек ипак (кановуз, шойи, хонатлас), нимшойи (беқасам, банорас, адрас) газламалардан тикилган турли хил кийим турлари мансабдор, зодагон кишилар орасида урф бўлган.

Банорас – беқасамдан ранг турлари билан фаркланиб, ундан аёлларнинг устки кийими бўлмиш паранжи тикилган. Парипашша матоси эса беқасамдап қалинроқ мато бўлиб, у паранжи, шунингдек, чопон тикишда

⁷⁷ Содиқова Н. Ўзбек миллий либослари XIX-XX асрлар. – Т: нашриёт, 2003. – Б. 27.

⁷⁸ Абдуллаева Ш. Ўзбекистоннинг абрли матолари: анъананинг янги ҳаёти// Санъат журнали. №3. 2015. – Б. 32.

⁷⁹ Содиқова Н. Ўзбек миллий либослари XIX-XX асрлар. – Т.: Шарқ, 2003. – Б. 25.

ишлатилган. Адрас пахта ва ипак толали мато бўлиб, абр нақшларини тасвири тушурилган нимшойи газламадир. Тошкент-Фарғона анъанавий либосларида кановуз, шойи, хонатлас, гулдор кимхоб, духоба каби матолар қўлланилган.

XIX асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёга Россиядан келтириладиган ип газлама ва бошқа матоларнинг миқдори тобора орта борди. Бу матолар Ўрта Осиё ва Қашқар ўлкасида тўқиладиган газламалар билан рақобат қила бошлади. Россия фабрика эгалари Ўрта Осиё ўлкалари билан савдо-сотик қилувчи савдогарлар билан тил бириктириб, маҳаллий аҳоли дидига мос газмоллар ишлаб чиқаришга астойдил ҳаракат қилиб, бу ердаги бозорларда устунликка эришиш учун курашни авж олдирди.

XIX аср охири ва XX аср бошида ўзбеклар орасида ҳам асосан фабрикада тайёрланган ип газламалар: чит, бўз, коленкор, хом сурупдан тикилган кийим-кечакларни кийиш урфга кирди.

XIX–XX асрларда маҳаллий газламаларни бадий безаш санъати усуллари ва ўзига хослиги – Ўрта Осиё халқ хунармандларининг нозик дид эгаси эканлигидан далолат беради. Шу боисдан ҳам тўқувчи усталарнинг нафис ва пишиқ маҳсулотлари нафақат маҳаллий бозорларни, балки Осиё мамлакатлари бозорини ҳам эгаллаб борди.

XIX асрда Бухоро хунармандлари шойи ёки нимшойи ва духоба мато турларини тўқишган. Самарқанд миллий либосларида ўрта асрлардан XIX асрни охиригача асосан сидирға ва қизил духоба матолари қўлланилган. Темурийлар ва шайбонийлар сулоалари ҳукмронлик қилган даврларда духоба матосига бўлган эҳтиёж ошганлиги сабаб башанг либослар тикилган.

Тўқувчи-хунармандлар томонидан саллалар ва белбоғлар учун майда кўк тўртбурчак шакл туширилган ип-газлама – фута, саллалар сифатида фойдаланилган, оқ рангдаги “хоса” деб аталган газмол тури ва дока матолари ҳам тўқиганлар. Дока матоси ҳам хосага ўхшаган юпка мато бўлиб, мато муаллифи: “Хоса билан доканинг фарқи газламанинг энида эди; дока хосага

караганда юмшоқроқ эди”, - деб қайд этади⁸⁰. Салла учун ишлатилган мато туридан доканинг “оқ ва кўк” рангдаги матолар жуда машхур эди⁸¹. Хунармандлар махсулотларни ишлаб чиқишда аҳоли эҳтиёжларини ҳисобга олганлар. Жумладан, кийим турига кўра хунармандлар: дўппидўзлик, косиблик, этикдўзлик, каштадўзликкаби гуруҳларга ажралиб, фаолият олиб борганлар.

Тикувчи-хунармандлар томонидан катта ҳажмларда ишлаб чиқарилган кийим-бош турлари жумласига турли матолардан тикилган тўнлар, рўмоллар, кийиклар, дастрўмолларни киритиш мумкин. Турли матолар – ип ва ипакдан тайёрланган бу кийим-бошга турли хил усулларда ишлов берилган. Айниқса, рўмоллар, кийиклар, дастрўмоллар ва дўппиларга кашталар билан безак беришга катта эътибор қаратилган. Бу билан кўпроқ аёллар шуғулланганлар. Бухоро аёллари мисолида XIX асрда Ўрта Осиёда бўлган Е. К. Мейендорфнинг: “Улар шойи рўмолларга йўрмадўзлик билан Ҳофиз асарларидан олинган шеърый парчаларни битадилар”⁸², - деб ёзган қайди Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарлари аҳолиси учун ҳам характерли ҳолат эди.

Ўзбек миллий матоланинг турлари, тўкилиш усуллари, ўзига хос хусусиятлари ва абр нақшларнинг композицион тузилишида ўзаро фарқи – бадий шарҳланиши XIX ва XX асрларда маточилик санъатида алоҳида ўрин тутди. Миллий мато турлари тўкилишдаги усуллар, қўлланилган хомашёлари билан фарқланади. Мато турининг номланиши нафақат мато хусусиятга қараб номланади, балки ундаги рангларнинг ва абр нақшларнинг композицион ечимига ҳам боғлиқ. Ўзбек миллий газламаларининг бадий безашда ранг муҳим рол ўйнаган. Ўзбекистон минтақаларининг барчасида ишлаб чиқилган матоларда анъанавий колорит ва ранглар бирикмалари умумийликка мансуб. Газламанинг зичлиги ва рангига кўра у қаерда

⁸⁰Гребенкин А. Ремесленная деятельность таджиков Зарафшанского округа. – М.: Наука, 1972. – С. 513.

⁸¹Кирпичников Н.А. Краткий очерк некоторых туземных промыслов Самаркандской области // Справочник. – М.: Наука, 1897. – С. 148.

⁸²Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. – М.: Наука, 1975. – С. 117.

ишланганини билиш мумкин эди. Бундан ташқари ҳар бир ранг маълум ёшга мўлжалланган. Бухоро газламаларида асосан тўқ қизил, сариқ ва пушти ранглар қўлланган. Фарғона газламаларида асосан етти ранглар бўлган: сариқ, тўқ қизил, яшил, кўк, пушти, бинафша ва қора. Бир рангни ичига иккинчи рангни киргани ва фоннинг деярли таъсири ранглар уйғунлигини яратади. Айрим минтакаларнинг ранглари бирикмалари турлича бўлсада, миллий анъанавий матоларида қўлланилган ранглар композициясининг умумийлиги мавжуд эканини кўриш мумкин⁸³.

Ўрилиш усули бўйича абр газламалар катта икки гуруҳга бўлинади – гарнитура ва атлас ўрилиши. Гарнитура ўрилишда ипак – “*шойи*” ва нимшойи – “*адрас*” ёки “*дагир*” газламалари тўқилган. Нимшойи газламада танда ипи табиий ипакдан, аркок – ок ёки ёрқин рангли пахта ипидан қилинган. Аркок ипни калинлиги танда ипидан бир неча қарра калинроқ, шу боисдан газлама юзаси чивикли бўлади. Шойидан аёллар кийими қилинади. Абр адрас газламалари эркаклар чопони, чорси, кўрпача, ястик жилд, кўрпа ва мебелларни қоплаш учун қўлланилган.

XIX аср иккинчи ярмида абр газламаларини тўқишда кўп ранглар бирикмасидан фойдаланилган. Бу жуда мураккаб ва кўп меҳнатни талаб қилувчи жараён бўлиб, бу усулдан асосан атлас тўқишда фойдаланганла. XIX асрнинг биринчи ярмида гул босган матолар кенг тарқалган бўлиб, матоларга гул босишда эса табиий бўёқлардан қўлланилган⁸⁴. XX асрга келиб эса ранглар икки хил бирикмаларни ҳосил қилган.

Атласни (арабча – текис, силлиқ) танда ипи ва арқоғи ҳам табиий ипакдан тўқилган. Махсус дастгоҳда, танда ипи абрбанди усулида бўялиб, алоҳида ишлов берилган. Тўрт тепкили атлас тўрт тепкили дастгоҳда, саккиз тепкили атлас саккиз тепкили дастгоҳда тўқилганва бу “Хон-Атлас” деб номланган⁸⁵. Атлас гуллари бир-бири билан уйғунлашиб, гўзал кўринишга эга бўлган. Атлас матосининг абр нақшлари, рангларига кўра, “Номошшом

⁸³Хасанбаева Г.К.Тўқимачилик дизайн тарихи. – Т.: Шарқ, 2006. – С.112.

⁸⁴Махкамова С.М. Марғилон атласи. Фан ватурмуш. №5-6. 2007. – Б.34.

⁸⁵Махкамова С.М. АБРОВЫЕ ТКАНИ УЗБЕКИСТАНА КОН. XIX-XX ВВ.: Автореф. дисс. к.и.н.Ташкент, 1970. – С. 9.

гул”, “Қарға шойи” ва бошқа номлар билан номланган. Фарғоналик тўқувчи-хунармандлар, ипак газламалардан яна бири шойи-канаусни ҳам ишлаб чиқарганлар. Атлас ўрилиш гуруҳига соф ипакдан тўкилган газламалари киради: “*тўрт-тепкилик*” лари – атласлар, “*сақкиз-тепкилик*” ва “*ўн икки-тепкилик*” лари – хон-атласлар, нимшойи – “*якрўя*”. Атласнинг тепкиси канча кўп бўлса, абр безакдан олинадиган таассурот шунчалик зўр бўлади, унинг ясамоллиги ва ўйноқлиги ортади⁸⁶.

Махсус пардозлаш ишлов бериш учун Ўрта Осиёда қадимдан бўлган. Атласга ялтироқ жиловлантириш ва адрас-бекасамларга муҳайир жиловсини бериш учун тухумнинг оқи қўлланаган. Газламанинг учи тухумни оқи суртириб намланган ва қуруқ жойларига тахланган, сўнг уста ёғоч болға – “*қудунг*” билан газламани ўриб, намликни барча жойларга тақсимланишига эришилган.

Ўрта Осиё хонликларида бу мато тури турлича номланган. Бухоро хонлигида бу мато тури “канаус” деб аталган. Қўқон хонлигида, хусусан, Марғилонда бу газлама “атлас” ёки “жибаарқоқ” номлари остида машҳур эди⁸⁷. Канаус шойи газлама нақшлари кўп жойларда тугун боғлаш усулида қилинарди. Уларни хилма-хил ва деталланган номлари тўқувчилар орасида сақланган ва улар фақат ранглари бўйича фарқланарди. Совуқон яшил рангли шойига оқ арқоқ ипи кумуш рангни баҳш этган. Бу шойининг номи “*барги карам*” бўлган. Қора фонда ёйилган оқ доғли нақш “қарға шоҳи” деб аталган. Асосан, Фарғонада йўл-йўл (оқ ва кул ранг ёки оқ ва оч бинафша) ва қора оқ майда каттак-каттак шойилар ишланарди. Самарқандда бу даврда нақши тугун боғлаш (тугунча батик) усулда қилинган ажойиб шойи чойшаблар ишлаб чиқиларди. Чойшабларнинг нақши оддий ва йирик бўлган, композицияси марказда жойлашган катта тўпбарггул атрофида тузилган. Тўпбарггул бир неча қатор концентрик доиралардан иборат бўлиб, бир рангли фонда ажралиб турган. Бу буюмларнинг колорити мовий, пушти ва оч

⁸⁶Махкамова С.М. Атлас жилвасининг сири. Фан ва турмуш. № 5.1963. – Б. 15.

⁸⁷Гребенкин А. Ремесленная деятельность таджиков Зарафшанского округа// Материалы для статистики Туркестанского края. Вып. 1. – СПб.: Наука, 1872. – С. 514.

яшил ранглар бирикмалардан иборат бўлиб, оқ хонаки шойидан арқоқ ипи барча рангларга кумуш тон ва нафисликни бахш этган. Ранг ёрқинлигини арқоқ ипи танда ипини рангига бўялган. Арқоқ ипга танда ипига нисбатан контраст ранг қўллангани (бинафша танда ипига – сарик, кизилга – яшил) газламага товланиш эффе́кт беради. XX асрни бошида “*калами*”, “*олача*” йўл-йўл газламаларни асосий турлари бўлган.

“*Калами*” одатда хонаки дағал хом ипдан ишланиб, асосан эркак чопонларида қўлланилган. Унинг йўл-йўл нақшини оқ рангдаги фонини бўялмаган хом ип беради, арқоқ ипи ҳам оқ бўлган, йўл-йўллари кўк ёки қора ва кизил ранг бирикмалари бўлган⁸⁸. Оддий полотно ўрилиш усулида тўқилган газламанинг оқ арқоқ ипи ёрқин ранглар йўл-йўллар чизик чегараларини кўринишни сокин тасвирлашда кўмакчи бўлган. Калами асосан қишлоқларда ишланган.

“*Олача*” бу газлама тўқ ёки ёрқин йўл-йўл чизикли нақш бўлиб, арқоқ ипи одатда тўқ ёки кўк бўлган. “Олача” матоси – XX асрларда Россия фабрикаларда ишлаб чиқилган бўлиб, XIX асрдаги “*Калами*” матосида қалинлиги билан фарқланади. “Олача” атамаси этимологияга оид бўлиб, рус тилида “пестряд” яъни, арқоғи ўриши ҳар хил рангли ипдан тўқилган дағал, ола-була газлама маъносини англатади. “Олача” матоси атамасига монанд ҳар хил рангдаги майда йўл-йўл вертикал чизикли нақшлардан иборатлиги ўзига хос хусусиятидир. “Ола” атамаси ўзбек тилида ранг-баранг, ола-була маъноларини англатса, “ча” кўшимчаси тавсирнинг кичрайтирилганини билдиради⁸⁹. Олача ишланганда фабрика хом ип қўллангани учун газлама текис ва юқори навли мато бўлган. Тўқ колоритли қалин олачада хонаки хом ипи қўлланган. Қишлоқ жойларда анъанавий йўл-йўл ип газламалар тўқилган бўлиб, маҳаллий қадимий анъаналари ўзида мужассамлаштирға⁹⁰. Жумладан, Ургутда сарфинка, Нуротада – олача, Вобкентда – калами кенг тарқалган

⁸⁸Маҳкамова С.М. Полосатие и Абровые конца XIX-XX вв. – Ташкент, 1969. – С. 88.

⁸⁹Маҳкамова С.М. Полосатые и Абровые конца XIX – XX вв. – Ташкент, 1969. – С. 89.

⁹⁰Маҳкамова С.М. Полосатые и Абровые конца XIX – XX вв. – Ташкент, 1969. – С. 89.

тўқимачилик намуналари ҳисобланга⁹¹. Қизил ва кўк рангли йўл-йўлларнинг турли хил бирикмалар натижасида, ок ип накш пушти ёки тўқ мовий тусга кириши кузатилади.

Турли хил матолар турларининг ўзига хос хусусияти улардаги фактура юзаларининг тасвири хомашёнинг таркиби ва тўкилиш усулига боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Шунинг учун йўл-йўл матоларда ипакдек майинлик ва табиий жилвасига урғу беришда, бошқа ҳолларда эса мотивлик ва майинликни ўзида мужассамлаштирилган ҳолда матода енгиллик, харир ёки унинг қалинлик даражаси, зижлилиги юксак аҳамият касб этади. Ўзбек йўл-йўл накшли матолар икки томонлама тўкилиши яъни матонинг ўнги ҳамда тескари тарафларида рангларни тусларида фаркланишини кўриш мумкин. Матонинг юз тарафида ранглар жилоси билан тўкилиши ранглар орасида танда ипининг ўтиши орқали пайдо бўлади⁹². Бу турдаги матоларда беқасам, олача банорас матоларини мисол келтириш мумкин. Йўл-йўл газламалари ҳам ҳар хил бўлган. Бир хил элементли йўл-йўллар ва икки ёки кўпроқ элементлари такрорланган накшлар учрайди. Бир хил ёки ҳар хил энли йўл-йўллар ўзаро кетма-кет такрорланади, ёки кенг йўллар ўртада жойланади ва икки томонидан бир хил накшли милк билан чегараланади. Накши арча , чақмоқ ва тўлқин шаклида бўлиш мумкин⁹³.

“Беқасам” ҳам қадимий матолардан ҳисобланиб, Фарғона водийсидаги беқасамлар арқоғ ипи ингичка бўлгани учун майин бўлиб, йўл-йўл шаклда феруза – бинафша, кўк, яшил, пушти ранглар берилган. Газламага махсус ишлов берилгач, бир томони силлиқ бўлиб чиққан. Баъзан шундай накшлар бошқа минтақаларда ишланган беқасам турларида ҳам учрайди.

Беқасам – йўл-йўл газмол бўлиб, унда эркак, аёл ва болалар учун кундалик кийиладиган тўнлар, кўрпа-кўрпачалар тикишда фойдаланилган.⁹⁴

⁹¹Маҳкамova С.М. Полосатые и Абровые конца XIX – XX вв. –Ташкент,1969. – С.89.

⁹²Маҳкамova С.М. Полосатые и абровые конца XIX – XXвв. – Ташкент,1969. – С. 86.

⁹³Ҳасанбаева Г.К Тўқимачилик дизайни тарихи. – Т.: Шарқ, 2006. – Б. 120.

⁹⁴ Содиқова Н. Ўзбек миллий либослари XIX-XX асрлар. – Т.: Шарқ, 2003. – Б. 21.

“*Пари-пашша*” кадимги анъаналар бўйича (пашша каноти) газламаси тўкилган – танда оқ шойи ва тўқ рангли пахта ипидан ва арқоқ тўқ кўк рангли иплари бирикмалар ёрдамида кўкимтир кулрангли ингичка йўлли газлама ҳосил бўлган. Фарғона водийсида нақшли беқасамлар яшил-кўк тони билан фарқланади ва “*мошранг*” деб номланган. Улар ялтиратувчи болға билан урилганидан сўнг муар эффектини ҳосил қилган. Шундай газламалар Қўқон, Наманган ва Тошкентда ишланарди ва мўйсафид эркак тунлари учун кўлланади⁹⁵. Марғилонда оқ чивик, олти катак, мрамар каби беқасам турлари тўкилган⁹⁶. XIX асрнинг 80-йилларидан тўкимачилик ҳунармандиликнинг энг асосий турларидан бўлиб қолган. Архив маълумотларга кўра тўкимачилик 87 устахоналарида мингдан зиёд уста меҳнат қилган⁹⁷.

Парипашша – беқасамдан қалинроқ матодирки, у паранжи шунингдек чопон тикишда ишлатилган.⁹⁸

Бу даврда йўл-йўл газламалардан ташқари катак-катак газламалари ҳам ишланган. Бу газлама “*сарфинка*” (русча “сарпинка”) номланган, мато тўкилиш техникаси маҳаллий олачага яқин бўлиб, уни вертикал ва горизантал чизиқларнинг ҳажми кичик, жойлашуви эса кенг бўлган. Катак-катак нақшли мато тури йўл-йўл танда ва икки рангли арқоқ ипларни ўрилиши билан тўкилган⁹⁹.

Ўрта Осиё халқлари оғзаки ижодида абр гулларининг келиб чиқишини шарҳловчи афсоналар бор. Бир афсонага кўра, дастлаб абр гуллари осмонда сузиб кетаётган булутнинг (*Абр–булут*, демакдир) ҳовуздаги аксига тақлид тариқасида вужудга келган эмиш, бошқа бир ривоятда, абр гуллари ҳовузга томизилган ёғ томчисининг камалак сингари ранг-баранг бўлиб товланишидан олинган, дейилад¹⁰⁰. Абр усулида бўяш Фарғона водийсида Бухоро, Самарқанд ва бошқа бир қатор Ўрта Осиё шаҳарларида қадимдан

⁹⁵Хасанбоева Г.К. Тўкимачилик дизайни тарихи. – Т.: Шарқ, 2006. – Б. 102.

⁹⁶Маҳкамова С.М. Автореф. Дисс. к.и.н. Ташкент, 1970. – С. 13.

⁹⁷ Маҳкамова С.М. Марғилон атласи. Фан ва турмуш. № 6-7. 2006. – Б. 34.

⁹⁸ Содиқова Н. Ўзбек миллий либослари XIX-XX асрлар. – Т.: Шарқ, 2003. – Б. 21.

⁹⁹Хасанбоева Г.К. Тўкимачилик дизайни тарихи. – Т.: Шарқ, 2006. – С. 115.

¹⁰⁰Маҳкамова С.М. Атлас жилвасининг сири. Фан ва турмуш. № 5(75). – 1963. – Б. 14.

ишланадиган енгил бош рўмоллар “қалагай” ни эслатади. Рўмоллар бўяш техникаси “бандан” – тугунчали батик усулида ишланган. Сидирға шойи рўмолни айрим жойларини тугун килиб, пахта ипи билан захира қилиниб, сўнгра бўялган. Бу жараён рангларни турига биноан бир неча марта такрорланиб, ўзига хос тасвирларни ҳосил қилган. Нақшлар оддий шаклда ҳосил бўлиб, улар: овал, доира, юлдуз, ромб, йўл-йўл ва бошқа содда шакллардир.

Абр усули мураккаб ва сермехнат бўлгани учун фақат шойи ва нимшойи газламаларни ишлашда қўлланган. Ип газламаларида бу усул фақат юқори навларида қўлланган. Масалан, Нуротада йўл-йўл нақш ип газламада мураккаб эмас, захира ёрдамида килинарди. Аммо бу истисно бўлган, одатда аввал ва ҳозир бу усул шойи ва нимшойи газламаларда қўлланади: адрас, бахмал, шойи-канаус ва атлас¹⁰¹.

Шундай газламалар ишлаб чиқаришда икки асосий йўналиш, икки усулни ажратиш мумкин: Фарғона ва Бухоро усуллари.

Фарғона водийсида бу газламаларнинг ишлашини ривожланиши ва бу ерда қўлланадиган мураккаб техник усуллари ушбу минтақа абр газламаларнинг ватани бўлганини таъкидлаш лозим. Фарғона усули оддийлиги, нақшлари ёйилган, сержилвалиги ранг уйғунлиги ўзига хос бўлганини таҳлил қилинса, Бухорода – абр нақшларнинг композициясида аввал майда, кейин йирик аниқ чегарали, яъни ҳошияли нақш элементлари қўлланилганини кўриш мумкин.

Матони ипларини бўяшда ҳунармандлар табиий маҳсулотлардан олинган бўёқлардан фойдаланишган. Абр усулида танда ипини бўяш техникаси жуда мураккаб. 200-300 м узунлигда танда ипи махсус дастгоҳда майда тутам – “либит” ларга тақсимланади. Газламани зичлиги ва энига биноан ҳар бир либитда иплар сони 40-60гачаниташкил этган. Либитлар иккитадан кўшилиб, ром-дастгоҳни кўндаланг брусларига ўралади. Бруслар орасидаги масофа нақш раппорти билан боғлиқдир (1,4 - 2,25 м). Либитлар

¹⁰¹ХасанбоеваГ.К. Тўқимачилик дизайни тарихи. – Т.: Шарқ, 2006. – С.105.

ташқил этган юзага рассом – абрбанд ингичка ёғоч билан сувда эритилган коракую ёрдамида вертикал ўқи бўйича нақшни ярмини кўндаланг чизиқлар билан белгилайди. Устаабр нақшларининг тасвирни ипга туширишда трафарет ёки кўчирма эскизлардан фойдаланмайди.

Нақшни ранг-баранг бўлиши учун танда ипи кетма-кет пахта иплар билан захираланади ва кетма-кет тартибда бўялади. Либитлар қайнок бўёқда бир неча дақиқа қайнатилади. Агар бир раппортни давомиди либит тутами пушти, сарик, тўққизил, яшил ва оқ рангга бўялса, улар уч марта захираланади. Аввал оқ ва пушти ранг буладиган жойлари маҳкамланиб, танда сарик бўёқ эритмасига солиниб, очик жойлари бўялади, захираланган жойларига эса бўёқ сал кириб, ажойиб рангли доғларни ҳосил қилади. Кейин кўшимча либитнинг тўққизил рангга бўяладиган жойларидан ташқари барча жойлари захираланади. Сўнгра либитни тўққизил рангга бўялган жойлари захираланади ва яшил рангга бўяладиган жой очилади. Бўяш жараёни бошида барча жойлари (оқ ва пуштидан ташқари) сарик рангга бўялгани учун яшил ва тўққизил ранг сарик грунтоткага ётади ва шу сабабдан рангларга чуқурлик ва соф тонлик тасаввурни ҳосил қилади. Одатда пушти ранг бошқа рангларга нисбатан кам бўлгани туфайли танда ипи бир неча марта бўялади. Нақшни белгилаганда уста айрим рангли жойларни орасидаги масофани 5смдан кам бўлмаслигига эътибор беради, айна ҳолда бўёқ захираланмаган жойга яхши шиммаслиги мумкин.

Қадимий газмоллар ўсимлик бўёқлари билан бўялган: *руян, испарак, анорпўсти, тухумак, гулхайри, нил (индиго), кирмизи*. Бу бўёқлар офтобда ва сувда айнинамайди. Табиий бўёқлар ёрдамида барча рангли гаммани ҳосил қилиш мумкин эди. Улар ўзаро уйғунликни бахш этади, айнинамайди ва ранги ўчмайди. Бу бўёқларни халқ уста-абрбандчилар XIX асрни 70-йилларгача кўлланганлар. Кейин *анилин* бўёқларини кўллаш бошладилар, аммо улар маҳкамланмагани учун ранглар ўзгариб айниш эҳтимоллари кучайди.

Ҳозирги кунга келиб матоларга кимёвий моддалар ёрдамида ранглар ҳосил қилиниб, матога ранг бериш онсонлаштирилди¹⁰².

Геометрик нақшлар: доира, ромб, квадрат, тўғри чизик қисми, эгри-бугри чизиклардан иборат бўлган. Айтиб ўтиш лозимки, фақат геометрик тасвирларяққол танилади, қолганлари эса схематик тасвирлангани учун тасвирни нималигини англаш қийин. Тасвирларнинг шартлигини юкори даражаси газламани техника ишлаш усули билан боғлиқ: аниқ чегараларни йўқлиги, бўёқларни ёйилганлиги, дастгоҳга тортилганда танда ипини силжиши боис нақш мавзуси ранглар тузилмасини ўзгариши билан тасвирланади. Бу хусусиятни абр газламаларнинг камчилиги эмас, балки бу фақат шундай газламаларга мансуб махсус сифати деса бўлади¹⁰³. Шунга карамай абр газламалар нақшлари номи шуни кўрастидики, усталар уларни яратганда айрим буюмлар сиймоларини олишган. Ўсимлик мавзулар деярли кўп эмас: “барги карам”, “номошомгул”, “дарахт”, “тувакда гул”, “бодом”, “нок”, “шоҳ”, “анорча”. Буюмли тасвирлар энг кўп қўлланган матолар бу – “чармак”, “тахтакач”, “тароқ”, “ўроқ”, “косагул”, “ногора”, “ногора моки”, “галвирак”, “офтоба, кумзон”, “патнус”, “четан”, “байроқ”, “катак”, “занжура”, “ойболта”. Зооморф туридаги нақшларда бўлак яхлит деб ҳисобланади деган қонуният (*pars pro toto*) асосида тасвирланади: “қўчқор шохи”, “йўлбарс думи”, “туяпайпоқ”, “капалак”, “чаён”, “илон изи”, “ку”, “пари хўроз”, “товус”, “қарға”. Баъзи абр нақшлар композицияси палак каштаси элементларини эслатади: “қора палак”, “оқ палак”. Кўп нақшларнинг номи уларнинг абстракт тавсифини тасдиқлайди ва улар асосий ранги бўйича берилади: “мошранг”, “нилоби”, “қора атлас”, “сапсарқарға” ёки техник кўрсатмалари бўйича: “оқ арқоқ”, “беш ёрма”, “як бас” кабиномланган. Баъзи газлама матоларнинг номи асосий ранглари бўйича ном олган. Булар кўк ёки яшил ранг оз микдорда берилиши ва барча оқ-қора газламаларга “одми” деган ном берилган, ранг-баранг, ола-чипор

¹⁰²Хасанбоева Г.К. Тўқимачилик дизайни тарихи.–Т.: Шарқ, 2006. – С. 120.

¹⁰³Махкамова С.М.К истории ткачества в средней Азии. – Т.:Гафура Гуляма, 1983. – С.73.

абр нақшлари йирик ёки майда тароқ тасвири берилган матолар “*кичик*” ёки “*шўх*” номи билар таърифланади¹⁰⁴. Баъзан минтакаларбўйича жойлар ёки халқларни анъанавий нақшлари матога ном берган. Жумладан, “*Фаргона нусха*”, “*Бухоро нусха*”, “*яхудий нусха*” ёки “*жухут қўли*” абрли матоларни мисол килиш мумкин.

Барча майда элементлар функционал аҳамиятга эга: баъзилари фақат асосий марказий нақшни икки томонини чегаралайдиган ингичка йўл-йўлларни безашга қўлланади, бошқалари эса бу нақшнинг атрофидаги бўш жойларни тўлдириш учун қўлланади. Энг кўп учрайдиган ёрдамчи элементлар “*тароқ*”, “*шох*”, “*бодомча*”, “*косагул*”, “*шокила*”, “*илон изи*”, “*туморча*”, “*сим-сима*” шулар жумласидандир.

Хилма-хил сидирға, гулдоп ип, ипак ва ярим хонаки газламалар содда ва мураккаб усулда тўкиб чиқарилган. Бу матоларнинг безаш усуллари асосан гулдор ва йўл-йўл шаклда бўлиб, бу усулда Ўрта Осиёда Абрбанди деб аталган. Абрбанди матоларнинг ишлаб чиқаришда асосий элемент – бу ранг бўёқларнинг ноаниқ тарҳли нақшарида камалаксимон бирикишидир. Чивикли матоларни ишлаб чиқаришда энг асосий нарса бу ҳар хил ранглар ва турли катталиқдаги йўлларнинг турли ритмда жойлашмасини турлича кўринишда акс эттиришидир. Чивик матоларда ҳам абрбанди матоларда ҳам арқоқ осийгул ясовчи аҳамиятга эга. Ўриш иплари эса мато гаммасига муайян тус берадиган ёрдамчи рол ўйнайди. Абрбанди матоларда гул ясовчи арқоқ иплари дастгоҳга жойлаштирилаётган пайтда, албатта, жойида кўзгалади, шунинг учун гул тарҳи ноаниқ тус олади ва шаклнинг муайянлиги йўқолади, натижади кескин фарқсиз бир рангдан иккинчи рангга кўчади.

Ўзбек матоларида биринчи навбатда ранглар гўзаллиги кўзга яққол ташланади, соф, ёрқин бўёқлар нафис бирикмаларда берилади. Абрбандичи халқ усталари XIX асрнинг 70-йилларига қадар нақш бўёқларидан кенг ва моҳирона фойдаланиб келишган.

¹⁰⁴Хасанбаева Г.К Тўқимачилик дизайни тарихи. – Т.: Шарқ, 2006. – Б. 104.

Ўтмишда ўлкамиздаги бутун-бутун шаҳарлар фақат маълум бир нав ва ранглардаги газламани тўқишга ихтисослашган эди. Бадиий тўқувчиликнинг маҳаллий мактаблари ҳам мавжуд эди. Буларнинг бари матоларнинг бўяш санъатининг юксаклиги, маҳаллий газлама тўқиш услублари, улар кўлидан чиқадиган матолар – ранги, бўёғи ва гулларининг бир-бирига ўхшашлиги ва нафислиги билан ажралиб туради.

Тошкент косиблари бўз ёки карбос (оддий бўялмаган ип газлама), босма (кизил тусдаги гулли бўз), олача (бўялган ипдан тўқилган йўл-йўл ип газлама), чопон тикишда қўлланиладиган йўл-йўл нимшойи матолар тўқишга жуда мохир эдилар.¹⁰⁵

XIX аср охири ва XX аср бошида ўзбеклар орасида ҳам асосан фабрикада тайёрланган ип-газламалар: чит, бўз, коленкор, хом сурпдан тикилган кийим-кечакларни расм бўлди. Бой-бадавлат кишилар эса кимхоб, ипак, атлас, духоба, рангоранг мовутлардан кийим тиктириб кия бошладилар.

Шунга қарамай, косиблар дастгоҳидан чиққан маҳаллий газлама: мато, бўз, нимшойи газмол, адрас, беқасам, подшойи, кимхоб, хонатлас, катакшойи кабиларнинг турли хилларига эҳтиёж катта эди.

Ўрта Осиё газмолларини ишлаш ва айниқса уларга гул солиш техникаси ҳийла мураккаб иш эди. Уларга гул-нақш солишда икки хил услуб қўлланилганки, бу эса йўл-йўл ва абр услубида тўқилар эди. XIX асрга келиб, йўл-йўл гул солинган матолар хиллари айниқса кенг расм бўлиб кетди. Ип газлама, шойи ва нимшойи газмолларга шу услубда гул солина бошланди. Мазкур турдаги газламаларни чиқарадиган тўқувчилик марказлари Самарқанд, Ургут, Нурота, Бухоро, Ғиждувон, Зандона, Фарғоан водийси, Наманган, Бешариқ туманларида мавжуд эди. Хоразм усталари тайёрлаган газламалар ҳам ўзига хос гуллари билан кўзга ташланиб туради.

Матоларга гул босишнинг усулларида абрли иплар билан гул солинган, бўёқлари ёйиқ, қимматбаҳо ипак газмолларни ишлаб чиқаришда қўлланилган. Абрбанд усули билан иплар ўраб-ўраб боғлаб қўйишдан иборат

¹⁰⁵ Содиқова Н. Ўзбек миллий либослари XIX-XX асрлар. – Т.: Шарқ, 2003. – Б. 21.

мазкур мураккаб ва сермеҳнат жараён асосан Фарғона водийси шаҳарлари ва Самарканд, Бухорода хонатлас тўқишда қўлланилган.

Буларнинг хаммаси XIX-XX асрларда маҳаллий газламаларни бадиий безаш санъати хилма-хиллиги ва ўзига хос эканлигидан, Ўрта Осиё халқ хунармандларининг нозик дидидан далолат беради. Шу боисдан ҳам, тўқувчи усталарнинг нафис ва пишиқ маҳсулотлари маҳаллий бозорлар чегарасидан чиқиб, бутун Ўрта Осиё ва ундан ташқари мамлакатларга харид қилиниб, олиб кетилган ва у ерларда жуда машҳур бўлган.¹⁰⁶

I боб бўйича хулоса

XIX аср охири XX аср бошлари ўзбек миллий либосларининг моддий маданиятнинг асосий қисми бўлиб, улардан шу халқнинг миллий хусусиятлари, маданий анъаналари ва бадиий диди намоён бўлади. Шу боисдан халқ кийим-кечаклари тарихини ўрганиш илмий жиҳатдан ҳам катта аҳамият касб этади. Миллий либослар тарихи инсон ҳаётининг бошқа бир қатор томонларини ўрганиш билан биргаликда олиб борилади. Халқ этнографик либосларини ўрганиш мазкур халқнинг бошқа қўшни халқлар билан ўзаро маданий-иқтисодий ҳамкорлигининг қай даражада борганлигини ҳам ўрганишига ёрдам беради. Бу эса ўз навбатида анъанавий халқ кийимлари билан қўшни халқлар кийимларидаги ўзаро таъсир, сингиб бориш жараёнларини билишга имкон яратади.

Ўзбек анъанавий кийимлари узоқ вақтлар давомида шаклланиб, у ёки бу халқнинг ташкил топиши, иқтисодий-ижтимоий шароити, анъаналари таъсирида ривож топиб келган. Бошқача айтганда, кийимлар узоқ тарихий-тадрижий йўлни босиб ўтган. Халқ турмушига мос, ишлаб чиқариш жараёнларига хос бўлган кийимлар даврдан-даврга ўтган сайин шаклланиб борган ва ниҳоят халқнинг анъанавий миллий кийимлари мажмуасига кирган. Шунингдек, миллий либослар давр тақозоси, талаби, кишиларнинг

¹⁰⁶ Содиқова Н. Ўзбек миллий либослари XIX-XX асрлар. – Т.: Шарқ, 2003. – Б. 22.

эстетик дид ва тушунчаларига қараб ўзгариб борган. Бу жараён миниатюрал асарларида, тангалар ва бошқа тарихий-археологик топилмаларда акс эттирилган кийим нусхаларидан кузатилади.

Ўзбекларнинг миллий либослардаги ўзига хослик аҳолининг ҳар бир катламининг ижтимоий шароитидан келиб чиққан ҳолда келтирилган. Бу аҳолининг бой катламига кирувчилар ва ҳунармандлар-фукороларнинг либослари ҳисобланади. Бундан ташқари либослар ёшига кўра: ёш келин-куёв, ўрта ёшдаги эркак ва аёл, кекса одамлар, эркаклар, аёллар ва болалар либослари каби турларга бўлинган.

II боб. XIX аср охири XX аср бошларига оид ўзбек миллий либосларнинг минтақавий типлари

2.1. Самарқанд-Бухоро миллий либослари

XIX асрнинг биринчи ярми – XX аср бошларидан Россия босқинига қадар Бухоро амирлигидаги иқтисодий тараққиётга асосан ўтган даврлар мобайнида маданият ва ҳунармандлиқнинг юқори даражада ривожлангани замин яратган эди. Бу даврда Бухорода илм-фан, санъат, ҳунармандлик раванқ топиб, кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилган. Айниқса, тўқимачилик гуллаб-яшнаган. Бухорода турли услубдаги матолар – ип-газлама, шойи, нимшойи, духоба (бахмал) ва парча ишлаб чиқарилган. Кўчманчи дашт билан савдо алоқалари, Россия ва қўшни давлатлар билан муносабатларнинг кенгайиши ҳам тўқимачилик ривожига катта таъсир кўрсатди. Бухоролик тўқимачиларнинг буюмлари бошқа хонлиқлар ва кўчманчи халқларда шуҳрат қозонди. Бухоронинг бежирим, нафис шойилари ва бошқа маҳаллий тўқимачилик маҳсулотлари, бетакрор зарбоф тўнлари совғага мўлжалланган бошқа ҳунармандлик буюмлари қаторида Россия подшо саройида доимо ардоқланган.

Бухоро амири, сарой амалдорлари ва харам аёллари XIX асрда Бухорога келган чет эллик сайёҳларда катта таассурот колдирган. Сайёҳлар эркакларнинг либосларига қуйидагича таъриф берган: «Катта оқ салла, чома ёки қорамтир пўстин каби уч ёки тўртта кийим уларнинг одатий либосларини ташкил қилади»; «Ўзбеклар ранг-баранг шойи кийимлар кийишни хуш кўради. Бундай либослар фақат бухороликлар дидига мос тушади. Айрим амалдорлар зарбоф либосларни афзал кўради» Александр Борнс бундай ёзган эди: “Бухоро амири (Баҳодирхон, Ҳайдархон ўғли) либоси адрасдан тикилган чопон ва оқ салладан иборат. Баъзида саллага олмос билан безатилган пат тақилган. Бухоролик хунарманд ва савдогарлар кичик салладан фойдаланади ва нимшойи ва газламадан тикилган олача чопон, юпка тагчармли маҳси ва чармли кафш кияди. Катта саллани дин пешволари ўрайди”¹⁰⁷. Садриддин Айний “Эсдалиқлар” асарида “аҳолининг ҳар бир қатлами ўзига хос анъанавий кийиниш услубига эга эди. Агар кийим бичими билан фарқланмаса, ранги ва матоси билан ажралиб турган. Дехқонлар турли рангдаги чит салла ўраган ва қўлда тўқилган ёрқин рангли (қалами) матодан тикилган чопон кийган. Уларнинг пойабзали дағал теридан тайёрланган пошнаси мўкки эди. Шаҳарликлар, хунарманд ва савдогарлар кичкина оқ салла ўраб, асосан нимшойи ёки ип газламадан тикилган чопон кийган. Дин пешволари, савдогарлар ва хунармандлар юпка тагчармли маҳси ҳамда чармли кафш кийган.

Маъмурий-ҳарбий таркиб ёки идоралар амалдорлари қоидага биноан турли шойи ва нимшойи матолардан тайёрланган чопон кийиб, зарҳал ва қора кумуш қадама безакли кумуш тасвирлар туширилган энли камар таққан. Камарлардаги безаклар амалдорнинг мавқеига қараб, турлича бўлган. Баланд пошнали қўнжи узун этик кийган. Этик пошнаси учи жуда ингичка бўлган. Ҳатто пошнанинг учи катта мих қалпоқчасидан тайёрланган. Амалдорлар катта бўлмаган оқ салла ўраган. Эгри қилич камарбандга эмас, балки

¹⁰⁷ Борнс А. Путешествие в Бухару // Звезда Востока. Ташкент, 1993. – №2

маҳаллий бахмалсимон чарм – ғузоридан тайёрланган камарга тақилган. Одатда бундай камар анча энли бўлган амалдорлар белбоғи остидан тақилган”¹⁰⁸, деб қайд этилган.

XIX аср – XX аср бошларида Бухорода аҳолининг барча қатлами, турли қатлам ва ёшга мансуб аёллар ва эркаклар либослари ичдан кийиладиган кўйлак, шим (лозим), чопон, пойабзал ва бош кийимидан иборат бўлган. Либослар умумий бичимга эга бўлиб, матоси, безатилиш сифати, безакларнинг мавжудлиги ва миқдори билан тафовут қилган. Амир, сарой амалдорлари, хотинлари ва жамиятнинг бой қатлами либослари зардўзи кашталар билан безатилган. Ўзбекистон музейларида XIX аср иккинчи ярми ва охири – XX аср бошларига мансуб либослар сақланмоқда.

Эркакларнинг ички кўйлаги – курта ёшга қараб вертикал (куртаи мардона) ёки горизонтал бўйин қисмига эга бўлган. Бухорода эркаклар кўйлаги тузилишининг ўзига хослиги икки томонлама бичилиши билан боғлиқ эди. Бунинг натижасида марказ бўйлаб бўйламасига тикилган ва кенг бўлган. Қадимда мазкур кўйлақлар тиззадан пастга қадар тушиб турган. Кейинчалик эса узунлиги белгача қисқартирилган. Ҳар куни кийиладиган кўйлақлар хонаки ип газламадан тикилган. Тўй маросимларига мўлжалланган кўйлақлар шойидан тайёрланган. Ўзбекистон музейларида эркаклар кўйлақлари сақланиб қолмаган. Чунки либоснинг ушбу тури қолганларига қараганда тез йиртилган.

Эркаклар шими (*эзор*) андазаси билан ажралиб турганини таъкидлаш лозим. Эзорнинг ўрта қисми иккита учбурчак шаклида тикилган оғдан иборат бўлиб, унга тўпикқача тушадиган кенг почалар уланган. Юқори чет қисми қайрилиб тикиб чиқилган. Ундан боғич ўтказилган. Эзор асосан ип газламадан, амир ва зодагонлар киядиган шимлар бўртма гулли, зарбоф матолар ёки бахмалдан тикилган. Шимларнинг пастки қисмига зар ёки мўйна урилиши мумкин эди. Почаларнинг пастига ва ён томонларига жияк тикилган. Жияк нафақат безак, балки ҳимоя вазифасини ҳам ўтаган.

Олди очик чопон устки кийим вазифасини ўтаган. Садриддин Айнийнинг эсдаликларида амир саройи амалдорлари “зарбоф, атлас ва шойи чопон” кийиб юргани қайд этилган. Чопонлар мавсумга караб, уч турга бўлинган: жома – астари кавилган кундалик чопон, чакмон – жун матодан тикилган қишлоқ чопон, яктак – бахясиз ёзги кийим. Бухоро чопонлари узун, энли бўлиб, енги билакка қадар торайиб келган. Мазкур турдаги чопонлар билан бир неча кийим кийилгани туфайли улар кенг қилиб тикилган. Байрамга мўлжалланган чопонлар ёрқин рангли бўлган. Маросим чопонлари ёрқин ва йирик гулли хонаки шойи ёки Хитой ва Россиядан келтирилган бекасаба нимшойи матодан, адрас ёки зарбоф матодан тикилган. Бекасаба турли рангли узун чизикли матодир. Оддий тоифадаги одамлар киядиган чопонлар қалами матосидан тайёрланган. Бухоро чопонлари ижтимоий даражадан қатъи назар, коваксимон ёқа қисми, трапеца шаклли кенг енларга эга бўлган. Уларнинг қулфаги бўлмаган. Ёқа, этак, енг қисми ва четларига ингичка жўяк тикилган. Дин вакиллари кийимига кўра аҳолининг бошқа қисмидан ажралиб турган. Жумладан, улар оқ докадан тайёрланган катта салла ўраган ва оқ-кумуш рангли нимшойидан тикилган банорас чопон кийган. Шундай чопон Бухородаги Ситораи Моҳи Хоса мажмуасида сақланмоқда.

Амир ва унинг амалдорларига тегишли зардўзи чопонлар барчани лол қолдирган. Темурийлар ва Шайбонийлар даврида йўлга қўйилган зардўзлик санъати XIX – XX аср бошларида гуллаб-яшнаган. Ҳунармандликнинг ушбу тури билан эркаклар шуғулланган. Энг яхши зардўзлар Аркдаги сарой устахонларида жам бўлган эди. Тилла ва кумуш рангли иплар дастлаб Ҳиндистон ва Эрондан, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб эса Россиядан келтирилган. Зардўзи чопонлари олий навли бахмалдан бўртма гул солиниб, тикилган. Зардўзи чопон матолари ва безаклари шу ернинг ўзида ишлаб чиқарилар ва Россия, Фарбий Европа, Эрон, Туркия, Сурия, Франция каби мамлакатлардан келтирилар эди. Яшил, кўк, бинафша ранг, олча ранг, қизил рангли духобада зарли нақшлар ял-ял товланиб турган. Кашта калечатун деб

номланган зарҳал металл ип ёрдамида ҳосил қилинган. Металл ипдан ташқари эшилган ва эшилмаган шойи, духоба ва шойидан тайёрланган аппликациялар, зарҳал ипдан тайёрланган куббадан фойдаланилган. Қимматбаҳо чопонларни безатишда олтин ёки кумушдан тайёрланган қадама безаклар ҳам ишлатилган. Ушбу безаклар чопонга алоҳида зеб бағишлаган.

Олтин ва кумуш иплар параллел каторлар билан мато устига теришиб, шойи ёки қоғоз иплар ёрдамида мустаҳкамланган. Дастлаб, алоҳида қисмлар тикилган. Барча қисмлар уланиб, адип тикилган. XIX асрда зардўзликнинг қуйидаги технологиялари мавжуд бўлган: 1) зардўзи-заминдўзи – зар билан яхлит кашта тикиш; 2) зардўзи-гулдўзи – қоғоздан қирқилган расм бўйича кашта тикиш; 3) зардўзи-гулдўзи-заминдўзи – дастлабки икки усулни уйғунлаштирувчи тикув техникаси; 4) зардўзи-беришимдўзи – курама тикув; 5) зардўзи-пулякчадўзи – зардўзи каштани тикилган зарлар билан уйғунлаштириш. Чопонга нақш беришда тўпбарггул, пальметкалар, туп, дарахт, дарахт шохлари, гул экилган туваклар, бодом, анор каби ўсимлик мотивларидан фойдаланилган. Геометрик нақшлар эса кам ишлатилган. XIX асрга келиб, зардўзлик композицияларининг асосий учта кўриниши – даукур, бутадор ва дарҳам юзага келди. Даукур композициясининг асосини зар билан тикилган *кур* хошияси ташкил қилган. Этак ва енгнинг чет қисми, эркаклар ва болалар, шунингдек, ҳарбий мундирнинг паст қисми ва белидаги медальонига *кур* хошияси тикилган. Чопоннинг қолган қисмлари эса каштадан холи бўлган. Хошия ўзига хослиги ва жимжимадорлиги билан нақш безакдан қисман ажралиб турган. Таук медальони– йирик бўлиб, унинг фони ўсимлик дунёси усулига оид тасвирлар билан тўлдирилган. Ҳарбий мундирларда калючи нақши баъзан айлана – нишон шаклида тикилган. Улар либос олд қисми пастки бурчаклари ва кўкрак қисмига (суратга қаранг) ёки қандайдир нақш кўриниши, масалан,

мажнунтол шаклида жойлаштирилган. Даукур усулида тикилган чопон накшлардан холи қисмлар кўплиги ва бой хошияси билан ажралиб турган¹⁰⁹.

Бутадор ёки гулдўзи композицияси либос матоси юзасига алоҳида безаклар, масалан, гуллаган дарахт шохлари накши туширилиши билан ажралиб турган. Тасвирлар ўзаро масофада жойлаштирилган. Дархам композициясида безаклар узвийлиги кўзга ташланади. Жумладан, безакнинг таркибий қисмлари бир-бирига уланиб, тўр шаклини ҳосил қилган. Барча ҳолатларда безаклар зех жияги билан хошияланган. Ўз навбатида, жияк ингичка кунгурали (тўлқинсимон) тасма – оби понча билан безатилиб, ички томони ранг-баранг тўрсимон маргула, седона, кунгри каби чоклар билан тикилган. Зардўзи чопонлар бошқа турдаги чопонлар каби хонаки ёки четдан келтирилган шойи астарли бўлган.

Ўзбекистон музейларида зардўзи чопонларнинг асосий техникаси ва композицион усуллари намоёниш этилган.

Бухоро амирлигининг бош кийимлари турфа эди. Шу ўринда кулоҳ атрофига ҳалқа қилиб ўралган оқ ёки рангли саллани таъкидлаш жоиз. Амир, сарой амалдорлари ва дин пешволари салла ўраган. А.Борнс куйидагича ёзган эди: «Амир оқ салла ўрайди. Баъзида саллага олмос билан безатилган пат(*жизга*) тақади. Бухоролик хунарманд ва савдогарлар кичик салладан фойдаланади. Катта саллани дин пешволари ўрайди»¹¹⁰. С.Айний оқ рангли салла шаклан шолғомга ўхшаганини ўринли таъкидлаган. Рангли кичкина салла – футалардан ҳар куни фойдаланилган. Алоҳида байрам тадбирлари ёки маросимларда оқ салла ўралган. Кулоҳни эса алоҳида кийиш мумкин эди. У алоҳида гардишга эга бўлмаган. Кулоҳ тўртта учбурчакли сегмент (карж)дан тикилган. Шакли ва мутаносиблигига қараб, чўзилган ёки айлана шаклда бўлиши мумкин эди. Зар иплар билан тикилган кулоҳлар жуда бежирим бўлган. Қишда конус шаклига эга баланд мўйнали телпак кийилган.

¹⁰⁹Гончарова П.А. “Бухоро зардўзлик санъати”. Т.,1986

¹¹⁰ Борнс А. Путешествие в Бухару // Звезда Востока. Ташкент, 1993. – №2

Тепаси зарбоф матодан тикилган мўйнали телпак кўркамлиги билан ажралиб турган. Бухородаги Ситораи Моҳи Хоса саройида амир жарчиси – удайчи (худайчи)нинг ўзига хос бош кийими сақланади. Оломон ичида удайчи ажралиб туриши керак эди. Шу боис, унинг бош кийими ноодатий бичим билан фарқланган. Жумладан, учли пешана ва гардан қисмларига эга гардишга тўртта тўғри бурчакли қисмлар ўзаро уланиб тикилган. Бунинг натижасида гардандан пастга тушиб турадиган уч бурчакли шакл юзага келган. Бош кийимнинг юза қисми зар ип билан заминдўзи-гулдўзи услубида безатилган.

Аҳолининг барча қатлами каллапўши дўпписини кийган. Шу боис, ушбу бош кийими кенг тарқалган эди. Каллапўши фўта салласи билан уйда ҳам кийилган. Бухорода эркаклар дўпписи айлана ёки бироз қиррали ясси шакли билан ажралиб турган. Дўппи кулоҳдан фарқли равишда гардишга эга бўлган. Унинг пастки қисмига жияк тикилган. Нақшлари одатда ўсимликлар ёки геометрик шаклда бўлган.

Музейларда асосан каллапўши зардўзи дўппилари сақланмоқда. Зардўзи дўппиларини безатишда зардўзликнинг барча машхур техникалари қўлланилган.

Байрам ёки маросим чопонларига белбоғ боғланган. Маълумки, белбоғ жасорат, мардлик ва обрў-эътибор рамзидир. Азалдан бухороликлар белбоғи дид билан безатилган. Ёзма манбалардаги маълумотларга кўра, араблар истилосига қадар деҳқонлар ва подшоҳлар авлодлари зарбоф белбоғ боғлаган. Бу анъана ўрта асрлар сўнггида ҳам сақлаб қолинган. Бухоронинг оддий аҳолиси матодан тайёрланган белбоғдан, ҳарбийлар ва аслзодалар чарм камардан фойдаланган. Амир камарбанди чарм ёки майин кимхоб, баъзан зарбоф бўлиб, кумуш ёки олтиндан ясалган қадама безак билан безатилган. Камар йирик нақшли, қимматбаҳо тошлар, қора кумуш билан безатилган, тилла суви зарҳалли кумуш тўқага тақилган. Кумушдан тайёрланган, феруза ва қимматбаҳо тошлар билан моҳирона безатилган Бухоро камарлари заргарлик санъатининг ўзига хос буюми бўлган. Айни

пайтда бало-казолардан асраш вазифасини ҳам ўтаган. Қадимий ривоятларга кўра, кумуш захар кучини кесиб, ёвуз руҳларни ҳайдаган ва покликни сақлаган. Бухоролик усталар эркакларнинг анъанавий байрам чопонлари учун йирик нақшли, қимматбаҳо тош ва кора кумуш билан безатилган тўқали камарлар тайёрлаган. Баъзан камарга айлана ёки жимжимадор медальонлар кадаб чиқилган. Энг қиммат камарлар нафис нақшли, қайрилган заргарлик пластинкаларидан ташкил топган.

Пойабзал либосларнинг ажралмас бўлаги сифатида Бухоро либосларининг муҳим таркибий қисми бўлган. Анъанавий либосларнинг ранглар мажмуи, ўзига хос орнаментал мотивлари каби ўзига хос хусусиятлари пойабзал ташқи кўриниши ва безагига таъсир кўрсатган. Бошқа хонликларда бўлгани каби Бухоро амирлигида ҳам этик, маҳси ва кавуш кийилган. Бироқ Бухоро пойабзали яхлит либос мажмуи каби бежиримлиги ва яхлит ёрқин ранглари билан ажралиб турган. Амир ва сарой амалдорлари энг сара навли теридан тайёрланган пойабзал кийган.

Пойабзални ҳашамдор қилиб безатиш бухороликларнинг қадимий анъанаси эди. Наршаҳийнинг ёзишича, “шаҳарни араблар истило қилган пайтда аскарлар Бухоро маликасининг бир оёғидан бошмоқ ва пайпоқни тортиб олади. Бошмоқ ва пайпоқ олтиндан тайёрланган, қимматбаҳо тошлар билан безатилган эди. Ушбу оёқ кийими 200 минг дирҳамга баҳоланган”.

Амир ва аслзодалар кундалик турмушда тепа қисми учли, пошнасиз юмшоқ тагчармли ёки кичкина пошнали маҳси кийган. Эркаклар маҳсиси аёлларникига қараганда баландроқ бўлган. Маҳси қўнжи рангли силлик духобадан тикилган. Маҳси асосан заминдўзи техникаси асосида ўсимликлар тасвири акс эттирилган кизил, олачипор ёки зардўзи нақшлар билан безатилган. Маҳси қимматбаҳо чопон, бош кийими ва зардўзлик усулида тикилган шим билан ҳукмдор образини яратган. Адрас ва бошқа маҳаллий матолар маҳсига астар вазифасини ўтаган. Одатда маҳси учи қайрилган ва кичик пошнали зардўзи ёки чарм кавуш билан кийилган. Бинога киришда кавуш ечилган.

Бухоролик эркаклар от минганда сарик рангли чармли узун ёки кўнжга ёпишиб турадиган замшдан тайёрланган баланд этик кийган. Замш этикларнинг юқори қисмига оч рангли теридан учли тиззабанд тикилган. Этикларнинг учи қайрилган ва пошнаси қиррали бўлган. Тагчарми майда михлар билан қопланган. Бундай кўнжи калта, мустаҳкам пошнали, учи қайрилган, тагчарми майда михлар билан қопланган этик кийган эркак тасвири миниатюралар ва XV – XVIII асрлар сайёҳларининг хабарларидан маълум. С.Айний эсдаликларида қуйидагича қайд этилади: “улар баланд пошнали кўнжи узун этик кийган. Этик пошнаси учи жуда ингичка бўлган. Ҳатто пошнанинг учи катта мих қалпоқчасидан тайёрланган”.

Камбағаллар ёзда оёқ яланг юрган. Қишда ўйиб ишланган уч нишли пойабзалдан фойдаланилган. Улар ёмғирли хаво ва сирпанчикда бардошли бўлган.

Аёллар либоси. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида бухоролик аёлларнинг либослари зийнатли ва кўп қаватли бўлган. А.Борнс аёлларнинг кийими эркакларникидан жуда кам фарқланишини таъкидлаб, шундай ёзади: “улар худди шундай пўстин кияди. Фақат улар энгларни киймасдан, орқадан тугиб қўйиши билан фарқланади. Улар ҳатто уйларида ҳам жимжимадор безатилган баланд бахмал этик кияди”¹¹¹. Бухоро аёллари либосларининг ташқи кўриниши бошқа худудларга қараганда кўпроқ шариат меъёрлари билан белгиланган. Унга кўра, либос тана тузилишини яққол намоён этиши керак эди. Аёллар ранг-баранг шойидан тайёрланган кенг либослари-ю турфа рангли рўмоллари, заргарлик буюмлари билан ёрқин таассурот қолдирган. Аслзода аёллар ва амирнинг хотинлари либоси зардўзи кашта билан бежирим безатилар эди. Бухоролик аёллар ёрқин рангли матолардан фойдаланиш, қимматбаҳо буюмлар билан зеб бериш, қошини бўяш ва кўзига сурма тортишни, юзни оқартириш ва қизартиришни хуш

¹¹¹ Борнс А. Путешествие в Бухару // Звезда Востока. Ташкент, 1993. – №2.

кўрган. А.Борнс Бухорода аёллар тишларини қора бўёқ билан бўяши, сочини ўриб, кокилларини елкага ташлаб юришини қайд этган.

Аёллар либоси мажмуи эркакларникига ўхшаса-да, чопонларнинг ўзига хос турлари (калтача ва паранжи) мавжуд эди. Чопоннинг мазкур турлари аёллар либосига хосдир. Аёлларнинг курта кўйлаги ёш тоифасидан катъи назар, кифтаки курта (қизларнинг горизонтал ёқали кўйлаги) ва куртаи пешкушо (турмушга чиққан аёлларники) деб номланган. Моддий аҳволдан келиб чиққан ҳолда, бир пайтнинг ўзида икки-учта кўйлак кийиш мумкин бўлган. Оқ хомсурпдан тикилган ички ва ранг-баранг хонаки шойи, чет элдан келтирилган зарбоф, бахмал каби матолардан тайёрланган ташқи кўйлакни кийиш мажбурий эди. Бухоро аёллари кўйлаклари икки қисмли кенг бичими, трапециясимон ён қисмлари, кенг ва тўғри бурчакли узун енглари билан ажралиб турган. Айниқса, тўй кўйлаklarининг енглари жуда узун бўлган. Ички оқ кўйлаklarнинг енглари ҳам узун бўлган. Енгларнинг учига ёрқин рангли кашта тикилган. Енгларнинг умумий узунлиги уч метргача етиши мумкин бўлган. Айни пайтда кўйлакнинг умумий узунлиги тўпикқача бўлиб, оёқ кийими кўриниб турган. XIX асрнинг иккинчи ярми ва сўнггида аёлларнинг ички кўйлаги ёқа қисми учбурчак ёки қарийб коваксимон шаклда тор бўлиб, турлича безатилган. Оддий кўйлаklar матолари қайтарилиб тикилган. Унга нисбатан чиройли бўлган кўйлаklar тепа қисмига гултўрли бошқа мато тикилган. Унинг четига турли шаклдаги – тўғри бурчакли (плиссе)дан тортиб майда бурмалар уланган. Ёқа қисмини ҳам фабрикада тайёрланган майда фестонли (кунгурали) тасма билан безатиш мумкин бўлган.

XIX асрнинг 80 йиллари охири ва 90 йиллари бошларида вертикал қирқимли кўйлаklar билан бир қаторда тик ёқа ва планкали (нўғой ёқали) кўйлаklar пайдо бўлди. Тик ёқага бурма тикиш ҳам урфга кирди. Фото ва музей тўпламлари XIX аср охирларида Бухоро воҳаси худудларида ушбу бичимдаги кўйлаklar кенг тарқалганидан далолат беради.

XIX аср ўртаси ва охирларида амир ва сарой амалдорлари хотинларининг устки кўйлаклари вертикал қирқимини шойи ёки зар иплар билан чиройли накшлар солиб тўкилган жияк – пешкурт билан безатилган. У олинадиган бўлиб, узунлиги 110-120, эни 8-10 сантиметрни ташкил этган ва узунасига марказ бўйлаб кесилган. Четлари бирлаштирилиб, ички томондан ёқанинг чети ва кўкрак қисмидаги вертикал қирқимга чатиб қўйилган. Тўкилган ва зардўзи пешкурт накшларида чизиқли, айлана, тўғри бурчакли, ромб, учбурчак, трапеция каби геометрик элементлардан фойдаланилган. Шунингдек, гуллар, барглар, новдача каби ўсимлик мотивлари ҳам ишлатилган. Кўпинча геометрик мотивлар ўсимлик ёки зооморфизм мотивлар билан уйғунлаштирилган. Пешкурт эстетик завқ билан бир қаторда бало-қазолардан асраш вазифасини ҳам бажарган. Пешкуртдаги турфа зарли кашталар кўйлақларга алоҳида рангдорлик бахш этган.

Лозим ёки пойчомалар бичимига кўра эркаклар шимига ўхшаш бўлган. Аммо матоси ва беаги билан ажралиб турган. Пойчома чети зех ва почка жияги билан безатилган. Анъанага кўра, лозимнинг тепа қисми анча оддий матодан, кўйлақдан кўриниб туриши мумкин бўлган пастки қисми эса кимматбаҳо мато (чет эл шойиси ёки парчадан) тикилган.

Чопонлар аёлларнинг устки кийими вазифасини ўтаган. Аёллар оддий чопонлар билан бир қаторда аёлларга хос бўлган калтача ва паранжи кийган. Улар турли матолар – кўлда тўкилган маҳаллий абрбанд шойи, маҳаллий ва чет эл духобаси, парчадан тикилган. Оддий аёлларнинг калтача ва паранжиси адрасдан тайёрланган. Калтача оддий чопондан фарқ қилган. Унинг ёқа қисми сезиларли ўйилиб, кулфаги бўлмаган ва енг остида бурмаси мавжуд эди. Бурма белни яққол намоён этиб, қадди-қоматга аёллик назокатини бахш этган. Калтача енглари калта бўлган. Чунки бошқа кийимларнинг енглари кўриниб туриши керак эди. Калтача – бу даврда Ўзбекистонда тарқалган мунисак, мурсак каби аёлларнинг қадимий устки кийимлари номидир. Бухоро миниатюраларидаги тасвирларга кўра, мазкур либос XVI асрда аёлларнинг ўзига хос устки кийими сифатида пайдо бўлган. Бу ушбу даврдан

либослар жинсга караб фарклана бошлаганидан далолат беради. XVII асрда унинг узунлиги соннинг ўрта қисмигача бўлган, кейинчалик XIX асрда эса калтача тўпикқача тушган. Шойи, духоба ёки зардўзи калтачалари эркаклар чопони каби техник усулларда безатилгани айниқса ёш аёлларга ўзгача кўрк бағишлаган, уларни янада гўзал кўрсатган. Аёллар уйдан ташқарида паранжи ёпинган. Бухоро паранжиси кенг ва узун бўлиб, чачвонга ҳам эга эди. Дастлаб, паранжининг ранги бошқа кийимларга нисбатан анча сипо бўлган. У парпашша ёки олача нимшойи матосидан тикилган. XIX аср охирларидан эса рангли чет эл бахмали ва парчадан тикила бошланган. Амирнинг хотинлари зардўзи паранжи ёпинган.

Аёллар бош кийими. Ҳарамдаги аёллар XIX – XX аср бошларида асосан зар иплар билан тикилган калтапўшак деб номланган бош кийими кийган. У олд гардиш, чуқур ва тўғри бурчакли узун, икки томони очик қопчиқдан иборат эди. Қопчиқдан соч ўтказилган. Калтапўшакнинг устидан рўмол ташланган. Рўмол устидан ўсимликлар ва геометрик шаклли зарҳал нақшлар туширилган пешонабанд боғланган. Пешонабанд устидан эса зар билан тўқилган шойи ридо рўмоли ташланган. Ридо учбурчак шаклга эга бўлган. У афғон рўмолининг диагонал бўйича икки қисмга бўлиб тайёрланган. Боғич пастроқ, юмшоқ бўлиб, бошга маҳкам ёпишиб турган.

XIX аср охирида мансабдор шахсларнинг хотинлари ва қизлари гардиши қундуз мўйнали, тепаси чўққили ёки айлана зардўзи телпак кийган. телпак ўша даврнинг энг қимматбаҳо кийимлари сирасига кирган. Телпакнинг усти силлиқ бахмалдан тайёрланиб, юзаси заминдўзи усулида турли ўсимликлар нақши билан безатилган. Калтапўшак ҳам қизларнинг бош кийими ҳисобланган. Лекин қизларнинг калтапўшагида соч тушириладиган қопчиқ йўқ эди.

Аёллар пойабзали паст кўнжи, нафис кашталари билан ажралиб турган. Бежирим кавушлар олд қисми зар иплар билан безатилган, охирчўпи паст ва баъзан четларига жияк тикилган бўлган.

Заргарлик безаклари. Кумуш ёки олтиндан тайёрланган безаклар барча ёшдаги бухоролик аёллар либосларининг зарурий қўшимчаси сифатида хизмат қилган. Қадимдан Бухорода заргарлик безакларини ишлаб чиқариш хунармандликнинг алоҳида тармоғини ташкил этиб, жамиятнинг зеб-зийнат ва бойликка интилишини акс эттирган. Бугунги Бухоро воҳаси ҳудудларидан топилган дастлабки заргарлик безаклари бронза даврига (эрамиздан аввалги II минг йиллик – I минг йиллик бошлари) мансубдир. XVI асрда шаҳарнинг марказий бозорида заргарларга Токи заргарон (заргарлар гумбази) деб номланган махсус жой ажратилган. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухорода заргарлик санъати равнақ топди. Бухоро заргарлик санъатида қадимий анъаналар ва ташқи таъсирлар синтези асосида ўзига хос усул яратилди. Сарой устахоналарида усталар асосан олтиндан турли буюмлар ясаган. Таъкидлаш лозимки, қадимдан олтин куёшнинг сеҳрли кучи ва эркаклар жасурлигининг, кумуш эса хотинлик бошланишининг тимсоли бўлган. Аёлларнинг тақинчоқлари 3-4 ёшдан то қаригунгача тақилган. Шаҳарлик келинлар тақинчоқлари хилма-хиллиги ва қиймати билан ажралиб турган. Уларнинг безаклари вазни 8 килограммгача етган. Заргарлик безаклари бошқа буюмлар сингари сулоланинг давомийлигини таъминлашга ёрдам бериши керак бўлган. Фарзандлар туғилганидан кейин безаклар сони камайиб борган. Бухоро аёллари либосларидаги зеб-зийнатлар безак, чалғитиш ва турли бало-қазолардан асраш вазифасини ўтаган. Безаклар жуда кўп бўлиб, фаровонлик рамзи сифатида тақиш шарт бўлган. Аммо кундалик либосда зеб-зийнатдан ҳаддан ташқари фойдаланилмаган. Тасаввурларга кўра, асраб-авайлаш қуввати юқори бўлган безаклар кўпроқ тақилган.

Тиллақош, чаккага тақиладиган моҳи тилло (бибишак) ва гажак, зебигардон ва нозигардон, барг, кундалсоз, ҳалқа каби сирғалар, узуклар, ислимий (шабак) усулида панжарасимон нақш солинган билагузуклар ва бошқа безаклар аёллар либослари тўпламига кирган. Мазкур зеб-зийнатлардан аксарияти, хусусан, тиллақош ва зебигардон Тошкент, Самарқанд ва бошқа йирик шаҳарларда тайёрланган. Чакка ва пешонага

тақиладиган ярим ой шаклидаги моҳи тилло қадимий аёллар салласига мўлжалланган. Ушбу безакнинг қадимий прототипи шундан далолат берадики, моҳи тиллода ҳосилдорлик маросимларига оид архаик белгилар акс эттирилган.

Кўкракка тақиладиган зебигардон марказий йирик медальон-кулон ва кўшимча тўғри бурчакли медальонлардан иборат мураккаб комплексни тақшил этади. Медальонлар бир неча қаторли нафис занжирлар билан ўзаро боғланган. Улар эмал, ярим қимматбаҳо тошлар ёки рангли шишалар, филигран, шокилалар билан безатилган. Айрим мутахассисларнинг фикрича, ҳинд анъаналари билан боғлиқ бўлган тиллақош ўзбеклар ва тожиклар ўртасида машҳур бўлган. Тошкент, Самарқанд ва Қўқон безакларига ўхшаган. Қора ипак боғичлардан ташкил топган чочпопук ва сочга кўшиб ўриладиган буюмлар аёллар либосининг ажралмас қисми бўлган. Чочпопукда ўрама, гумбазча шаклидаги нақшланган кумуш ва қора кумуш деталлар, маржонлар бўлган. Сочга тақиладиган бошқа бир безак тури туф, деб номланган. У қора шойи боғичлар тикилган ингичка йўл-йўл мато, майда мунчоқлар билан тугайдиган попук ва зарҳал шарчалардан иборат бўлган. Бу каби безаклар сочни бекитиш ва бошқаларнинг эътиборини тортмасликка мўлжалланган. Аёллар ёши, соч ўрими сони, маҳаллий урф-одатлардан қатъи назар, у ёки бу безакдан фойдаланилган.

Маржон бухоролик аёллар бўйнига мунтазам тақадиган безак эди. Йирик ва майда маржонлар бир неча ипга тизилиб, занжирсимон шаклда бирлаштирилади. Бухоро маржонлари сирғалар каби ярим шаффоф тошлари, доначалари, ғунча ёки донача шаклга эга понча шокиласи, панжарасимон катмола ва бозбандча мунчоқлари билан ажралиб турган.

Заргарлик буюмлари хилма-хиллиги ва техник ҳамда бадий усулларининг ўзига хослиги билан фарқ қилган. Усталар болғалаш, ўйиш, филигрань, саёз ва чуқур ўйиб нақш солиш, чизиш, сайқаллаш, олтин югуртириш, рангли сирлаш усулларидан кенг фойдаланган. Буюмларни безатишда ўсимликларнинг ислимий орнаментлари, геометрик нақшларинг

мутаносиб чизиқлари, зооморфизм мотивлар, хуснихат ёзувларида акс эттирилган шеърлар, маталлар, Қуръони карим суралари, эзгу тилаклардан фойдаланилган. Бежирим араб ёзувлари заргарлик буюмларига ўзгача ифода бахш этган. Эрон ферузаси ва сердолик анъанавий тош ҳисобланган. Мазкур тошларга Қуръони каримдан ҳикматли сўзлар, буюм эгасининг исми ва бошқа нарсалар ўйиб ёзилган. Қимматбаҳо заргарлик буюмларида ёқут, лаъл, нилум, зумрад, марварид каби қимматбаҳо тошлар ишлатилган. Сарой безакларида эса олмос ва бриллиантдан кенг фойдаланилган.

Қадимдан ҳар бир тош мўъжизавий маънога эга, деган тушунча-фикр илгари сурилган. Марварид шифобахш кучга эга, деб ҳисобланган. Бахт ва саломатлик олиб келадиган, хавф-хатарлардан асрайдиган, макр-хийланинг олдини оладиган ҳақиқ (сердолик) алоҳида қадрланган. Феруза кўриш қобилиятини яхшилаб, руҳни тетиклаштирган ва жангда ғалабага ундаган. Шарқда ханжар ва қилич соплари феруза тоши билан безатилган.

Бош, бўйин ва кўкракка тақиладиган зеб-зийнатларнинг барча тури тўй либоси тўпламига кирган. Чаккага тақиладиган бодом шакли гажак тақинчоғи кенг тарқалган. Бодом унумдорлик тимсоли саналган. Ковак найча ёки зулфитилло зулф билан гажакка тақилган.

Турли безак ва услубда тайёрланган узук ва билагузуклар аёлларнинг исталган, ҳатто оддий тақинчоқлар тўпамидан ўрин олган. Ривоятларга кўра, узук ва билагузук қўлни пок сақлаган. Узуклар фақат ўрта бармоққа тақилмаган, қолган бармоқларга тақиш мумкин эди. Ўн тўққизинчи аср охирларида Бухорода йирик тошли перстенлар тақилган. Хусусан, мовий смальта ва тошдан нақшланган, устки қисмида эгасининг исми ёки Қуръони карим ёзувлари ўйиб битилган узуклар шулар жумласидандир. XX аср бошларида Европа таъсири остида тошни ушлаб турадиган беш тирноқли перстенлар, тош чуқур жойлаштирилган қуйма узуклар пайдо бўлди. Қуйма узуклар кавказлик уста заргарлар томонидан тайёрланган. Анъанавий билагузуклар жуфт тақилган. Билагузуклар туташтирилган, илгакли ёки очик ингичка бўлган. Улар дастпона, шабака ўйма нақшлари билан безатилган.

Бешта чизикдан иборат нафис дастпона-панжара билагузуклари машхур бўлган. Бухорода уч, беш ва етти шокилали, айлана шаклли сирғалар анъанавий бўлган. Бухоролик заргарлар кашкли ва ярим қимматбаҳо тошлар терилган ёки томчисимон оддий болдоқларни ҳам тайёрлаган. XX аср бошларида Ўрта Осиёдаги аксарият халқларда бурунга тақиладиган сирғалар Бухорода тамомила фойдаланишдан чиқди.

Тумор ўзгача мўъжизавий хусусиятга эга деб ҳисобланган. Туморнинг бир неча тури мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири тананинг муайян қисмини химоя қилишга мўжалланган эди. Тўғри бурчак ва учбурчак шаклли туморлар кўкракни, бозбанд ва қўлтиқ тумор тананинг қўлтиқ қисмини химоя қилган. Хурофий афсоналарга кўра, қўлтиққа ҳам ёвуз кучлар зарар етказиши мумкин экан. XX аср бошларида Бухорода ёйсимон боло-абру беазаги урфга кирган.

Заргарлик безаклари либос, бош кийими ва пойабзал билан бирга Бухоро аёлларининг бетакрор қиёфасини яратган. Ҳар бир давлатнинг ўзига хос либослари мавжуд бўлганидек, Бухоро либослари ҳам ўзининг келиб чиқиш тарихи, номланиши ва албатта безакдорлиги билан ажралиб туради. Бухоро либослари бугунги кунда айрим ҳудудларида ўз анъаналарини сақлаб қолган.

2.2. Тошкент-Фарғона миллий либослари

Тошкент-Фарғона миллий либосларига нафақат иқлим шароити ва бой муносабатлари, балки унинг шаклланишига кўшни давлат маданияти таъсир этади. Унинг асосий шакллари ва алоҳида элементлари бир неча асрлар давомида шаклланган.

Маҳаллий миллат кийими эркакларининг кийимлари ўзига хослиги билан ажралиб туради. Уларнинг минтакаларга қараб фарқланиши ва хусусиятлари эса матосининг ранги ва кийиниши билан белгиланади¹¹².

Эркаклар куйлаги асосан бир хил тусдаги оқ матодан тикилиб, бу мато косиб дастгоҳида тўкилган. Эркаклар куйлаги узун, тиззадан пастга, кейинроқ эса белнинг ярмисигача тушадиган қилиб тикилган. Ёқаси эса икки хил андазага биноан бичилгаи. Фарғона водийсида узун, тик йирмоч-кийик жойи узунроқ мато бўлагидан бичилиб, бурчакма-бурчак қилиб, икки қийик кесилган ҳамда учлари кенг олиниб тикилган. Бошқа хил бичимдаги кўйлақларда йирмоч ётиқ у елкадан бу елкагача олинган. Фарғона водийси бу каби кўйлақларни “муллавачча” кўйлақ деб аташган. Баъзан ёқанинг четларига жияк ҳам тикилган. Нафақат Фарғона водийси ўзбеклари, балки Тошкент, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро ва Хоразм ўзбеклари ҳам кўпроқ ёқаси ётиқ кўйлақларни кийишган.

Тик ёқали кўйлақлар ҳам жуда кенг расм бўлган. Ёқанинг кўкрак қисмига тушадиган йирмочига икки буклаб тахланган планка тикилган. Бундай кўйлақларни болалар ва ўрта ёшдаги эркаклар кийишган. Зарафшон ҳавзасида яшовчи қипчоқлар тик ёқали кўйлақларни “қозоқи кўйлақ” деб аташган.

Яхтақлар олди очиқ учбурчак ёки горизантал очиқ бўлган. Булар кифтакли ёки муллача кўйлақлар деб номланган. Уни дин пешволари, мулла, эшон, масжид имомлари, мадраса толиблари ёки ёшлар ва болалар кийишган. Улар асосан хомсуруп, чит каби матолардан тикишган¹¹³. Ранглари асосан оқ, пушти, кулранг, кўк ва йўл-йўлли олача матоларидан бўлган. Кексалар ва ўрта ёшлилар яхтаги асосан оқ рангда бўлган, ёшлар асосан очиқ рангдаги яхтақларни кийишган. Бадавлат инсонларнинг либослар қимматбаҳо шойи ёки четдан келтирилган матолардан бўлган. Яхтақлар бўйин қисмида тўқима жияқлар тикилган. Ёш ва ўрта ёшли кишилар тиззага тушиб ёки тиззани

¹¹²Содиқова Н. Ўзбек миллий либослари XIX-XX асрлар”, –Т.: Шарқ, 2003. – Б. 25.

¹¹³Толстов С.П. Народы Средней Азии и Казахстан. – М.: Наука, 1963. – С. 90.

беркитиб турадиган узунликдаги, қариялар эса тўпикқача тушиб турадиган кўйлақларни кийишган.

Умуман, эркақларнинг устки кийим-кечаклари бир неча хил бўлган: пахтали кавима тўн ёки чопон, қавиксиз яхтак ёки авра тўн, кўлда тўқилган мовутдан чакмон, аврасиз пўстин, поча пўстин ва хоказолар. Бошдан-оёқ сарполар таркибига кўлбола ипгазлама ва нимшойидан тикилган қавима (олача, беқасам) тўн – чопон кийилган.

Фарғона водийсида, Тошкент ва Хоразмда гавдага ёпишиб турадиган сирма-кавима чопонлар кўпроқ расм бўлган. Қариялар учун ҳам айна шундай чопонлар тикилган. Буларни тикиш учун кўпинча қора сатин ёки кўк тусдаги сидирга ёхуд майда гулли сатин ишлатилган. Йигитлар киядиган чопонлар кўлда ёки фабрикада тўқилган йўл-йўл нимшойи беқасамдан тикилиб, “беқасам тўн” деб аталган. Астари одатда читдан бўлган, чопоннинг ўзи бошдан охиригача йирик қавиклар билан қавилган. Шу тарика енглари кўндалангига чоклаб чиқилган¹¹⁴.

Фарғона водийсида авратўн деб аталадиган ёзги тўн кийиш одат тусини олган бўлиб, уни кўлда тўқилган беқасамдан тикишиб, сирма-кавима чопон устидан белбоғсиз ҳам кийишган.

XIX аср ўрталари ва XX аср бошларида ўлканинг шаҳар ва қишлоқ маъмурлари орасида камзул (камзур) кийиш одат тусига кирди. Камзул ёқалари тик, буриқ баданга ёпишиб турадиган узун, белбурма оврупоча сюртукни эслатиб, ортида қийиқ жойи – йўрмочи, кайтарма ёқаси булмайдди. Камзул қора ранг матодан, аксар ҳолларда сатиндан ёки костюмбоп қалин ип газламадан тикилган, улар кўйлақ устидан ва чопон остидан, ёз фаслида эса тўн-чопонсиз ҳам кийиб юрилган.

Эркақларнинг кийим-кечаклари таркибида белбоғ алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Маҳаллий газмоллардан тикилган қўшоқлар, тўғри тўртбурчак шаклдаги рўмоллар, белбоғ, белқарс, кашталар билан безатилган чорсилар қийиқчалар жуда расм бўлган. Бадавлат кишилар, амалдорлар камар

¹¹⁴Содиқова Н. Ўзбек миллий либослари XIX-XX асрлар. – Т.: Шарқ, 2003. – Б. 27.

такишарди. Бундай камарлар баҳмаллардан кенг қилиб тайёрланиб, кумуш шокилдалар, нақшлар билан безатилган. Уларга залворли тўкалар ўрнатилиб, тўкаларнинг усти сирланиб, қора буёкка бўяб қўйилгаи. Маҳаллий заргарлар кўлидаи чиққан нақшинкор тағнишонлар кадалиб, зийнатланган. Хоразмда киш фаслида устки кийимлар устидан узунлиги ўн бир метргача етадиган, ип газлама ёки ипакдан ишланган ўрама белбоғ боғлаб юришган.

Дўппилар муайян минтақаларда, кишиларнинг ёшига қараб турлича бўлган. Масалан, эркаклар, аёллар, болалар, жумладан, ўғил болалар, киз болалар, эмизикли гўдаклар, чоллар ва кампирлар ўзларига хос бош кийим кийишган. Дўппилар учи чўкки, конус шаклида, ярим кубба, таги ясси, думалок, тўртбурчак, чорси шаклида тикилиб, ипак заррин ип, кумуш иплар билан кашта тикиб безатилган. Бу дўппилар қора сатиндан, баҳмалдан тикилган. Уларнинг шакли дастлаб чўкқисимон, гардишида кенг тасмаси бўлиб, устидан салла ўрашга мосланган эди¹¹⁵. Қора тагликка кашта тикиш асосан Тошкентда, кейинчалик Фарғонада XIX аср охири XX аср бошларида пайдо бўлди, чунки бу пайтда Россиядан Марказий Осиёга кўплаб қора рангдаги газмоллар келтирила бошланиб, танлаш учун кенг имконият берган эди.

Кейинги даврларда дўппиларнинг шакли ўзгариб, юқори кисми думалок ёки тўртбурчак шаклини олди, гардишидаги қизаги торрок қилинадиган бўлиб колди. Фарғона водийсида чуств дўппилари кийиш расм бўлди, уларнинг қора тусдаги матоси узра оқ ип билан қалампир ёки бодом шакли тикилиб, кизаги қатор меҳробсимон нақшлар билан безатилган.

Эркакларнинг маҳсиси аёлларнинг худди шундай пойабзалидан кўнжи узунлиги билан ажралиб турган. Куннинг иссиқ фаслларида эса кавушнинг ўзи кийилган. Бундан ташқари баланд пошнаи, чармдан тайёрланган этикларни ҳам кийиш расм бўлган. Қишлоқ жойларда пойабзаллар одмирок бўлган. Этик билан бир қаторда чориқ деб номланган

¹¹⁵БогословскаяИ., Левтеева И. Тубетейки Узбекистана XIX –XX веков. – Т.: mega BASIM, 2007. – Б. 25.

оёқ кийимидан ҳам фойдаланишган. Чорик кўнжсиз, ярим очик кўриниши кўполроқ бўлиб, яхлит хом теридан тайёрланган, юза қисмига гир айлана килиб чарм боғич ўтказилган, борич бакуват бўлиши учун от ёки туя терисидан тайёрланган. Баҳясиз калта этиклар одатда юмшок ёки каттик чармдан ишланиб, пошнаси бўлган. Айрим жойларда бу каби этикларни “тош-товон” деб аташган. Қиш фаслида, айниқса, ёғингарчилик пайтларида кишлоқ жойларда жаккар кавуш ёки товулдирик – уч оёқли ёғоч бошмоқлар тагига похол ёки жун патак солиб кийилган. Шунингдек кўй терисидан мўйнаси ичига қаратиб, тўпикқача тушадиган маҳси кийиш ҳам расм бўлган. Ўтмишдан бизнинг кунларимизгача миллий пойабзалларнинг турли хиллари, нафис намуналари сақланиб қолган бўлиб, уларнинг рангоранг ипак иплар, зардўзи кашталар билан безатилган намуналари ўзбек хунармандларининг гўзал санъат эгаси эканлигидан далолат бериб туради.

Қадимдан Тошкент-Фарғона аёлларнинг анъанавий ички кийими тўникасимон кўйлак ва лозимдан иборат бўлиб, кўйлакнинг шакли тўғри, баъзан этаги кенгайган бўлиб, узунлиги тўпигигача эди. Қизлар кўйлагида ёқа кўндаланг қилиниб, четлари бошқа рангдаги мато ёки тасма билан тикиб чиқиларди ва ўша матодан тайёрланган тасма билан боғланарди ёки битта тугма билан қадаб кўйиларди.

Турмушга чиққан аёллар эса вертикал кесимли кўйлакларни кийишарди. Кесим кўкрагини ўртасидан узунлиги тахминан 25 см қилиниб, тасмалар билан боғланар, битта тугма ёки тўғнағич билан қадаларди. XIX асрнинг охирларида қирқилган кокеткали кўйлак — *кўкракбурма кўйлак* пайдо бўлди. Бу кўйлак аср давомида тўникасимон бичимнинг ривожланиши натижасида келиб чикди. Кўйлак сербурмаланган гавда қисми, елкаси қия бичилган кокетка, ўтказма енг ва ёқа қисмлардан иборат эди. Ушбу кўйлак кейинчалик аёллар гардеробида барқарор ўрнашиб, аёллар миллий костюмининг асоси бўлиб қолди. Шулар қаторда тўникасимон бичимли, тик ёқали ва енглари манжетли кўйлаklar ҳам кенг тарқалганди.

Уй ичида битта ва совуқ кунларда иккита кўйлак кийиларди. Байрам кунлари аҳолининг таниқли, бой табакаларидан бўлган аёллар устма-уст учта кўйлакни кийишарди. Бунда учала кўйлакнинг энглари бир хил кенгликда, лекин ҳар хил узунликда бўлиб, биринма-кетин кўриниб турарди.

XX асрнинг 80-йилларига келиб Тошкентда тик ёкали кўйлаklar пайдо бўлган ва урфга кирган. Бу либослар бичимлари бизларда татарлар модаси таъсирида юзага келган. Яна бир мунча вақт белбурма кўйлаklar ҳам урфга кирган. XX асрнинг 90-йилларига келиб кичик какеткали кўкракбурмали, кайтарма ёкаликўйлаklar урфга кирган. Бу каби кўйлаklarни катта ёшли аёллар унча ёқтирмаганлар, лекин вақт ўтиши билан ҳаммага ёқиб, миллий либос сифатида қабул қилиниб ҳозирги кунга қадар кийиб келинмоқда.

Фарғона аёлларининг устки кийимлари пешвон, мурсак, тўн ва чўпон, XX аср бошларига келиб эса бешбел, камзул ва нимчалар пайдо бўла бошлаган. Аёллар бу либосларни йилнинг исталган пайтида кийишлари мумкин бўлган.

Аёллар либосининг иккинчи асосий қисми – *лозим*. Лозим белдан юқори қисмида ўтказилган иштонбоғ ёрдамида ушлаб турилади. Одатда лозимларни икки хил матодан: пастки қисмини, яъни кўйлақдан кўринадиган қисмини, анча қиммат ва чиройли матолардан, юқори қисмини эса (тахминан бўкса ўртасидан белигача қисмини) арзонроқ ва оддийроқ матодан тикиларди. Иштонни учи тўқилган ва кашта қилинган тор тасма “*жияк*” билан безалган, унинг учлари попуқни ҳосил қиларди. Лозимнинг узунлиги ва кенглиги турлича бўлган.

Аёллар устки кийимига қавилган пахтали чопонлар киради. Улар эркаклар чопонидан бирмунча фарқланиб, тўникасимон бичимли эди. Аёллар чопонларининг ёқа ўмизлари очик ва кенг бўлган, улар баҳяланмаган, адипи бир-бирига кирмаганди. Эркаклар чопонига қараганда энглари бирмунча калтароқ ва кенгроқ бўлган. Аёлларнинг махсус устки кийими бўлган чопон “*мурсак*” Ўзбекистонда кенг тарқалганди. У Тошкентда – мурсак

Самарқандда – мунисак, калтача, Фарғонада – мунисак, мунсак Бухоро ва Шаҳрисабзда – калтача деб аталади. Мурсак ёнига тикиладиган кийиклар ёрдамида кенгаярди, ёнларида эса энг остидан сермайда бурмалар, этагининг ёнларида кесимлар қилинарди. Мурсаклар астарли қилиниб қавиларди, кишки мурсакка эса юпка қатлам пахта қуйиларди. Россиядан Ўрта Осиёга кийимнинг янги тури – “камзол” (*камзур, камзул, пешмет*) кириб кела бошлади. Бу белига сал ёпишиб турган, калта ва тор ўтказма энгли, қайтарма ёқали, ёнларида ва кўкрагида чўнтак қилинган устки кийим бўлган. Кўпинча камзоллар товланиб турувчи йўл-йўл бекасамдан ёки рангли духоба, бахмал ва бошқа матолардан тикиларди¹¹⁶.

Шу даврда калта энгсиз кийим “нимча” (Тошкентда) ва “камзур” (Фарғона водийда) пайдо бўлганди. Уни камзул остидан ёки кўйлак устидан кийишарди. Нимчани тўқ бахмал ёки духобадан тикишарди, қизларники эса қора сатиндан қилиниб, етагида кашта тикиларди. Нимча миллий костюмнинг зарур қисмларидан бири бўлган. Шаҳарлик ва бой қишлоқ, аёллари паранжи кийишарди. У катта ва кенг чопон бўлган, узун ва тор сохта энглари “сочвоқ” оркага ташланиб, учлари бир-бири билан бириктирилганди. Паранжи аёлни жуссасини бошидан товонигача беркитиб турарди, юзини тўғри тўртбурчакли от қилидан тўқилган “чачвон” (“чимбат”) билан беркитишарди. Чачвоннинг чегаралари қора мато билан тикиларди, баъзан у занжир кашта билан ёки машинада тикилган нақш билан безатиларди. Чачвонга эса кўз тегмаслик мақсадида рангли кўзмунчокларни тикиб қуйишарди.

Ўзбек аёллари кийим-кечагининг таркибий қисмларидан бири бош кийимидир. Энг анъанавий бош кийим – жуда хилма-хил услубда ўраладиган чорси, яъни тўғри бурчак шаклидаги рўмолдир.

Ёш қизлар асосан дўппи кийишган. Қадимда дўппи ўрнига қалпоқча кийиб, устидан рўмол ёки дастор ўрашган. Қалпоқчалар қўлта ёхуд қийиғич деб аталиб, гардиши юмшоқроқ матодан энли, пешонани сиқиб турадиган

¹¹⁶Содиқова Н. Ўзбек миллий либослари XIX-XX асрлар. – Т.: Шарқ, 2003. – Б. 32.

килиб тикилган. Қадимги қалпоқчаларнинг учида узун, тўғри бурчакли мато бўлаги билан бирга думалок шаклда очик жой қолдирилган, кўпгина ўзбек киз-жувонлари унинг атрофини чоклаб тикиб, копча орасидан сочларини ўтказиб-тушириб куйишган. Хонлар саройида ёхуд бой-бадавлат хонадонларнинг аёллари асосан зар иплар билан гул солинган калтапўшак кийиши асримиз бошларигача давом этиб, кейинчалик гул тикилган дўппилар кийиш расм бўлган.

Қадим замонларда аёллар бош кийимидан яна бири салла – дастор ўраш расм бўлган. Аммо Самарканд шаҳрида XIX аср ўрталарида, Тошкент ва Андижон вилоятларида эса ўтган асрнинг сўнгги чорагидаёқ дастор ўраш одат бўлмайд қолган эди.

Фақат кекса авлод аёллари дока рўмол ўраб, учларини икки елка ортига ташлаб куйишади. Фарғона водийсида рўмолнинг алоҳида бир тури расм бўлган, у чорси шаклида бўлиб, учлари бурчакма-бурчак қилиб тахланиб, бошга ўралиб, устидан қорамтир тусдаги дуррача ташланган. Дуррача пешонага тақилиб, учлари гарданда кесиштирилади ва яна пешона устига ўтказиб боғланади, қорамтир рўмол орасига қистириб куйилади. Сўнг шу рўмол устидан бир парча мато – дока боғланиб, учлари орқага боғланади.

Маҳаллий аҳоли турмушида заргарлик буюмларининг аҳамияти катта бўлиб, шу зеб-зийнатлар соҳибалари ва уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий ўрни ҳамда мавқеи кай даражада эканлиги кўриниб тўрган. Бундан ташқари бадий жихатдан қандай қимматбаҳо тошлар билан безатилгани, қайси моҳир усталар томонидан ясалганлигига қараб ҳам баҳоланган. Марварид ва ноёб тошлар билан безатилган зеб-зийнатлар асосан аслзодалар, хон ва амирлар саройи аъёнлари учун ишланган. Ўртаҳол аҳоли табақалари орасида кўпроқ кумуш суви юритилган, ранго-ранг тош ва шишачалар билан безатиладиган тақинчоклар расм бўлган. Камбағаллар кумуш, мис, биринж ва шишалардан ишланган заргарлик буюмларини тақибган. Энг оммавий равишда тарқалган зийнатлар асосан кумушдан ясалган.

Заб-зийнатлар турли техник усуллар қўлланилиб ясалган: олтин, кумуш, мис, калайи, жез каби хомашё маъданларни эритиш ва қуйиш (табанак), хойис болға билан болғалаш (хоискори), қолиплаш (колипаки), (шабака), майда-нозик ишларни бажариш (рахқори), зиғирак ва ҳоказо.

Заргарлик буюмларини жимжимадор уйма нақшлар (кандакори), шакллар (чизма) билан беаганлар. Гулнақшлар ва улар атрофига қора кумуш суви ёки мийно эмалини бир текис суртиб, жило берганлар. Узук, зирак тиллақош, зебигардон ва бошқаларга феруза, маржон, садаф, ёкут, зумрад, дур кабилардан кўз солганлар, бундай кўзлар ўрнига кўпинча шиша ва маржон, рангдор ойна ҳамда майда мунчоқларни ҳам ўрнатишган.

Бухоро, Хива, Қўқон, Самарканд, Шаҳрисабз, Карши, Марғилон, Тошкент, Наманган, Андижон каби шаҳарларда яшаб, ижод этган моҳир заргарлар ўз нафис буюмларини ўша даврларда расм бўлган намуна – андозалар асосида истеъмолчиларнинг буюртмаларидан келиб чиқиб ясаганлар. Маҳаллий ҳалк усталари ижодида қўшни мамлакатлар билан маданий-иқтисодий алоқалар ва мазкур ўлкаларда яшаган усталарнинг тажрибаси акс этган. Улар нафакат аёллар учун, балки бу нафис хунармандчилик қадрига етадиган юксак дидли кишилар учун тинимсиз меҳнат қилиб, чинакам санъат асарларини яратганлар.

Аёллар пойабзали хилма-хилдир. Улар кўчага пошнаси юмшоқ кунжи узун маҳси-калиш кийиб чиққанлар. Бойроқ аёллар чармга ироқи кашта тикилган маҳси ва кавуш кийишган. Айрим жойларда қиш фаслида ёғоч кавуш кийилган.

Маросимлар кийими туй ва мотам кийимларидан иборат. Туй кийимлари албатта оқ рангда бўлиши керак, чунки бу ранг бахт-саодат тимсоли ҳисобланган. Шу сабабли ип газламадан маҳсус оппоқ либос тикилган, унинг бичими узун олиниб, этаклари тўпикқача тушиб турган, ёқалари замонавий услубда, енглари эса кенг ва бармоқларни ёпиб турадиган даражада узун бўлган. Бу каби оппоқ келин либоси ҳозиргача расм бўлиб

келаётир. Келиннинг пойабзаллари анъанавий маҳси, туфли ҳамда кавушдан иборат бўлган.

Тўй кийимлари келин-куёвларнинг қайси ижтимоий табакага мансублигига қараб тикилган. Камбағалроқ оилалар сарполарни кўпроқ кўлда тўкилган ип газламалардан, бойроқ хонадонлар эса нимшойи, ипак бошқа мамлакатлардан келтирилган фарангий матолардан тиктиришган¹¹⁷.

Ўзбекларнинг мотам маъракаларида киядиган уст-бошлари, асосан, аёлларга мўлжалланган, эркакларда махсус таъзия кийими бўлмасада, белга белбоғ боғлаб, бошга дўппи кийиб туришган. Агар оилада бирон-бир яқин қариндош вафот этса, аёллар уч кун ичида ўзлари кўк ёки қора тусдаги матолардан кўйлак тикиб олишган. Азанинг тўртинчи куни мана шу мотам кийимни кийиш маросими ўтказилиб, суюқ таом тарқатилган. Мазкур кун “кўк кийди” деб номланган. Иримига кўра мотам либосларининг энг ва этак учлари чокланмаган бўлади. Орадан йил ўтиб, кўк кўйлақлар ечилиб, оқ кўйлақлар кийиш маросими – “оқ кийди” уюштирилган. Фарғона водийларида таъзия кунлари аёллар мурсак кийиб, белбоғ боғлашган. Ҳозирги пайтда мурсак вафот қилган кишининг тобути устига ёпиб қуйилади. Самарканд, Бухоро вилоятларида мотам маросимида аёлларга оқ кўйлак кийиш ва оқ рўмол ўраш расм бўлган.

Янги туғилган чақалоқнинг умрида биринчи кийими “чилла кўйлак” деб номланиб, у ип газламадан тикилар ва қирқ кун мобайнида, яъни гўдакнинг чилласи чиққунига қадар кийдирилган. Чилла кўйлак ёқасиз (ёқалилари оз булсада, учраб туради), ўнг ёки чап елка томони қийилган бўлади. Чақалоқнинг нозик баданига заррача шикаст етказмаслик учун этаги ва енглари чокланмайди. Ундан ташқари одатга кўра, шундай кўйлакча кийган фарзанд кетидан яна бошқалари туғилади, деган иримга риоя қилинади, сўнг дуолар ўқилади. Чақалоқнинг чилласи чиққач, унга аввалгиси қаби тугмасиз яхтакча кийдирилади, бунинг ҳам енглари тўғри ва кенг қилиб бичилади, олди тарафи бутунлай қийилган бўлади. Кўпчилик оилаларда

¹¹⁷Содиқова Н. Ўзбек миллий либослари XIX-XX асрлар. – Т.: Шарқ, 2003. – Б.38.

боланинг боши сиғадиган даражада, ётиқ ва учбурчак шаклида ёқа кийилади. Енглари яхлит тарзда бичилиб, кўлтиқ ости ва елка қисмлари ҳаммавақт бус-бутун мато бўлагидан тикилади, яъни чоки бўлмайди. Уч-турт ёшдаги ўғил, қиз болаларнинг кўйлакчалари бир хил бичилади. Ёқаси тик турадиган “қозоқи кўйлаклар” тикилади. Буларнинг елка қисми узунасига тўғри бичилиб, чокланиб, ёнлари учи томон торайиб боради, ёқаси кўшиб тикилиб, ётиқ шаклда йирмочи бўлади, унга мағиз қилинади. Етти-саккиз ёшларидан бошлаб болалар катталар кийимига ўхшатиб бичилган кийим-кечакларни қия бошлайдилар.

Қиз болалар одатда этаги тўпикқача тушадиган кўйлак ва узун иштио киядилар. Болалар иштони қуйи қисмигача, тахминан болдир ўртасигача кенг бичилиб, пастки қисмига борич ўтказилади. Қиз болаларнинг устки ва ички кийимлари кўпинча бир хил, қизил ёки тўқ қизил тусдаги газламалардан иборат бўлган. Бош кийими – дўппи эса кашталар билан чиройли қилиб безатилган. Ўғил ва қиз болалар ўн ёшдан ошганларидан кейин ёқаси ётиқ кийилган кифтаки кўйлакларда юрганлар, буларни ўғил болалар ўн олти-йигирма ёшгача, қиз болалар эса то турмушга чиққунларига қадар кийишган.

Болалар иссиқ кийими сирасига кирадиганлари орасида нимча билан камзулни алоҳида кўрсатиб ўтиш жоиздир. Нимча билан камзулни баҳор, куз ойларида асосан кечқурунлари ва қиш фаслида кийишган, шунингдек, калтароқ қавима пахтали, гуппича ҳамда ёқаси ётиқ жун астарли кўйлаклар ҳам расм бўлган. Бунинг ичидан эса газламадан тикилиб, тиззагача тушиб турган кўйлак кийишган, у гуппича учун ўзига хос астарлик кийим саналган. Гуппича устидаи пахтали қавима тўн ёхуд астарли, ёқаси очик тўн ҳам кийишган. Бўйи ўсганда ҳам кийсин, деб тўнни боланинг бўйи-бастидан узунроқ бичишган, дастлабки вақтда у оёқларнинг устини ёпиб тўрган.

Бола атак-чечак қила бошлагач, кўйлаги ёки бирон-бир устки кийими устидан белбоғ боғлаб кўйишган.

Устки кийимларни ифлос бўлишдан саклаш учун 3-4 ёшгача болалар бўйнига “ошхўрак” деб аталган ва кўпроқ кўкракни ёпиб турадиган фартуклар кийдиришган.

Қавима пахтали дўппи (тахя), укпарлар, попуқлар билан безатилган калпоқча (дўппи), болалар бош кийимлари сирасига киради.

XX аср бошларида қизлар киядиган камзул ва астарли нимча – камзулчалар расм бўла бошлайди. Уларнинг юқори қисми бахмал ёки духобадан, баъзан ипак беқасам ёки одми ип газламалардан тикилган¹¹⁸.

Усти нафис газмолдан тикилганлари эса юпқа юмшоқ пахта билан қавилган. Буларнинг елка қисми чокланиб, ўйма ўмизи тугмалар ва уйма илмоқлар бўлади. Қавима тўн ёки чопон болалар қишда киядиган устки кийимлардир. Бу фаслда улар бошларига қавима қалпоқ (тумок), муйнали телпак кийганлар ёхуд дўппилари устидан қийиқча ва белқарс боғлаб олганлар.

2.3. Хоразм миллий либослари

Хоразм Ўрта Осиёдаги қадимий маданият масканидир. Амударё этакларида жойлашган Хоразмнинг ўзига хос маданияти милоддан аввалги IV-III асрлардаёқ маҳаллий маданият билан кўшни давлатлар маданиятини уйғунлаштириш асосида шаклланган. Хоразм худудида қадимдан турли уруғ-қабилалар яшаб келган.

Г.П.Снесарёв XIX – XX аср бршларида тузган харитага кўра, Хоразм аҳолисини ўзбеклар (улар кипчоқ гуруҳига мансуб, буни уруғ-қабил ва кипчоқ шеvasи тасдиқлайди) ва ўғиз лаҳжасида сўзлашадиган ўзбеклар ташкил этади. Шунга кўра анъанавий аёллар кийимини ҳам икки турга бўлиш мумкин:

- 1) Хоразмнинг жанубий туманлардаги аёллар либоси;
- 2) Хоразмнинг шимолий туманлардаги аёллар либоси.

¹¹⁸Содиқова Н. Ўзбек миллий либослари XIX-XX асрлар. – Т.: Шарқ, 2003. – Б.22.

Хоразм аёллари либоси Ўзбекистоннинг бошқа худудларида яшайдиган аёллар либосидан безаклари ва бош кийимининг ўзига хослиги, кадимги хусусиятларини сақлаб қолганлиги, ранглар мутаносиблиги, каштасиз эканлиги каби жиҳатлар билан ажралиб туради. Хоразм аёллар анъанавий либослари гуйнак, иштон, устки кийимлар – юпка пахта солиб қавилган елак, мисак ва калин чопон, паранжи ва жегде, бош кийимлар таҳя (қалпоқ), лачак, бош ўров ва пойабзал – махси, ковуш кабилардан ташкил топган.

Хоразм аёлларининг эски бичимдаги кўйлаги узун ва кенг бўлиб, у Бухоро ва Самарқанда аёлларининг икки қаватли (ички ва устки)кўйлагидан бир қаватдан иборат эканлиги билан фарқ қилади. Кўйлакнинг узун ва кенг энги бир томони озроқ кийшайтириб олиниб, матонинг бўйламасига бармоқлар учини ёпиб турадиган қилиб тикилган. Шунингдек, аёллар кўйлагининг энги бир оз қалтароқ ва билакка томон қисқариб борадиган бичимда ҳам тикилган. Хоразм аёллар кўйлагининг барча бичимларида олд томонининг учбурчакли ёки вертикал кесмали бўйин ўймаси жуда чуқур бўлиб, баъзан белгача тушиб турган. Кўйлакнинг ёқаси ва ўймаси қора жияк-тасма билан хошияланган. XIX асрнинг 80-йилларида тик ёқали (“ит ёқа”, “бўғмак”) ва ёқаси вертикал кесмали кўйлак тури пайдо бўлган. Кўйлак устки кийимларни тикиш учун ҳам маҳаллий, ҳам четдан келтирилган шойи, канавиз, олача, мата сингари газламалардан фойдаланилган.¹¹⁹

XX аср бошларида Хоразмда шойи тўқиш асосан Хива, Хонқа ва Дургадик қишлоғида ривожланган. 1903 йилда Хивада 40 та, Хонқада 20 та, Дурагдикда 10 та тўқимачилик дастгоҳлари бўлган.

Хоразм аёллари либосининг безак ечими ўзининг мўътадил ранглар гаммаси ҳамда матонинг деярли гулсизлиги билан ажралиб турган.

XVII асрда Хивага келган рус элчиси астраханлик дворянин Иван Федотовнинг қайд қилишича, Хоразмда гулсиз шойи ва пахт матолари ишлаб

¹¹⁹ Бинафша Нодир. XIX аср охири – XX аср боши Хоразм аёллари анъанавий либослари // Санъат. – Тошкент, 2009. – № 4. – Б. 19.

чиқарилган; шойи ва бўз, занданачи матолари бу ерда оддий, гулсиз тайёрланади”. Гулсиз, бир хил рангдаги матодан тикилган кийимлар устилан нафис қилиб ишланган, шокиладор заргарлик буюмлари жуда чиройли кўриниб турган. Аёллар либоси асосан совуқ ва илиқ тусли қизил ва тўқ қизил рангда бўлган. Қизлар ва ёш жувонлар пушти-нопармон ёки оч қизил рангли 40 ва ундан катта ёшдаги аёллар тўқ қизил (олчаранг) ёки кўк тусли қизил-нопармон рангли, кампирлар эса оқ рангли матодан кўйлақ кийишган. Устки кийимлар учун олчаранг ва нопармон рангли бахмал ва бошқа жойлардан олиб келинган шойи ҳамда қизил, яшил, тўқ қизил ҳамда шуларга яқин ранглари уйғунлаштириш асосида вужудга келтирилган қизил-жигаррангйўл-йўл олача сингари матолардан фойдаланилган.

Хива Ўрта Осиёда тўн ишлаб чиқарувчи энг йирик марказлардан бири саналган. Бу ерла тайёрланган тўнлар юкори сифатли эканлиги билан ажралиб турган ва харидоргир бўлган. Пахта солиб қавилган этаги кенг мисак ва елак жанубий Хоразм аёлларининг устки кийими ҳисобланган. Улар орқадан олдинга ташлама қилиб тўғри матодан бичилган. Ён томонларига этакни кенгайтирувчи қўшимча мато тикилган. Бу устки кийимлар энгининг асоси кенг бўлиб, билакка қараб торайиб борган. Мисак ёки элак жуда майда қилиб қавилган, қавиқлар ораси 0,1-1 см бўлган. Тўн четига қизил ёки ёрқин пушти рангли жияк тикилган.

Чопон Хоразмнинг шимолий туманлари аёлларининг устки кийими бўлиб, у бичими жиҳатидан эркаклар чопонилан фарқ қилмайди. Фақатгина бичимининг кичиклиги ва энглари учининг ени (13-14 см) билан ажралиб туради. Хоразм аёллари, шунингдек, паранжи (жанубий туманлар) ва жегде (шимолий туманлар) кийиб юришган. Хоразм паранжисининг бошқа худудлардаги шу турдаги либосдан фарқ қилувчи энг муҳим жиҳатларидан бири, унинг узун қилиб тикилишидир. Аёллар бош кийими баландлиги сабабли улар паранжисининг узунлиги 170-180 см гача бўлган. Паранжининг жияк билан белга бириктириб қўйилган ёлғон энглари этаккача тушиб турган. Хоразмнинг шимолий худудлари аёллари паранжи ёпинмасдан бошига энгил

ва узун бўлмаган ёпинчиқ – жегде ташлаб юришган. Унинг бичими элакка ўхшаса-да, лекин қавилмаган ва астарсиз бўлган.

Хоразмнинг шимолий ва жанубий туманларидаги аёлларнинг бош кийимларида аҳолининг этник келиб чиқишига кўра бир қатор фарқли жихатлар мавжуд. Атрофига жияк тикилган қаттик гардиши юқорига қараб бир оз кенгайиб борадиган ясси, думалок, қавилган дўппи – тахя жанубий туманлар аёлларининг қизлик бош кийимидир. Қизлар тахяни дурра билан кийишган. Қизлар тахяси олти бурчакли кумуш бўлаклар –тахядўзи, тилларанг олтин тумор, осма безаклар – ҳақиқдўзи кабилар билан безатилган. Конус шаклли қавилган дўппи – чумакли тахя келин либосининг ажралмас қисми ҳисобланган. Тепа қисмини доира шаклида қискартириб бориш асносида дўппининг конус шаклида бўлишига эришилган. Бу бош кийимнинг қадимги намуналарида конус баландроқ бўлган.

Лачак энг асосий бош кийимларидан биридир. Уни аёллар бир-икки фарзандли бўлгач кийиб юришган. Бу бош кийим билан боғлиқ маросим лачак тўй деб юритилган. Лачак тахя ҳамда уни маҳкамлаш учун ёнларига иккита ип тикилган бош кийимдир. Иплар жағнинг тагидан ўтказиб боғлаб олинган. Тахя рўмолнинг кийиб олиган ва энига тикилган бир неча бўлақларидан иборат ички рўмол билан ёпилган. Жағнинг тагидан боғланадиган оқ боғламлар қат-қат тахланиб, икки учи тахяга қистириб қўйилган. Маҳаллий шойидан қилинган, хошияли, попукли, орқадан этак томон тушиб турувчи шарф кўринишидаги “дум” лачакнинг ўзига хос қисмидир. Бунинг учун шарқ энгакка томон йирик қатламларда букланган ва рўмоллар билан ўраб чиқилган тахя атрофидан бир неча маротаба айлантрилиб, учлари орқага ташлаб қўйилган. Шарфнинг букланган ва бош кийими бўйламасига қўйилган бўлаги тагига пахта тикиб қўйиб баланд қилиган.¹²⁰

¹²⁰ Бинафша Нодир. XIX аср охири – XX аср боши Хоразм аёллари анъанавий либослари // Санъат. – Тошкент, 2009. – № 4. – Б. 20.

Хоразмда асрлар давомида шаклланган ва турмуш тарзига сингиб кетган кийим-кечаклар билан боғлиқ урф-одат маросимлар сифатида яшаб келмоқда. Масалан, аёлларнинг бўз ёки докадан қилинган лачак кийиш аёлнинг бир ёш босқичидан иккинчисига ўтиш маросими махсус “лачак тўйи” деб аталиб ва у аёллар таҳя (тақия, дўппи) сининг лачак бош кийимига алмаштирилиши билан изоҳланади. Дастлаб бир фарзанд кўрган ёш аёлга – “ёш лачак”, кейин эса пайғамбар ёшига (63) етган кекса онахонларга оппоқ рангли докадан “қарри лачак” ўралган.

Лачак дамоқса, холава, манглайча деб номланувчи қисмлардан ташкил топган. Дамоксани ўрашда турли анъанавий кўшиқлар қуйланган ва аёлга ҳар хил тилаклар билдирилган. Лачак кийганда безак – тақинчоқлар ҳам тақилган. Улар орасида бойқуш патларидан бир қисми – юпар бўлиб, у икки тарафдан таҳя илиб қўйилган.¹²¹

Хоразмда бола туғилишида чақалоққа, никоҳ маросимида бўлғуси келинга ва мотам маросимида махсус кўйлак кийдирилган ва бу кўйлақлар ўзига хос умумийликка эга бўлган.

Чақалоқларнинг кўйлакчаси “чилла гўйнак” деб аталиб, чақалоқнинг киндиги тушган куни чўмилтириб кийдирилган. Чилла даври тугагандан сўнг кўйлакча ечилиб, чақалоққа янги кўйлакчалар кийдирилган. Яна болаларга назар-нафас, кўз тегмасин деган мақсадда бош кийимининг тепа қисмига гўзмунчок, тиканак (питанак), балиқ танглайи, илон бошининг суяги, давоча, қалампир ва туморлар ҳам қадалган.

Суннат тўйи, яъни фарзанд қўлини ҳаллолашдан уч кун олдин уйга ўйинчиқлар билан безатилган чаман (дарахт) илиб қўйилган. Суннат қилишдан олдин боланинг кокил сочи олинган, бу эса боланинг гўдакликдан ўсмирлик даврига қадам қўйганидан далолат берган. Суннат тўйида бола учун удумга кўра, сурпдан оқ ятак ва кенг оқ шалвар (иштон) тикиб берган.

Хоразмда куёв томондан келинга атаб юборилган кийим-бош, яъни сарполар бирма-бир кўрилган. Бу маросим гийим гўрди деб юритилган.

¹²¹ Нуруллаева Ш. Хоразм маросим кийимлари // Мозийдан садо. – Тошкент, 2011. – № 4. – Б. 31.

Умуман, тўйда куёв томонилан келин оиласининг ҳар бир оиласига атаб юбориладиган кийимлар гийит деб аталган.

Тўйдан бир кун аввал келин дугоналари йиғилишиб, кўлларига хина кўйиш маросими ўтказганлар ва бу мароим хина йақар, ётоқ тўйи деб номланган. Бундан ташқари, никоҳ тўйида гийим бичар (тўй куни оқ, гулли матодан келинга никоҳ кўйлаги тикиш), гуйнак кийди (келинга никоҳ куни кўйлак кийгизган ходима аёлга бериладиган сарпо ва бевосита ана шу маросим номи), пойандўз (чопон) олиш (куёв чимилдикка кираётганда куёв жўралардан бири унинг чопонини олиб қолиши), пойандўз (чопон) палов (тўйдан кейин куёв жўраларига зиёфат берган. Шундан кейин чопонни олган жўраси уни қайтарган) каби кичик-кичик маросимлар ҳам ўтказилган. Куёвнинг оёғи остига ташланадиган пойандўз (пояндоз)га кўйилган матодан чақалоққа илк кўйлак ҳам тикилган. Шунингдек, никоҳ куни келинни кўриш маросимида қариндош-уруғ, маҳалла аёллари келинни кўриш учун турли хил кийим ва матолар олиб келиб унинг бошига ташлаганлар ва бу маросим воҳада ҳозиргача “галин кўрар маросими” деб аталади.¹²²

Воҳада никоҳ тўйида куёв оила бошлиғи – эр бўлганлиги ва бели бақувват эканлигининг рамзи сифатида куёв жўралар унинг белига қаттиқ, чигал тугилган белбоғ боғлаганлар. Белбоғнинг ишонч рамзи эканини “белбоғ ечар” маросими ҳам тўла тасдиқлайди. Ана шу белбоғ тўйда янгалар томонидан ечилган. Халқимизда тугун магиясига ишонч кучли. Унга кўра тугун боғлиқлик, чигаллик, ноилажлик белгиси бўлиб, уни ечиш эса йўл олчилиши, мушкул аҳволдан халос бўлиш демакдир.

Мароисмларни бошқаришда аёллар орасида ходима аёл етакчилик қилган. Тўйдан олдин бўлдиган барча маросимлар: совчилик, “ўғри патир”, “эшик очар”, “улли патир”, “тўйлик галди”, “нон ёпар”, “йигит ёнғор” ва ниҳоят тўй мароисмлари шу ходима иштирокида ўтказилган. Тўйдан бир ҳафта олдин ходимага тўй бекаси томонидан сарполар бериб ясатилган, бошига лачак, белига белвоғ, ўнг кўлига оқ мато, чап кўлига қизил мато

¹²² Нуруллаева Ш. Хоразм маросим кийимлари // Мозийдан садо. – Тошкент, 2011. – № 4. – Б. 31.

боғланган. Бу иримга келиннинг қадами қутлуғ бўлсин, уй эгалари ҳам соғ, йўллари оқ-ойдин бўлсин, ҳеч қачон хору зор бўлишмасин, деган маънода амал қилинган.

Хоразмда ҳар бир хонадон эгаси 20 метрга яқин “буклам” ва 2-3 метр “бахамал”, шунингдек, битта янги ишлатилмаган кўрпа, битта қумғон сақлаб кўйишган. Воҳада қариялар “яхшилиқни ният қилдим, ёмонлик чиқса бахтимдан” деган ирим билан буларни “ўлимлик” деб аташган. Дафн маросимларида аёллар томонидан марҳум устига мато ташлаш удуми бўлиб, бу удум воҳада чит ташлаш маросими деб аталган.

Воҳада аза кийимлари оқ кўйлак ва оқ рўмолдан, айрим ҳолларда қора рангли чит, тез йиртиладиган матодан тикилган.

Аза либослари маълум вақт ўтгандан кейин ечилган, бу “йил тўлди”, “кўйлак йиртар” маросими ҳисобланган.

Даврлар ўтиши билан бу маросимлар мазмунан тобора ўзгариб, замон талабларига жавоб бермаган жиҳатлари эса халқ таомилидан чиқиб кетмоқда. Баъзилари эса замонавий тус олиб, янада такомиллашиб, аҳоли моддий маданиятининг янада бойишига ҳисса қўшмоқда.

Хоразм аёлларининг энг яхши кўрган тақинчоғи шокила бўлиб, у бир неча қисм – турли тусдаги эмал билан безатилган, қатор илмоқли тиллақош ҳамда ҳар хил узунликда икки ёки уч қатор маржон терилга, чакка, энгак, бўйин ва кўкракка тақиладиган тақинчоқлардан иборатдир. XIX аср охирига келиб, ушбу яхлит тақинчоқ қисмлари бир-биридан ажратилган. Лекин пешона чаккага тақиладиган тақинчоқлар сингари чакка-кўкракка тақиладиган тақинчоқлар ҳам шокила деб юритилаверган.

Амалда Хоразм тақинчоқлари туркман кумуш тақинчоқлари билан ўхшашдир. Хусусан такадўзи туркман тахясига ўхшайди. Кўплаб солинчоқлар осилиб турган думалоқ, тўртбурчак, олтибурчак ёки саккизбурчак тахтасимон ёки кубба шаклидаги бу тақинчоқ аёл жангичининг дубулғасига тақилган. Моҳиятан туркманча кўринишдаги дубулғага ўхшаш бўлсада, Хоразм тақинчоғида безак ўзгариши билан анъанавийликдан бир

мунча чекинганлик кузатилади. Натижада энди дубулғага ўхшамаган кўрбурчак тахтачалар пайдо бўлган.

Пешона такинчоқлари “манглайтузи” ёки “осматузи” безатилган шаклли пластинкадан иборат. Ҳар бир пластинка ўйма, кадама нақшлар, тилла суви билан безатилган. Бундай такинчоқлар “тилла баргак” номи билан Бухоро, Тошкент, Самарқандда ҳам маълум.¹²³

II боб бўйича хулоса

Ўзбек халқининг миллий кийимлари ҳам кўп асрлик тарихга эга бўлиб, анъанавий турмуш тарзи, табиий-географик муҳит ва хўжалик маданий анъаналар билан боғлиқ бўлган. Ўзбек халқининг асосий миллий кийимлари: эркакларда оқ ёки малла бўздан тикилган кўйлак, яктак, тўн, белбоғ, салла, махси, кавуш, этик; аёлларда – рўмол, кенгкўйлак, узунлозим, нимча, калтача, махси, кавуш. Бош кийимлардан – дўппи, кулоҳ, ислом давридан бошлаб унинг устидан сала ўралган, аслзодаларнинг бош кийимлари зарли ва кумуш иплар билан безатилган, пешона қисмига турли олмос, қимматбаҳо тошлардан ясалган тўғноғичлар қадалган. Қиш фаслида кулоҳ ёки бадавлат кишилар мўйнали телпаклар кийишган. Ўзбеклар орасида энг кўп тарқалган енгил бош кийими дўппидир. Дўппи, асосан, бахмал, сидирға шойи, сатин каби матоларга ип, ипак, зар билан кашта тикиб тайёрланган. Ўзбекистонда Чуст, Марғилон, Қўқон, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Бойсун, Шахрисабз дўппилари кенг тарқалган. Тошкент дўпписи сидирға кўк бахмалга тикилган. Оёқ кийимлари тагчарми юмшоқ бўлган узун, қўнжли, пошнаси, кавуш билан кийиладиган махси, ўзига тўқ одамлар орасида эса уч қисми кайрилган баланд пошнали этик кийиш урф бўлган. Аёллар бош кийим сифатида, асосан, рўмол ўраган. Ёши ва мавқеига, оилавий аҳволига қараб доқа рўмол, шолрўмол, ғижим рўмол ва бошқа ҳар хил рўмоллар ўралган (ўралиш усули ҳам турлича бўлган). Қизлар учун қулай бош кийими дўппи ҳисобланган.

¹²³Элмира Гул. Хоразм заргарлик санъати // Санъат. – Тошкент, 2002. – № 2. – Б. 14.

Тошкентда ироқи чоргул, Самарқандда йўрмадўзи, Андижонда мунчок гулли, Бухорода зардўзи, Қашқадарё, Сурхондарёда ироқи дўппилар машхур. Бош кийимлар устидан чиройли нақшлар билан безатилган тиллақошлар, бўйинга бўйинтумор, зебигардон, қўлга билагузук, узук, бурунга булоки ва бошқалар тақинчоқлар тақилган. Аёллар одми газмоллардан тикилган коматга ёпишиб, кўйлак этагидан бироз юқорирок турадиган авра астарли пахталик чопонлар ҳам кийишган.

III боб. XIX аср охири XX аср бошларида минтақамизда сақланиб қолган либосларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари

3.1. XIX аср охири XX аср бошларига оид ўзбек миллий либосларининг умумий хусусиятлари ва таснифи

Миллий либослар халқ маданияти ва унинг ўзига хослигининамоён килувчи асосий омилдир. Қадимда Ўзбекистон худудида аёлларнинг бош кийимсиз юриши кундалик ҳаётда кузатилмаган.

Бош кийимлар аёлларнинг ёшига, жамиятдаги мавқеи, ижтимоий аҳволига қараб фарқланган. Марказий Осиё аёллари орасида бош кийим кийиш ўзига хос маросим саналиб, у бир қанча босқичдан иборат бўлган. Аёллар мавқеи ёки оилавий ҳаёти ўзгариши туфайли бош кийимлар тури ва беаги (қизлар турмушга чиққанда, биринчи фарзан туғилганда, биринчи ўғил ёки биринчи набира суннат қилинганда) ўзгариб борган. Аёллар ҳаётидаги бундай воқеалар натижасида бош кийимларда ўзига хос безаклар, қўшимча белгилар пайдо бўлган.

Ўзбекистон худудида ёзнинг иссиқ ва қуруқ, қишнинг эса совуқ бўлиши туфайли бош кийимлар иқлимга мослаштирилган. Аёллар бош кийими уч қисмдан иборат бўлган: ичидан кийиладиган, белга қадар тушадиган қалпоқча, устидан даҳан ости билан ўралувчи ва бўйинни ёпиб

турувчи тўғри учбурчакли мато парчаси. Буларнинг устидан ёпиладигаркан ёки ўраладиган катта рўмол “чалма” деб номланган. “Рўмол” атамаси рўй – юз, мол – артгич, яъни юзини артувчи деб таърифланади.

Чалма ўзининг кўриниши ва шаклига кўра, худудига қараб ҳар хил бўлади. Баъзи жойларда катта тўртбурчак, бошқа жойларда эса узун кесилган оқ мато парчасидан тайёрланади. Эркаклар ва аёлларнинг чалмаси ўралиш усули билан фарқ қилади. Мато анъанага кўра, квадрат ёки тўғри тўртбурчак ҳолда, бошнинг усти бўйлаб гарданида боғланган. Чалмани узун ҳолда ўраш Бухоро, Самарқанд, Тошкентда кенг тарқалган. Квадрат шаклли чалма ўраш эса, қорақалпоқ ва туркманлар орасида учрайди.

Аёллар чалмаси оддий ва “қўй шохлари” деб аталувчи мураккаб нақшлар билан безатилган, узун цилиндр шаклидагиси ҳам мавжуд бўлиб, уни Бухоро аёллари XX аср бошларида ўраганлар.

Самарқандда аёллар белга қадар тушиб турган катта мато бўлагини бошга ташлаб юрганлар. Мато аёл танасини орқа тарафдан белга қадар, баъзи худудларда эса товонга қадар ёпиб турган бўлса ҳам юз қисми очиқ бўлган.

Аёллар дўппиларига орқасида белга қадар тушиб турувчи таги очиқ қопча уланган. У чочқоқ – яъни “соч учун қоп” деб аталган. Бухорода уни “калта пўшак” деб атайдилар. Бу қопчага аёлларнинг турмуш қурганлик белгиси – икки ўрим сочи киргизиб қўйилган. Ўтмишда аёлларнинг турмуш қурган ёки қурмаганлиги, уларнинг соч турмагидан билиш мумкин бўлган. Турмуш қурмаган қизлар сочини майда кокил қилганлар, бундай ўримларнинг сони 200 тага етган. Турмуш қуриш ёшига етган ёки ҳали фарзанд кўрмаган аёллар эса сочларини битта қилиб ўриб юрганлар. Қизларнинг бош кийимининг аёлларникига ўзгартирилиши Марказий Осиёнинг турли худудларида турли вақтларда, масалан, илк фарзанд туғилганда, Бухоро, Самарқанд вилоятларида эса биринчи фарзанди турмуш қурганда амалга оширилган. Лекин бош кийимини алмаштириш маросимининг кўп учрайдиган вақти бу – қизларнинг турмуш қуриб, никоҳ ўқилган куни ҳисобланади.

Бош кийимлар кийиш ҳақида навойшунос олим Хамидхон Исломий шундай дейди: “Туркий аёлларнинг бош кийим кийишларидаги мавжуд бўлган урф-одатлар араб ва форс аёллари урф-одатларидан фарқ қилади. Бундаги асосий фарқ, аёлларнинг юзини очик ва ёпик ҳолда саклашларида кўринади. Агар биз мамлакат ҳудудидан топилган деворий суратларга ёки ўрта асрлар миниатюра усулида ишланган расмларга эътибор қаратсак, уларда аёлларнинг юзлари очик ҳолда тасвирланганига гувоҳ бўламиз. Бош кийимни бундай кийиш усули, ҳудуд аёлларининг эркинлигидан ишора бўлган”.¹²⁴

Юзни беркитиш Шарқда, хусусан, Марказий Осиёда XV асрдан белгиланган ҳақида маълумотлар бор. XV асрга қадар аёллар юзлари очик ҳолда бош кийим кийганликлари тахмин қилинади. Юзни беркитиш учун аёллар чачвон, чашмбанддан фойдаланганлар. У отнинг думидан тайёрланган бўлиб, паранжи тагидан бошга кийилган. Паранжи эса форсча “Фаражи”, яъни кўйлак маъносини билдиради. Паранжи аёллар гавдасини яшириш учун ёпинчиқ вазифасини ўтай бошлади. Унинг безаги ва ранги турлича бўлган. Оч-қизил, пушти рангли паранжиларни ўсмир қизлар, тўқ қизил, қизил рангдагиларини турмуш қуриш ёшидаги қизлар, турли нақшлар билан безатилган, каштадан безаклар берилган паранжиларни янги тукқан келинлар, малла, яшил рангдагиларини ўрта ёшли аёллар, тўқ жигарранг, тўқ яшил рангдагиларини ёши катта аёллар, оқ рангдаги паранжиларни эса диний мавқега эга бўлган аёллар кийган. Паранжининг тор ва узун енглари турмуш қурган аёлларда бирлаштириб тикилган. Турмуш қурмаган аёллар паранжисининг енглари эса, бир-бирига бириктирилмаган ҳолда эркин турган.

Паранжи тарихи ҳақида турли илмий тадқиқотларда турлича фикр билдирилади. Жумладан, Ю.Ғайбуллаева паранжи (арабча фаражи – кенг кўйлак) – мусулмон аёллари ёпинчиғи бўлиб, чачвон билан бирга ансамбль

¹²⁴ Абдуллаева У. Аёллар бош кийими // Мозийдан садо. – Тошкент, 2011. – № 3. – Б. 42.

хосил қилган. Тадқиқотчиларнинг аниқлашича, паранжи Мисрда пайдо бўлиб, кейинчалик бошқа мамлакатларга таркаган¹²⁵, дея фикр билдиради.

Паранжининг бичими тўн шаклида бўлиб, елкадан пастга томон торайиб борувчи узун бандаги (енги) этакка яқин жойда бир-бирига чашиб бирлаштирилган. У аёллар гавдасини бошидан то оёғигача яширишга хизмат қилган. Аёл юзини эса от ёйилидан тўқилган қора, қалин, тўртбурчакли тўр чачвон – чиммат тўсиб турган. Чачвоннинг теграси одатда қора сатин билан хошияланган. Чачвон, ёки чиммат тутиш аслида Шарқ мамлакатларда кенг тарқалган юзни ёпиб юриш одатидан келиб чиққан.

Паранжи авра-астарли қилиб тикилган. Авраси бахмал, кимхоб, банорас, олача ва бошқа матолардан бўлган, теграси кашталанган ҳамда каштали жияклар тутиб безатилган, астарига чит ва сатин ишлатилган, четлари эса зангори, пушти ёки сидирға шойидан адип қилинган. Паранжининг икки ёни (чўнтак ўрни)га тик тушган 25 см узунликда иккита жияк туташтириб чатилган, жияк учидан попукчалар чиқарилган, баъзан кўнғироқчалар осилган.

Паранжининг ўтмишдоши фаражи эркакларнинг кийими ҳисобланган. Самарқанддаги Афросиёб шаҳарчасидан топилган террокотик ҳайкалчалар бунинг далили бўла олади. Қадим асосга эга бўлган паранжи даврлар ўтиши билан ўзгаришга учраб аёллар либосига айланган.

Ўзбекистон ҳудуди туманларида паранжилар ўзига хос, бир-биридан ажралиб турадиган белгиларга эга бўлган. Тошкент ва Фарғона паранжилари серхашам бўлиб, ипак кашталар билан ажралиб турган. Уларнинг бичиғи Самарқандникига ўхшаш, лекин ёқалари кенглиги билан фарқ қилган. Самарқанд паранжиси шакл жиҳатидан Қашқадарё эркаклар чопонларига ўхшаш бўлган. Бухоро паранжиси ёқасининг ярми қисқа шаклда тикилган. Бухоро ва Самарқандда паранжи қора ва гулли матолардан каштасиз тикилган, фақат четлари ва енглари жияклар билан безатилган, уларда қизил ва оқ ранг устунлик қилган. Қашқадарёда аёллар яна желак кийишган.

¹²⁵ Ғайбуллаева Ю. Паранжи тарихидан // Мозийдан садо. – Тошкент, 2011. – № 3. – Б. 42.

Желаклар ип-газламдан астарсиз тикилган. Қашқадарё ва Сурхондарё аёллари ёз мавсумида оқ ва рангдор желаклар кийишган.

Хоразмда паранжи таркиби шимолий ҳудудлардаги чит чакмон моделини ўзида мужассамлаштирган. Этаклари тўғрибурчак, енг узунлиги этакларигача етган. Хоразм паранжисининг бошқалардан фаркли яна бир томони унинг узунлигида (170-180 см) ва каштасиз тикилишида.

Ўзбекистон тарихи давлат музейи фондларида турли ҳудудларга тегишли бир неча паранжи сақланади. Тошкентда 1927 йили элшунос Е.М.Пешерова томонидан музей учун сотиб олинган паранжи ип-газлама мато – парпашшадан тайёрланган.

1935 йилда музейга халқ хўжалиги кўргазмасидан Қашқадарёга мунсуб икки паранжи берилган. Қалами бўздан тайёрланган бу паранжиларнинг ёқалари ва этакларига жияклар тикилган. Паранжининг таркибий қисми бўлган чачвонлар ҳам ўзининг бадий безаги билан эътиборни тортади.

Вақт ўтиши билан паранжи кундалик кийимдан маросим кийимига айланди. XX аср бошларидаги тўйларда куёв уйига келинни паранжида олиб боришган. Келин паранжида сўзана остида ўтирган ва шу ҳолда куёв уни гўшангага олиб кирган. Келинни куёв қариндошлари олдига келин саломга паранжида олиб чиқишган.

Биринчи ўғил фарзанд кўрилганда ўтказиладиган суннат тўйида саллабундон ёки салла пушон ўраш маросимида ҳам аёллар анъанавий либосда бўлишган.

Қадимдан аёлларнинг кийимлари аёлнинг диди, имкониятлари, касбу корига кўра, миллий анъанага мос, ўзига хос безак билан зийнатланган. Безаклар ниҳоятда ранг-баранг бўлган. Либосларни жияк, олд кашта, либос матосининг ўзига кашта тикиш, каштасимон чок тикиш орқали безатиш русум бўлган.

Содда ўрилган ва тўқилган шероз, жияк, чалма, тасма,ука,жияклар ҳаммабоп ва кенг тарқалган либос безаклари ҳисобланган. Жияклар

тайёрлаш усули ва беагига кўра содда, узунлиги тахминан ёқа йирмочи узунлигига тўғри келадиган иккита энсиз (1-2 см) текис ёки нақшли йўлакчадан иборат бўлган. Ўрма жияк кўлда ёки оддий дастгоҳда ўрилган. Тўқима жияк тўкилаётган арқоқ ипи билан маҳкамланган ёки тайёр ҳолатда тикилган. Тўқима жияк занжирсимон чок ёки курчмк билан тўқилган. 2-2,5 см энликдаги икки тор йўлакдан иборат бўлиб, улар келинчаклар либосининг тик йирмочи бўйлаб охиригача ва қизлар либосининг бўйлама йирмочига тикилган. Ёқасида тик йирмочли аёллар либоси учун мўлжалланган узунлиги 80-100 см, эни 4-5 см икки йўлак кўринишидаги кенг ва узун тикма жияк ҳам мавжуд бўлган. Тасма ёқа четига тикилган, йирсоч асоси бирлаштирилган ва деярли этаккача туширилган. Бундай кенг узун ва тик тасма пешкурта деб аталган. Пешкурта Бухоро либослари учун хос бўлиб, мураккаб нақш чапишмаси ёки хочсимон усулда ишланган.

Бўйлама ёқа йирмочи билан ёпишиб турадиган бичимли қизлар кўйлаги кўкракпеч – шоинак билан безатилган. Улар сияхдўзи чоки билан тикилиб 30-32x40-45 см матонинг тўртбурчак бўлагидан иборат бўлган. Шоинакнинг усти ёқа йирмочига қараб безатилиб, паси кўпинча кесма учбурчак шаклида тикилган. Бундай пешкурта ва шоинак XIX асрнинг охирида мавжуд бўлиб, XX асрнинг биринчи ярмида ҳам истеъмолда бўлган.

Шоинакни тикма пешкуртада тикишдан ташқари, либосларнинг ўзини ҳам кашта билан беаганлар. Гарчи қадимги намуналари бўлса-да, гул тикилган либослар кўпроқ кейинги даврларга тўғри келади. Гул тикиш қисман текис юзада ва қисман дока рўмоллар тикиш учун қўлланган тўқима тўрсимон гул усулида амалга оширилган. Ёқасида тик йирмочи бўлган баъъи либосларда гул тикиш 7 см тасма кўринишида кенг хоч сарапи усули билан амалга оширилган ва ёнлари хошияланган, пастдаги ёқа йирмочи бироз пешкуртани эслатади. Ёқаси бўйлама йирмочли қизлар либосида хочсимон ёқа елкага келиб уланувчи бурчаги пастга туширилган катта учбурчакда жамланган. Улар нақши келиб чиқишига кўра ниҳоятда қадимийдир.

Кўпроқ фабрикада ишлаб чиқарилган текис оқ, қизил, тўқ қизил пахта матоларидан тикилган либосларда гул тикиш гулдўзи усули билан амалга оширилган. Маълумотларга кўра фабрикада ишлаб чиқарилган матолар кенг қўлланилган. Бу чок 1920 йилларда пайдо бўлган. Бунгача эскича сияхдўзи чоки билан тикилган. XX асрда тўйларга деярли доим олдига ёппасига кашта тикилган кўйлак тайёрланарди. Тик йирмочли, тик ёки қайтарма ёқали узун кўйлақлар олдига ҳам тўла кашта тикилган. Барг шаклидаги нақшлар ҳам ниҳоятда кенг қўлланган. Бухорода байрам кўйлақларининг олди, этаги ва енглари кашта билан безатилган. Бухоро, Самарқанд, Панжикент, Ўратепа сўзанларига туширилган кашталар учун доира тўпбарггул шаклидаги безак хос бўлган. Либосларнинг нафақат олди, ён пешлари ҳамда орқа томонига ҳам кашта ишланган.

Зардўзи матосидан зардўзи-заминдўзи усули билан тикилган бухороча калтача ниҳоятда безакдор. Зар тархга кумушранг ўсимлик безаги тикилган. Безак гул, барг ва йирик лента безакли шохдан иборат. Тасвир чети бўйлаб ислими нақши билан ингичкароқ зардўзи юритиб чиқилган. Четларига (ёқа, йирмоч ва енг қайтармаси этакларига) тўқ қизил ипак ишлардан тўқилган чалма зех жияги тикилган, нақшлари оқ ва яшил рангда; четларида ёрқин мовий ва қизил энсиз хошия бор. Чалма зех эни 3 см, астари кўк ва пушти безакли ёрқин сариқ рангдаги абрли бухороча шойидан. Халатнинг ичкари томон четига қимматбаҳо, чиройли парчадан парвуз тикилган. Парвуз эни ҳар хил. Бичими анъанавий: бели тўғри, эни 30 см; устидан тор хошия тикилган (7 см); олд кўкракбурма икки қулфакдан иборат халатнинг олди очик. Икки ён томонлари қулфакдан иборат. Ён томонлари қўлтиғи чуқур бурмаларга йиғилган. Ёнларида безакдор попуқлар билан яқунланадиган йирмочлар (16 см гача) бор. Енглари тўғри ниҳоятда кенг тикилган, орқа билан чокида енг кенглини 80 см нгача етади. Умумий узунлиги 135 см, енг узунлиги 72 см, енг қайтармаси эни 44 см бўлган.¹²⁶

¹²⁶ Ғайбуллаева Ю. Аёллар кийим безаклари (XIX-XX асрлар) // Мозийдан садо. – Тошкент, 2016. – № 3. – Б. 42.

Дўппиларни безаш учун жиякдан фойдаланилган. У турли энда бўлиб, кўпинча дўппининг бутун чети эни ҳажмида тикиб қўйилган. Баъзан дўппининг жияк устидаги чети маржон ва нозик дид билан безатилган, унинг четига яна оқ матодан ярим доира фистонлар тикиб чиқилган.

Либосларнинг ажралмас кисми оёк кийимлар бўлиб улар ҳам иклим шароити, географик жойлашув ва рельеф, ижтимоий-иқтисодий аҳволдан келиб чиққан ҳолда минтакавий фарқли кўринишларга эга бўлган.

Пойабзал тайёрлаш санъати билан усталар шуғулланган. Пойабзал кўй (чарм), эчки (кайроқи, бўзи), хўкиз (булгар) каби ҳайвонлар терисидан чармгар кўнчилар тайёрланган материал – чармдан тикилган. Тошкентда, асосан Бешёғоч ва Себзор аҳолиси пойабзал тикиш билан шуғулланган. Улар тайёрлаган этиклар бошқа шаҳарларда ҳам харидоргир бўлган.

Кавуш кенг тарқалган эркаклар пойабзали бўлиб, ҳар бир ҳудудда ўзига хос тайёрланган. Тошкентда тикилган кавушлар баланд пошнали эканлиги, юқорига эгилган тумшуғи билан фарқланган. Мўкки, чорик этикларнинг туридир. Фарғонада малла этик ёки кўн этик деб аталадиган этик турлари бўлган. Улар жигарранг ёки сариқ рангларга бўялган қалин, аммо юмшоқ чармдан, баъзан ағдарма қилиб тикилган. Уларнинг баланд ва пошнаси ва шойи иплар билан тикилган гулчин охирчўпи бўлган. Бадавлат кишилар шундай этик кийишган. Байрамга борганда ёки улоқ мусобақасида бойваччалар қизил чармдан тикилган узун кўнжли кал ҳасани ёки булғори этик кийган. Уларнинг баланд пошнаси ва зар ип тикилган гаждуми каштаон гулчин охирчўпи бўлган. XX асрда этикдўзли хром, яъни қора чармдан қора этик тика бошладилар.

Шаҳар аҳолиси орасида маҳси-кавуш кенг тарқалган. Маҳси-кавуш гилам, шолча ёки кигиз ёзилган хонани тоза сақлаш мақсадида кийилади. Локланган амиркон чармидан тикилган маҳси-кавуш жуда қадрланган. Эркаклар маҳси-кавуш аёлларникига нисбатан узунроқ бўлган ва қаттиқроқ чармдан тайёрланади.

Қишлоқ жойларда этик билан бирга, хом теридан кўнжсиз қилиб тикилган ярим очик чорик ҳам кийилган. Чорик от ва туя терисидан тайёрланган. Чўл ва тоғларда яшовчи аҳоли асосан қадимий пойабзал турлари бўлган малла этик, мўкки, чорик кийиб юрган. У камбағаллар пойабзали бўлиб, уни ҳар қандай одам ўзи тиколган.

Тоштовон мўккига ўхшаш қалта этик бўлиб, у пишиқ чармдан, баъзан паст пошнали қилиб тикилган. Пошнасиз ва тумшуғи қайириб тикилган уюрма этик унинг бир туридир. Пойчаки пойабзали хом тери бўлагидан ташки чокли қилиб, кўнжи тизза баробар тикилади. Пойчаки узун ип билан тўпикдан боғланади.

Тоғдаги яйловларда чўпонлар уч оёқчали ёғоч бошмоқ – товулдирик кийиб юришган. У тош сўкмоқ ва кечувдан ўтиш учун қулай. Товулдирик ёмғирли кунларда уйда ҳам кийиб юрилади. Унинг тагига патак солган. Яланг оёққа ёки ағдарма ёхуд чарм маҳси билан кийиб юрилади.

Далада хўкиз ёки отнинг хом терисидан тикилган хом кавуш кийиб юрилади.

Аёллар пойабзалини ҳам этикдўз, махсидўз, кавушдўз усталар тикишади. Сарик ёки жигарранг чармдан тикилган ярим ёпиқ пойабзал – малла кавуш айллар пойабзалининг асосий туридир. Яшил рангли замш (кемухт)дан тикилган кўк кавуш анча сифатли. Бой хонадон аёллари, асосан, хром чармдан баланд пошнали қилиб тикилган нўғайка, ҳаққари ёки қора кавуш кийиб юрганлар. Кавуш пошнаси баландроқ, тумшуғи нисбатан учли қилиб тикилган. Тошкентда пошнаси паст, торт тумшукли пастрок гулчинли заифона кавуш кенг тарқалган. Ёзда кавуш яланг оёққа, куз ва баҳорда юмшоқ маҳси билан кийилган.

Шаҳарлик аёллар уйдан чиқаётганида бегона эркаклар нафақат унинг оёғи, балки лозими пойчаси ва жиягини ҳам кўрмаслиги учун, албатта, эчки терисидан тикилган қора маҳси кийиб олишган.

Ёш аёллар ва қизлар учун маҳси, нимчакма, баланд пошнали чакма, қора чармдан кавушлар тикилган.

Болалар кавуш, маҳси, этик, ичиги, мўкки, чориқ ва бошқа пойабзал кийиб юришган. Болалар учун тикилган мўккича баъзан попук билан безатилган. Болалар маҳсиси юмшоқ қизил-жигарранг чармдан тикилган. Бундай маҳсини тикадиган усталар бачканалар дейилган.

Сахтиён тайёрлаш усули эътиборни тортади. Бунинг учун от терисидан фойдаланилади. Тери махсус рамкага тортилиб, кигизга жойлаштирилади ва қизил тарик қатлами билан қопланади. Устидан кигиз парчаси билан беркитиб, тарик юмшатиш чарм устига босилади. Уч кунда – чарм қуригандан сўнг тарик олиб ташланиб, тери рамкада чиқарилиб, қиртишланади.

XX аср бошидан фабрикада ишлаб чиқарилган паст пошналар ва учли ёпик тумшукли резина қалишлар кавушларни сиқиб чиқара бошлаган. Рус фабрикалари уларни Ўрта Осиёда сотиш учун ишлаб чиқарган. Чарм кавушлар урф-одатлар билан боғлиқ либос таркибида сақланиб қолган.

Бухоро усталари тиккан юмшоқ зардўзи этик ва кавушлар жуда безакдорлиги билан эътиборини тортади. Улардаги безаклар рангли текис бахмалда алоҳида ажралиб туради ва ялтироқ тилларанг иплар зич қилиб тикилган ўсимли тасвирлари кўзга яққол ташланади. Этиклар астари маҳаллий матолардан ва патаги эса чармдан тикилган. Бундай пойабзални Бухоро амири ва унинг сарой аҳллари, бойлар кийишган.

Ироқи каштаси билан безатилган Шаҳрисабз пойабзали ўзига хослиги билан ажаралиб туради. Унинг майда ўсимлик шакллари ва ўзига рангли уйғунлигидаги этиклар астари ва пошнаси рангли чармдан тикилган.

3.2. Минтақамизда сақланиб қолган либосларнинг тарихий ва илмий аҳамияти

Миллий либос моддий маданиятнинг бир кўринишидир. Миллийликнинг ёрқин ранглари, маҳаллий тўқувчи устларнинг миллий анъаналар таъсирида ривожланган гўзал санъати, матолардаги бадий

безаклар ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос асрий анъаналари асосида либосда ўз аксини топади.

XIX аср охири XX аср бошлари ўзбек миллий либослари минтакавий типларини шакллантирган энг катта омиллардан бири бу ҳудудий омил ҳисобланади. Бевосита хонликлар давридаги ҳудудий алоҳидалик либослардаги ўзига хосликни шакллантиришга хизмат қилган.

Бундан ташқари Ўзбекистон ҳудудида турли маданиятлар уйғунлашган ҳудудлар ҳам мавжуд. Мазкур маданиятларнинг ўзаро уйғунлиги либосларга ҳам сезиларли таъсир кўрсатган. Бу Сурхон воҳаси либосларида яққол кўзга ташланади.

Сурхондарёнинг анаъанавий хотин-қизлар либоси рангининг ёрқинлиги билан ажралиб туради. Хотин-қизлар либосига қуйидагилар киради: ички ва ташқи кўйлак, чолвор, устки кийим, бош кийим ва тақинчоқлар.

Кундалик ва байрам кийимлари учун аёллар, маҳаллий, қўл-бола ип-газлама ва ярим шойи матолардан йўл-йўл олача, бўз, жанда ва ҳоказодан фойдаланганлар. Бойсунда олачанинг “норпўсти”, “қирмизи”, “мозори” ва “амири” номдаги турли хил навларини ишлаб чиқарганлар.

Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудлари каби XIX аср охири – XX аср бошларида Жанубий Сурхон воҳасида ҳам миллий ўзбек кийими деярли шаклланиб бўлган. Хотин-қизларнинг кийими ёшларига мос тикилиши, ранги, мато турига қараб фарқланган ва кўпроқ шойи, зарбоф, адрас, чит, сатин каби матолардан тайёрланган. Эркаклар кийими эса бўз, қалами, олача, йўл-йўл, тик, беқасам каби матолардан тикилган.

Аёлларнинг устки кийими “чопон” – қавилган ҳалат бўлган. Улар эркак чопонидан фарқли ўлароқ, очик ёқали ва енглари хийла калта қилиб бичилган.

Хотин-қизлар кийимлари учга бўлинган: қизлик даврида кийган ёқаси очикроқ кўйлак “кифтак”, келинлик пайти кийган кўйлакни “боғичи” кўйлак

деб юритганлар. Шунингдек, анъанага кўра қизлар турмушга чиққанларида, никоҳ кунлари ёки тўйдан сўнг учинчи куни кизлик кўйлақларини хотинлик кўйлақларига алмаштирганлар.

Хотин-қизларнинг кийимларидаги ўзига хослик, айникса, уларнинг бош кийимларида яққол кўзга ташланган. Дўппини, асосан, турмушга чиқмаган ёш қизлар айрим ҳоллардагина ёш келин ва хотинлар кийишган. Чекка попуги тўқ-қизил бойсуни, тўртбурчак ироқи дўппилар кийиш удум бўлган. Ўрта ва катта ёшдаги аёллар “култа” деб аталадиган бош кийим кийишган. Култанинг бошга кийиладиган жойи думалок, орқасига тушиб турадиган соч қолипи бўлган. Айрим жойларда уни кийгич деб аташган. Кийгични кўпроқ чорвадор кишлок аёллари кийишган бўлса, ўтроқ кишлок аёллари “касава” кийишган, у картон ёки бир неча хил матодан чамбарак шаклида тайёрланган ва ўрта қисми очик қолдирилган.

Хотин-қизларнинг ўзига хос бош кийимларидан яна бири “бош” ёки “салла” деб аталган. Бу бош кийимни асосан фарзанд кўрган қўнғирот аёллари кийишган. Аёллар бошларига аввал ярим дўппи шаклидаги кийгич кийиб, унинг устидан беш-етти метрлик салла ўрашган. Бу бош кийимнинг худди шу қисми “бош” деб аталиб, унинг устидан еттитадан тўққизтагача, тўққизтадан ўн биттагача (гоҳи ўн еттитагача) турли рангдаги ва номдаги матолардан тайёрланган учбурчакли ёки тўртбурчакли кийиклар ранги аниқ кўринадиган қилиб ўралган. Шунинг учун мазкур бош кийим “салла” деб ҳам юритилган. Бу бош кийим “чамбаршоҳ” деб аталган. “Бош” ёки “салла”нинг ораси, устки қисми очик қолдирилган, унга игна, ип, калит, пул, рўмолча, гугурт, курут ва ҳоказолар солинган. Мазкур бош кийим устидан учбурчак қилиб катта рўмол ўралган.

“Бош”, “салла” ва баъзан “такия” деб аталмиш бу бош кийимларнинг яна бир ўзига хослиги шундаки, улар оиланинг иқтисодий аҳволини ҳам акс эттирган. Шу боисдан бош кийимлар “бойбош” ва “камбағалбош” деб

ажратиб келинган. “Бойбош”га ниҳоятда катта ва хилма-хил рўмоллар ўралган. “Камбағалбош” га ўралган рўмоллар жуда оддий ва кам бўлган.¹²⁷

Бош кийимлар устидан ёпиниб юрадиган ёпинчиклар бўлган. Хотин-кизлар шароитга кўра, доимо бошларига бирор нарса – желак, жегда ташлаб юришган.

Аҳолининг тақинчоқ ва безакларида ҳам ўзига хос минтақавий ва маҳаллий белгиларни кўриш мумкин. Маҳаллий уста заргарлар турли-туман тақинчоқлар ва безаклар тайёрлаганлар.

Ўзбекистон ҳудудида сақланиб қолган XIX аср охири – XX аср бошларига оид миллий либосларнинг минтақавий типлари шаклланишига қуйидаги омиллар сабаб бўлган:

– худудий омил. Мазкур даврда хонликлар ва амирлик таркибида бўлган Ўзбекистон ҳудудидаги минтақавий бўлиниш;

– тарихий омил. Бунда миллий либосларнинг минтақавий типлари шаклланишида роль ўйнаган омиллар, шу ҳудудга хос либос типининг тарихий илдизлари тушунилади;

– иқтисодий омил. Бу омил деярли барча минтақаларда табақалашган либос турларини шакллантиришга олиб келган. Масалан, бойлар ва камбағаллар либослари;

– бир минтақада яшовчи аҳоли орасида турли миллат ва элатларнинг бўлиши ва уларнинг кийиниш маданиятининг ўзаро муносабатга киришиши;

– кўшни давлатлар аҳолиси либосларнинг минтақавий либос типларига таъсири;

– диний омил. Ислом дини анъаналари асосида миллий либослар ривожланган, аммо шунга қарамасдан турли ҳудудларда турлича кўринишда либос типлари шаклланишига диний омил катта роль ўйнаган. Асосан ўтроқ

¹²⁷Бинафша Нодир. XIX аср охири – XX аср бошларида Жанубий Сурхон воҳаси аҳолиси миллий либослари // Мозийдан садо. – Тошкент, 2003. – № 3-4. – Б. 71.

ва шаҳар аҳоли орасида аёллар паранжи ёпинишган бўлса, қишлоқ ва чорвадор халқ орасида желак ёпиниш расм бўлган;

– табиий-географик муҳит, иқлим шароити. Мазкур омил либосларнинг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган омиллардан бири саналади.

Ўзбекларнинг миллий либослардаги ўзига хослик аҳолининг ҳар бир катламининг ижтимоий шароитидан келиб чиққан ҳолда келтирилган. Бу аҳолининг бой катламига кирувчилар ва хунармандлар-фукороларнинг либослари ҳисобланади. Бундан ташқари либослар ёшига кўра: ёш келин-куёв, ўрта ёшдаги эркак ва аёл, кекса одамлар, эркаклар, аёллар ва болалар либослари каби турларга бўлинган.

Ўзбек халқининг миллий кийимлари ҳам кўп асрлик тарихга эга бўлиб, анъанавий турмуш тарзи, табиий-географик муҳит ва хўжалик маданий анъаналар билан боғлиқ бўлган. Ўзбек халқининг асосий миллий кийимлари: эркакларда оқ ёки малла бўздан тикилган кўйлак, яктак, тўн, белбоғ, салла, махси, кавуш, этик; аёлларда – рўмол, кенгкўйлак, узунлозим, нимча, калтача, махси, кавуш. Бош кийимлардан – дўппи, кулоҳ, ислом давридан бошлаб унинг устидан сала ўралган, аслзодаларнинг бош кийимлари зарли ва кумуш иплар билан безатилган, пешона қисмига турли олмос, қимматбаҳо тошлардан ясалган тўғноғичлар қадалган. Қиш фаслида кулоҳ ёки бадавлат кишилар мўйнали телпаклар кийишган. Ўзбеклар орасида энг кўп тарқалган енгил бош кийими дўппидир. Дўппи, асосан, бахмал, сидирға шойи, сатин каби матоларга ип, ипак, зар билан кашта тикиб тайёрланган. Ўзбекистонда Чуст, Марғилон, Қўқон, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Бойсун, Шаҳрисабз дўппилари кенг тарқалган. Тошкент дўпписи сидирға кўк бахмалга тикилган. Оёқ кийимлари тагчарми юмшоқ бўлган узун, кўнжли, пошнасиз, кавуш билан кийиладиган махси, ўзига тўқ одамлар орасида эса уч қисми қайрилган баланд пошнали этик кийиш урф бўлган. Аёллар бош кийим сифатида, асосан, рўмол ўраган. Ёши ва мавқеига, оилавий аҳволига қараб дока рўмол, шолрўмол, ғижим рўмол ва бошқа ҳар

хил рўмоллар ўралган (ўралиш усули ҳам турлича бўлган). Қизлар учун кулай бош кийими дўппи ҳисобланган. Тошкентда ироқи чоргул, Самаркандда йўрмадўзи, Андижонда мунчок гулли, Бухорода зардўзи, Қашқадарё, Сурхондарёда ироқи дўппилар машҳур. Бош кийимлар устидан чиройли нақшлар билан безатилган тиллақошлар, бўйинга бўйинтумор, зебигардон, қўлга билагузук, узук, бурунга булоқи ва бошқалар тақинчоқлар тақилган. Аёллар одми газмоллардан тикилган қоматга ёпишиб, кўйлак этагидан бироз юкорирок турадиган авра астарли пахталик чопонлар ҳам кийишган.

XIX аср охири XX аср бошлари ўзбек миллий либосларининг моддий маданиятнинг асосий қисми бўлиб, улардан шу халқнинг миллий хусусиятлари, маданий анъаналари ва бадиий диди намоён бўлади. Шу боисдан халқ кийим-кечаклари тарихини ўрганиш илмий жиҳатдан ҳам қатъан аҳамият касб этади. Миллий либослар тарихи инсон ҳаётининг бошқа бир қатор томонларини ўрганиш билан биргаликда олиб борилади. Халқ этнографик либосларини ўрганиш мазкур халқнинг бошқа қўшни халқлар билан ўзаро маданий-иқтисодий ҳамкорлигининг қай даражада борганлигини ҳам ўрганишига ёрдам беради. Бу эса ўз навбатида анъанавий халқ кийимлари билан қўшни халқлар кийимларидаги ўзаро таъсир, сингиб бориш жараёнларини билишга имкон яратади.

Ўзбек анъанавий кийимлари узок вақтлар давомида шаклланиб, у ёки бу халқнинг ташкил топиши, иқтисодий-ижтимоий шароити, анъаналари таъсирида ривож топиб келган. Бошқача айтганда, кийимлар узок тарихий-тадрижий йўлни босиб ўтган. Халқ турмушига мос, ишлаб чиқариш жараёнларига хос бўлган кийимлар даврдан-даврга ўтган сайин шаклланиб борган ва ниҳоят халқнинг анъанавий миллий кийимлари мажмуасига кирган. Шунингдек, миллий либослар давр тақозоси, талаби, кишиларнинг эстетик дид ва тушунчаларига қараб ўзгариб борган.

III боб бўйича хулоса

Халқ турмуш тарзининг ҳар қандай соҳаси каби ўзбек миллий кийимини ўрганиш этник тарихи ва маданияти, унинг бошқа халқлар билан ўзаро алоқаларини тадқиқ этиш билан чамбарчас боғлиқдир. У моддий ва маънавий ёдгорликлар ичида халқларнинг миллий ўзига хослигини акс эттирувчи ва этник белгиларини кўрсатувчидир. Кийимларда урф-одатлар, ижтимоий муносабатлар, мафкуранинг баъзи бир элементлари, диний эътиқод, нафосат ва эстетик нормалар ўз аксини топган. Бундан ташқари кийимларда инсон умрининг фасллари, у яшаган жой ва замон, хўжалик иш мавсумлари, ҳаётидаги қувончли ёки қайғули воқеалар намоён бўлади.

Бизгача етиб келган кийимлар XIX аср охири – XX аср бошларига таллукли бўлиб, қадимги даврларга оидлари сақланмаган, чунки кийим ва матолар моддий ёдгорликлар ичида доимий истеъмолда бўлган ва охиригача фойдаланилган.

XIX аср охири – XX аср бошлари ўзбек миллий либослари айрим тарихий ва иқтисодий ўзгаришлар таъсири остида ўзгариб борган, аммо ҳар бир минтақа ўзининг ўзига хос хусусиятларини сақлаб қолган.

XIX аср охири – XX аср бошлари ўзбек миллий либосларида минтақавий типлар орқали қатор фарқли хусусиятлар шаклланишига қарамай, миллий либосларнинг қатор ўхшаш томонлари ҳам мавжуд. Бундай анъанавий хусусиятлар аввало кийим-кечакларнинг матоларида, андозаларида, ранг-бўёқларида яққол кўзга ташланиб туради.

Кекса авлодга мансуб ўзбеклар миллий кийимларида ўзига хослик намуналари сақланиб қолган. Одатда ички кийимлар оқ рангда, устки кийимлар эса кўпроқ тўқ рангларда тайёрланган. Ҳозирги кунда анъанавий миллий кийимлар – тўн, махси-кавуш, докарўмол, тўрдан тўқилган дўппи, ироқи дўппиларни замонавий матолардан тайёрлаб кийиш расм бўлмоқда.

Хулоса

Хулоса килиб шуни таъкидлаш лозимки, XIX асрнинг охири – XX аср бошларида ўзбек миллий либослари бичимлари ва кўринишларида турли ўзгаришлар кўзга ташланди. Бу айниқса, XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб, Ўрта Осиёга татарлар таъсирида янги бичиқдаги кийимлар кириб келишида намоён бўлади. Бу бичиқдаги кийимларнинг олди-орқаси алохида-алохида бичилган. Янги бичиқдаги кийим ёкалари буғма ёқа, кайтарма ёқа, яхтак ёқа тузилишларида бўлган. Бундай бичиқдаги кийимларган анъанавий либослар каби ёнига йиртмоч қилинмаган.

Бу даврда ўзбек миллий либосларининг турлари ҳам матолар турлари каби ранг-баранг ва ҳар хил кўриниш, услубларда бўлган. Кийим бичими аҳолининг ёши, жинси ҳамда кундалик ёки маросим либоси эканлигига қараб тикилган. Тўй ва шунга ўхшаш маросимларда аёллар икки-уч қават кўйлақлар кийишган. Уларнинг этаклари ва енглари бир-биридан фарқланиб бири-иккинчисидан ажралиб турган. Эркақлар либосларига қараганда аёллар либосларининг турлари кўпчиликни ташқил қилган. Матолар турларининг кўплиги турли маросимлар учун махсус кийимлар яратиш имкониятини вужудга келтирган. Жумладан, тўй маросими учун келин либоси оқ рангдан тайёрланса, мотам маросимларида аёллар кўк либос кийганлар.

Либос бичимлари шакли кийим-кечак кийиб ҳаракатланишга қулай қилиб бичилган.

XIX аср охири – XX асрнинг бошларида ёшлар асосан ранг-баранг, ёрқин ранглар қўлланилган мато турларидан либос кийишса, ёши катталар эса одмироқ, бир текис, ранги тўқроқ матолардан, қариялар эса оқиш рангдаги газмоллардан либос кийишган. Бой хонадон вакилларининг кийим матолари қимматбаҳо бўлиб, безаклар кўп қўлланилгани билан бошқа табақалардан ажралиб турган. Пойабзаллардан ҳам шу хусусият яққол кўзга ташланади. Бой табақага мансуб кишилар пойабзаллари нақшлар, кашталар билан безатилган. Камбағал қатлам вакиллариники эса оддий кўриниши

билан ажралиб турган. Тақинчоклар бой катлам вакиллариники олтин ва кимматбаҳо тошлар билан зийнатланган кўринишда, ўрта катлам вакиллариники эса кумуш ва шиша тошлар билан безатилган, камбағал табақага мансубларники жез, мисдан ишлангани билан фарқланган. Хориждан келтирилган матолардан кийимларни бой катлам вакиллари кийишган.

Бу даврда анъанавий либослар матолар каби турли-туман кўринишда бўлган. Улар эркаклар ва аёллар либосларига ажралган. Ҳар икки гуруҳда либослар ўз навбатида мавсумий ва маросим либосларига бўлинган. Эркаклар анъанавий либосларида асосан кундалик кийим-кечаклар асосий ўринни эгаллаган. Либослар бичимлари ҳаракатланишга қулайлик туғдирган. XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида эркак либосларига янги кўринишлар кириб кела бошлади. Энди либослар ижтимоий-сиёсий қарашларни ўзида акс эттира бошлади. Масалан, зиёли, давлат муассасаларида хизмат қилувчи ҳамда дин арбоблари кийимларида фарқли хусусиятлар кўзга ташлана бошлайди. Либос бу даврда одамнинг ижтимоий мавқеини кўрсатиб турувчи омиллардан бири саналган. Аёллар кундалик анъанавий либослари ҳам ўзининг турли кўринишлари билан фарқланган. Айниқса, татар модасининг анъанавий либослага таъсири натижасида либос турлари яна ҳам кўпайган. Кейинчалик бу таъсир натижасида юзага келган кўкракбурма кўйлак миллий кийимлар қаторидан ўрин олган. Эркаклардан фарқли ўлароқ мотам маросимлари учун аёлларнинг алоҳида либослари кўринишлари мавжуд бўлган.

Умуман олганда бу даврда ёшга монанд равишда либослар матолари ҳамда бичимлари танланган. Матонинг ҳажмида ўзгаришларнинг вужудга келиши бичиқларга ўзгаришлар вужудга келишига сабаб бўлган.

Адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикаси “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 30 август 2001 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қонуни. 29 июль 2002 йил.

II. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ бадиий хунармандчиликлари ва амалий санъатни янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 1997 йил 31 мартдаги ПФ-1741-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 21 июлдаги “Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 200-сонли Қарори.

III. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари.

1. Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Тошкент ш., 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон Фармони.
2. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ / Ш.М.Мирзиёв. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2016. -56 б.
3. Мирзиёв Ш.М. Танкидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси

бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг мухим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисдаги маъруза, 2017 йил 14 январь. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017 йил. -104 б.

IV. Асосий адабиётлар.

1. Абдуллаев Т., Хусанова С. Ўзбеклар кийими. – Т.: Фан, 1970. - 66 б.
2. Абдуллаев Т.А., Хасанова С.А. Одежда узбеков. –Т.: Фан, 1978. -115 с.
3. Абдуллаев Т.А., Хасанова С.А. Одежда узбеков. –Т.: Фан, 1978. -115 с.
4. Абду-ур-Рауф. Рассказы индийского путешественника (Бухара как она есть). – Самарканд: 1913.- 60 с.
5. Авесто. Альбом-монография (Сўзбоши Т.Махмудовники). –Т.: Шар, 2001.
6. Аширов А. Анъанавий дунёқарашда ранглар рамзи// Фарғона водийси этнографияси ва этник тарихининг долзарб муаммолари. Наманган, 2003.
7. Беруний А. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар.- Асарлар. 1 жилд. – Т.: Фан,1968. - 486 б.
8. Бобур.З.М. Бобурнома. – Т.: Мехнат, 1990.
9. Богословская И., Левтева Л.Г.Тюбетейки Узбекистана XIX-XX веков. Альбом. –Т.: mega BASIM, 2006.
10. Борнс А. Путешествие в Бухару // Звезда Востока. Ташкент, 1993. – №2
11. Гончарова П.А. “Бухоро зардўзлик санъати”. Т.,1986

12. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. – Т.: Ўқитувчи, 1994. - 149 б.
13. Жумаев К. Традиционная Бухарская одежда конца XIX – начала XX века // Узбекистонда ижтимоий фанлар. 2002. № 5.
14. Зуннунова Г.К. Маҳаллада яшовчи ўзбекларнинг анъанавий ва замонавий кийимлари // Тошкент маҳаллалари: анъаналар ва замонавийлик. Тошкент, 2002.
15. Кашкарий М. Дивану лугатат-турк. Наука, 1972.
16. Қошғарий М. Девони луғотит турк. Уч томлик (А. Муталибов таржимаси). – Т.: Фан, 1960-1963-йиллар. 3 томлик. 3-том. - 467 б.
17. Лобачева Н.П. Среднеазиатский костюм раннесредневековой эпохи (по данным стенных росписей). Чикқан жойи ва нашриёти. – Б. 18.
18. Майидинова Г.М. История Таджикского костюма. – Душанбе: ИОО РЦ ПФЗОЖ, 2007.
19. Махкамова С.М. К проблеме атрибуции абровых тканей // Икаты Туркистана из коллекции Таира Ф. Таирова-I том. – М.: ООИД “Желтые страницы”, 2002;
20. Махкамова С.М. Смелая эстетика разноцветья полос // Старинные костюмы Узбекистана осенившие европейский модернизм из коллекции Таира Ф. Таирова-II том. – М.: Восход (ПБОЮЛ Фролов С.Д.), 2010.
21. Махкамова С.М. Узбекские абровые ткани. – Т.: Государственное издательство художественной литературы Узбекской ССР, 1963.
22. Махкамова С.М. Абровые ткани Узбекистана конца XIX-XX вв. Автореферат – кандидатлик диссертацияси. № 823. Санъатшунослик. Ташкент, 1970;
23. Махкамова С.М. К истории ткачества в средней Азии // Художественная культура Средней Азии. IX-XIII века: сборник статей. - Т.: Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма, 1983;

24. Махкамова С.М. Художественные ткани Узбекистана (полосатые и оброчные) конца XIX- XX вв. номли илмий даражадаги санъатшунослик бўйича кандидатлик диссертацияси. Ташкент, 1969;
25. Пугаченкова Г.А. К истории костюма Средней Азии и Ирана XV-первой половины – XVI в. по данным миниатюр. // Труды САГУ. №31. Ташкент, 1956.
26. Пугаченкова Г.А. К истории паранджи // СЭ. 1962. № 3. С. 191-195. Пугаченкова Г.А. К истории костюма Средней Азии и Ирана XV – первой половины XVI вв. по данным миниатюр // Тр. САГУ. Т. XXXI, 1956.
27. Пугаченкова Г.А. К истории паранджи // СЭ. 1962. № 3. С. 191-195. Пугаченкова Г.А. К истории костюма Средней Азии и Ирана XV – первой половины XVI вв. по данным миниатюр // Тр. САГУ. Т. XXXI, 1956.
28. Рассудова Р.Я. К истории женской одежды Ферганы и Ташкента (XIX – начало XX вв.) // ПИИЭ, 1979. – М.: 1983. – С. 164–178;
29. Рассудова Р.Я. К истории одежды оседлого населения Ферганского, Ташкентского и Зеравшанского регионов // СМАЭ. – 1978. – Т. – С. 154–174.
30. Рахимова З.И. Среднеазиатский костюм на миниатюрах Мавераннахра XVI-XVII вв. // Культура Среднего Востока. – Изобразительное и прикладное искусство. Т.: Фан, 1990. - С. 135-151.
31. Салье М. Бабурнома. Перевод. – Т.: изд. АН УзССР, 1958.
32. Содикава Н. Ўзбек Миллий кийимлари (XIX-XX асрлар). – Т.: Шарқ, 2003.
33. Сухарева О.А. История среднеазиатского костюма: Самарканд – М.: Наука, 1982. – 34 с.
34. Сухарева О.А. История среднеазиатского костюма: Самарканд – М.: Наука, 1982. – 34 с.
35. Торебаев Б.П. Основы дизайна текстильных изделий. – Т.: Tafakkur qanoti, 2013.

36. Турсуналиев К. Все цвета радуги. (Тюбетейки и головные уборы узбеков XIX –XX вв.). –Т.:Фан,1991.

37. Фахретдинова Д.А . Ювелирное искусство Узбекистана. – Ташкент,1988.

38. ХасанбаеваГ.К.Тўқимачилик дизайн тарихи. – Т.:Ўзбекистон, 2006.

39. Юлдашева Г.К. Нурота воҳаси аёлларининг анъанавий кийим ва тақинчоқлари. Номзодлик иши. – Т.: 1995.

V. Қўшимча адабиётлар.

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 8-жилд. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2004. -704 б.

2. Ўзбекистон миллий энциклопедияси 10-жилд. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2005. -656 б.

3. Ўзбекистон санъати (1991–2001) – Т.: Шарқ, 2001. - 240 б.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар.

1. Абдуллаева У. Аёллар бош кийими // Мозийдан садо. – Тошкент, 2011. – № 3. – Б. 42.

2. Абдуллаева Ш. Ўзбекистоннинг абрли матолари: анъананинг янги ҳаёти// Санъат журнали.№3. 2015. – Б. 32.

3. Бинафша Нодир. XIX аср охири – XX аср боши Хоразм аёллари анъанавий либослари // Санъат. – Тошкент, 2009. – № 4. – Б. 20.

4. Бинафша Нодир. XIX аср охири – XX аср бошларида Жанубий Сурхон воҳаси аҳолиси миллий либослари // Мозийдан садо. – Тошкент, 2003. – № 3-4. – Б. 71.

5. Богославская И., Левтеева Л. Пойабзал тадрижи (Ўзбекистон Давлат тарих музейи пойабзал коллекциясидан) // Санъат. – Тошкент, 2011. – № 4. – Б. 10-14;

6. Ғайбуллаева Ю. Аёллар кийим безаклари (XIX-XX асрлар) // Мозийдан садо. – Тошкент, 2016. – № 3. – Б. 42.
7. Ғайбуллаева Ю. Паранжи тарихидан // Мозийдан садо. – Тошкент, 2011. – № 3. – Б. 42.
8. Давлатова С. Ўзбек халқи либослари тарихидан // Мозийдан садо. – Тошкент, 2006. – № 3-4. – Б. 6.
9. Жумаев К. Традиционная Бухарская одежда конца XIX – начала XX века // Узбекистонда ижтимоий фанлар. 2002. № 5.
10. Левтеева Л. Бухоро зардўзлиги // Санъат. – Тошкент, 2003. – № 4. – Б. 31-33.
11. Матбабаев Б. Древние истоки ткачества Ферганы // Фан ватурмуш. №5-6. 2007. – С.19-21.
12. Махкамова С.М. Атлас жилвасининг сири // Фан ва турмуш. № 5.1963. – Б. 15.
13. Махкамова С.М. Марғилон атласи // Фан ватурмуш. №5-6. 2007. – Б.34.
14. Нуруллаева Ш. Хоразм маросим кийимлари // Мозийдан садо. – Тошкент, 2011. – № 4. – Б. 31.
15. Орифжонов О. Кушон даври либослари // Мозийдан садо. – Тошкент, 2010. – № 2-3. – Б. 10
16. Рахимова З.И. К истории костюма народов Узбекистана: Костюм Бухары и Самарканда XVI-XVII веков (по данным средневековой миниатюрной живопись. Санъат. 2005;
17. Рахимова З.И. К истории костюма народов Узбекистана: Костюм Бухары и Самарканда XVI-XVII веков (по данным средневековой миниатюрной живопись. Санъат. 2005.
18. Раҳимова З.И. XIX охири - XX аср боши Фарғона аёллари анъанавий либоси. Санъат. № 3. 2015;
19. Суюнова Д. Суғд элчилари либоси // Мозийдан садо. – Тошкент, 2012. – № 2. – Б. 7.

20. Торебаев Б.П. Основы дизайна текстильных изделий. – Т.: Tafakkurqanoti, 2013.

21. Хасанбаева Г.К. Тўқимачилик дизайн тарихи. – Т.: Ўзбекистон, 2006.

22. Элмира Гул. Хоразм заргарлик санъати // Санъат. – Тошкент, 2002. – № 2. – Б. 14.

23. Юсупов И., Мирзаалиев Э. Мунчоктепа // Мозийдан садо. – Тошкент, 2011. – № 3. – Б. 24.

VII. Интернет сайтлари.

1. <http://www.academy.uz> (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси).

2. <http://www.mcs.uz> (Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлар вазирлиги).

3. <http://www.stateartmuseum.uz> (Ўзбекистон давлат санъат музейи).

4. <http://www.temurid.uz> (Темурийлар тарихи давлат музейи).

5. <http://www.lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).

6. <http://www.gov.uz> (Ўзбекистон Республикаси Хукумат портали).

7. <http://www.uzreport.uz> (Информацион агентлик).

8. <http://www.ziyonet.uz> (ZiyoNET – информацион таълим тармоғи).

ИЛОВА



















www.70247.ru



Абузалова Меҳринисо Кадиловнанинг

**“Субстанциал морфология, валентлик ва синтактик қурилма”
мавзусидаги 10. 00. 01. – Ўзбек тили ихтисослигида филология
фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тақдим этган
диссертация авторефератига тақриз**

Сўз туркумлари ичида семантик-синтактик гуруҳларни ажратиш ва улар туза оладиган синтактик қурилмаларнинг таркибий моделларини бериш, грамматик шакл валентлигини ўрганиш асносида лексик-семантик ва грамматик валентликларнинг ўзаро уйғунлашган шаклда воқеланиш кўриниши бўлган сўзшаклнинг умумий лисоний қолипни яратиш каби устувор йўналишлардаги тадқиқотлар ҳам эътиборга моликдир. Абузалова Меҳринисо Кадиловнанинг “Субстанциал морфология, валентлик ва синтактик қурилма” мавзусидаги 10. 00. 01. – Ўзбек тили ихтисослигида филология фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тақдим этган диссертацияси юқорида аҳамияти очиб берилган масалалар ечимига бағишланади.

Диссертация, асосан, лексик-семантик ва грамматик шакл валентликларининг сўзшакл таркибида ўзаро ҳамкорлиги таҳлили орқали сўзшаклда мужассамлашган валентлик имкониятларининг синтактик қурилма таркиби ва мавқеини белгилашдаги аҳамиятини очиш ҳамда тавсифлашни мақсад қилган. Белгиланган мақсад, диссертантнинг ўзи таъкидлаганидек, валентлик назариясини грамматик валентлик (морфологик шакл валентлиги) илмий тушунчаси билан тўлдириш мавжудлиги ҳолатларини асослаш; ўзбек тили грамматик (морфологик) категориялар ва шакллариининг валентлик қобилиятларини тавсифлаб, уларнинг шакл кўшилиб келаётган асос лексеманинг семантик-синтактик валентлигига кўрсатадиган таъсири асносида таснифини бериш; сўзшакл валентлиги лексик-семантик ва грамматик валентликларнинг ўзаро бирикувидан ҳосил бўладиган янги бутунлик эканлигини асослаш; валентлик қонуниятларини кузатиш асносида ўзбек тилшунослигида сўзшакл умумлисоний моделини ишлаб чиқиш ва унинг синтактик қурилма таркиби ҳамда мавқеини белгилашдаги аҳамиятини кўрсатиш каби вазифаларни бажариш билан амалга оширилган. Тадқиқотда асосан, структурал таҳлилнинг бир кўриниши сифатида шаклланган субстанциал таҳлил методи ва ишнинг биринчи бобида батафсил шарҳланган 16 диалектик тамойилдан фойдаланилган; моделлаштириш ва трансформациялаш усуллари ҳам қўлланилган. Тадқиқотнинг жорийланиши билан танишиш жараёнида эса диссертация мавзусининг амалий аҳамияти кенг эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Диссертация кириш, тўрт асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, ишнинг тузилиши, бобларнинг ўзаро мантикий изчиллиги, хулосаларнинг бир-бирини босқичма-босқич тўлдириб бориши ишнинг қимматини оширган.

Диссертациянинг биринчи – **“Тил қурилишининг субстанциал талқини”** боби икки бўлимдан ташкил топган; биринчи бўлимда субстанциал фалсафий-методологик таҳлил тамойили ҳақида баҳс боради. Диссертантнинг тилшуносликка бағишланган бу илмий иш муқаддимасида диалектика-


нинг бу тамойиллари устида муфассал тўхталиши, бу масаланинг кўйилиши “Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг “муайян фанлар бўйича илмий тадқиқот жараёнида фалсафий умумлашма ва методологик тамойиллардан у к и л г а н ш а к л ва мазмунда а м а л и й фойдаланиш зарурлиги, афсуски, ҳалигача муайян фан тадқиқотчилари ўз сохаларида қўллашлари учун “фалсафадан талаб даражасидаги дарсликлар” тузилмаганлиги ҳақидаги фикрларига камтарона бир жавобдир. Англашиладики, барча фанларимизни ўқитиш ва сохалар тадқиқи учун “Фалсафа: тилшунослар учун”, “Фалсафа: тарихчилар учун”, “Фалсафа: химиклар учун”.... каби дарсликка эҳтиёж мавжуд. Шу боис ҳам ишда субстанциал таҳлилнинг диалектик-методологик тамойиллари бир-бир лисоний бирликлар мисолида изоҳланган; айтилган тамойиллар асосида амалга ошираётган ушбу тадқиқот ҳам шу йўлдаги илк қадам ва тилшунослар учун фалсафадан дарсликлар яратиш учун хом ашёдир” (18-бет) деган фикрлари тадқиқот учун танланган методологиянинг тўғрилигини яна бир марта исботлайди. “Тил қурилиши тадқиқига субстанциал ёндашиш тарихидан” деб ном олган иккинчи бўлимда тил қурилиши тадқиқига субстанциал ёндашиш тарихи уч даврга (1-давр: тил қурилиши талқинига субстанциал ёндашиш [ТҚТСЁ] асосларининг белгиланиши; 2-давр: тил қурилиши талқинига субстанциал ёндашиш – методологик тамойил сифатида; 3-давр: ўзбек лисоний субстанциализмининг Ғарбий Европа тиллари ҳодисаларига тадбиқ этилиши) ажратиб ўрганилган. Тадқиқотчи **“Семантик валентлик ва семантик-синтактик ғуруҳлар хусусида”** деб номланган иккинчи бобда валентлик назариясининг ўзига хос тараққиёт босқичлари, бу назария илдизларининг узок тарихга эгаллиги, бу соҳада изланиш олиб борган олимларнинг қарашлари, семантик валентликнинг юзага чиқиши билан алоқадор бўлган нейтрал, факультатив зарурий, ажралмас актантлар, уларнинг шаклий хусусиятлари масаласида фикр юритади. **“Грамматик валентлик ва унинг синтактик қурилма тузилишини белгилашда аҳамияти”** номли учинчи бобда грамматик шаклларнинг валентликка таъсири бўйича 11 та таснифини беради, луғавий асос семантик-синтактик валентлигига грамматик шаклларнинг *таъсир кучи* асосида уларнинг даражаланиш қаторини тузади. Тўртинчи бобда **синтактик қурилмаларнинг субстанциал асослари** таҳлил қилинади. Ушбу бобдаги тадқиқотлари асосида “Замонавий компьютер лингвистикасида Wordnetларда шарҳланадиган ҳар бир сўз ўзининг валентлик имкониятлари, мукаммал Wordnetлар эса ҳар бир актант мавқеида кела оладиган сўзларнинг рўйхати ва воқеланадиган маънолари кўрсатилган ҳолда тузилади. Бундай Wordnetлар компьютерлар хотирасида жойлаштирилгач, улар дастлаб исталган матнни синтактик қурилмалар сифатида ажратиш ва пировард оқибатда уларни ҳосил қилишга асос бўлади” тарзидаги хулоса ишнинг амалий қимматини оширган. Тадқиқотнинг 14 банддан иборат хулоса қисмида ўзбек ва жаҳон тилшунослиги учун қимматли аҳамият касб этадиган ва тилшуносликнинг бир неча соҳаси ривожига ҳисса қўша оладиган илмий янгиликларнинг

берилиши диссертантнинг ўз олдига қўйган мақсадига эришганлигидан далолатдир.

Умуман олганда, Абузалова Меҳринисо Кадиоровнанинг 10.00.01 – Ўзбек тили ихтисослигида филология фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тақдим этган диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг филология фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тақдим этиладиган диссертациялар олдига қўйилган талабларга тўла жавоб беради. Диссертант 10.00.01 – Ўзбек тили ихтисослигида филология фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олишга лойик деб ҳисоблайман.

Тақризчи:

ф.ф.д., профессор Л.Раупова
Камолиддин Бехзод номи Миллий
рассомлик ва дизайн институти
санъатшунослик факультети декани



К.Бехзод номидаги Миллий
рассомлик ва дизайн институти
“Тасвирий санъат тарихи ва назарияси”
кафедраси 2-курс магистранти
Рауцова Дилоромнинг **“XIX аср
охири XX аср бошлари ўзбек
миллий либослари минтакавий
типлари”** мавзусидаги магистрлик
диссертация ишига

ИЛМИЙ РАҲБАР ХУЛОСАСИ

Дилором Раупованинг танлаган мавзуси ўзининг долзарблиги билан муҳим аҳамиятга эга. Магистрлик диссертацияси кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва илова каби қисмлардан иборат.

Магистрлик диссертациясининг биринчи боби XIX аср охири XX аср бошлари ўзбек миллий либосларининг ўзига хос хусусиятларига бағишланган бўлиб, мазкур боб ўз ичига уч бўлимни қамраб олади. Биринчи бўлим XIX аср охири XX аср бошлари ўзбек миллий либосларининг ўрганилиш тарихига, иккинчи бўлим ўзбек миллий либосларининг шаклланиш тарихига ва учинчи бўлим XIX аср охири XX аср бошларида ўзбек миллий либосларида қўлланилган матолар ва уларнинг хусусиятларига бағишланган.

Илмий тадқиқот ишининг иккинчи бобида XIX аср охири XX аср бошларига оид ўзбек миллий либосларининг ҳудудий ўзига хосликларига таҳлил қилинган бўлиб, бу боб ҳам уч бўлимни ўз ичига қамраб олади. Иккинчи бобнинг биринчи қисми Самарқанд-Бухоро либосларига, иккинчи қисми Тошкент-Фарғона либосларининг ўзига хос хусусиятлари таҳлиliga, учинчи қисм Хоразм либосларига бағишланган.

Тадқиқот ишнинг учинчи боби XIX аср охири XX аср бошларида минтакамизда сақланиб қолган либосларнинг ўхшаш ва фаркли жиҳатларидеб номланади. Ушбу боб икки бўлимдан иборат бўлиб, биринчи қисмда XIX аср охири XX аср бошларига оид ўзбек миллий либосларининг умумий хусусиятлари ва таснифига, иккинчи бўлимда минтакамизда сақланиб қолган либосларнинг тарихий ва илмий аҳамиятибаён этилган.

Хулоса қисмида эса магистрант томонидан тадқиқот натижалари умумлаштирилган ҳолда фикр ва мулоҳазалар билдирилган. Ушбу магистрлик диссертацияси Раунова Дилором томонидан яхши бажарилган ва ишни ҳимояга тавсия қиламан.

«Тасвирий санъат тарихи ва назарияси»

кафедраси мудири



С.А. Курбанов

30 06 18

**Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти
Саъбат назарияси ва тарихи йўналиши 2-курс магистранти Раунова
Дилором Дилмурод қизининг “XIX аср охири XX аср бошлари ўзбек
миллий либослари минтақавий тинлари” мавзусидаги магистрлик
диссертация ишига ташқи**

Т А Қ Р И З

Анъанавий кийимларимиз моддий маданиятимизнинг асосий кўринишларидан бирини ташкил этиши билан бирга унда халқимизнинг ўтмиши, миллий хусусиятлари ва маданий қадриятлари намоён бўлади. Айни пайтда миллий маданиятининг бошқа кўринишлари сингари унинг турмуш тарзи, эстетик диди ва миллий ўзлигининг кўзгусидир.

Д.Раунованинг танлаган мавзуси ўзининг долзарблиги билан муҳим аҳамиятга эга. Магистрлик диссертацияен кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва илова каби қисмлардан иборат. Илмий тадқиқот ишининг биринчи боби XIX аср охири XX аср бошлари ўзбек миллий либосларининг ўзига хос хусусиятларига бағишланган бўлиб, мазкур боб ўз ичига уч бўлимни қамраб олади. Биринчи бўлим XIX аср охири XX аср бошлари ўзбек миллий либосларининг ўрганилиш тарихига, иккинчи бўлим ўзбек миллий либосларининг шаклланиш тарихига ва учинчи бўлим XIX аср охири XX аср бошларида ўзбек миллий либосларида қўлланилган матолар ва уларнинг хусусиятларига бағишланган. Магистрлик диссертациясининг иккинчи бобида XIX аср охири XX аср бошларида оид ўзбек миллий либосларининг ҳудудий ўзига хосликлари таҳлил қилинган бўлиб, бу боб ҳам уч бўлимни ўз ичига қамраб олади. Иккинчи бобнинг биринчи қисми Самарқанд-Бухоро либосларига, иккинчи қисми Тошкент-Фарғона либосларининг ўзига хос хусусиятлари таҳлиliga, учинчи қисм Хоразм либосларига бағишланган. Тадқиқот ишининг учинчи боби XIX аср охири XX аср бошларида минтақамизда сақланиб қолган либосларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари деб номланади. Ушбу боб икки бўлимдан

иборат бўлиб, биринчи қисмда XIX аср охири XX аср бошларига оид ўзбек миллий либосларининг умумий хусусиятлари ва таснифига, иккинчи бўлимда минтақамизда сақланиб қолган либосларнинг тарихий ва илмий аҳамияти баён этилган. Ҳар бир боб хулосалар билан якунланган.


Хулоса қисмида ҳақ таъкикот натижалари умумлаштирилган ҳолда фикр ва мулоҳазалар билдирилган. Диссертациянинг илова қисмидан иллюстрациялар ўрин олган.

Юқорида фикрлардан келиб чиққан ҳолда Раупова Дилором Дилмурод кизининг магистрлик диссертация ишини ҳимояга тавсия қиламан.

Такризчи



с.ф.п., доц. И. Абдурахмонов



**Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти
Санъат назарияси ва тарихи йўналиши 2-курс магистранти Раупова
Дилором Дилмурод қизининг “XIX аср охири XX аср бошлари ўзбек
миллий либослари минтақавий типлари” мавзусидаги магистрлик
диссертация ишига ташқи**

ТАҚРИЗ

Анъанавий кийимларимиз моддий маданиятимизнинг асосий кўринишларидан бирини ташкил этиши билан бирга унда халқимизнинг ўтмиши, миллий хусусиятлари ва маданий қадриятлари намоён бўлади. Айни пайтда миллий маданиятининг бошқа кўринишлари сингари унинг турмуш тарзи, эстетик диди ва миллий ўзлигининг кўзгусидир.

Д. Раупованинг танлаган мавзуси ўзининг долзарблиги билан муҳим аҳамиятга эга. Магистрлик диссертацияси кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва илова каби қисмлардан иборат. Илмий тадқиқот ишининг биринчи боби XIX аср охири XX аср бошлари ўзбек миллий либосларининг ўзига хос хусусиятларига бағишланган бўлиб, мазкур боб ўз ичига уч бўлимни камраб олади. Биринчи бўлим XIX аср охири XX аср бошлари ўзбек миллий либосларининг ўрганилиш тарихига, иккинчи бўлим ўзбек миллий либосларининг шаклланиш тарихига ва учинчи бўлим XIX аср охири XX аср бошларида ўзбек миллий либосларида қўлланилган матолар ва уларнинг хусусиятларига бағишланган.

Магистрлик диссертациясининг иккинчи бобида XIX аср охири XX аср бошларига оид ўзбек миллий либосларнинг ҳудудий ўзига хосликлари таҳлил қилинган бўлиб, бу боб ҳам уч бўлимни ўз ичига камраб олади. Иккинчи бобнинг биринчи қисми Самарқанд-Бухоро либосларига, иккинчи қисми Тошкент-Фарғона либосларининг ўзига хос хусусиятлари таҳлилига, учинчи қисм Хоразм либосларига бағишланган.

Тадқиқот ишининг учинчи боби XIX аср охири XX аср бошларида минтақамизда сақланиб қолган либосларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари

деб номланади. Ушбу боб икки бўлимдан иборат бўлиб, биринчи қисмда XIX аср охири XX аср бошларига оид ўзбек миллий либосларининг умумий хусусиятлари ва таснифига, иккинчи бўлимда минтақамизда сақланиб қолган либосларнинг тарихий ва илмий аҳамияти баён этилган. Ҳар бир боб хулосалар билан яқунланган.

Хулоса қисмида эса тадқиқот натижалари умумлаштирилган ҳолда фикр ва мулоҳазалар билдирилган. Диссертациясининг илова қисмидан иллюстрациялар ўрин олган. Мазкур ишда бугунги кунда долзарб масалалар тадқиқ этилган бўлиб, Раупова Дилором Дилмурод қизининг магистрлик илмий тадқиқот иши Олий ўқув юрти талабларига жавоб беради. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда мазкур диссертациянинг ижобий баҳога тавсия этаман.

Такризчи:

Ўзбекистон Давлат санъат музейи
Тадқиқот ишлари бўйича директор муовини
с.ф.н. доцент Ш. Абдуллаева

